



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Вақъи

Ал-Вақъи сўзи

**«Аср келишуви»: Фаластин масаласини халқаро
кўламлида ҳал этишга қаратилган янги атама**

Аср келишуви



Йўл харитаси

Кэмп-Дэвид

**Мадрид
конференцияси**

Осло

Фаластин масаласини йўқ қилиш мақсадида бўлаётган кўплаб
халқаро ва регионал конференциялар

Эй уламолар! Сиздан ҳақни очик айтиш, Аллоҳ Субҳанахудан
ижобат

Мерос борасида тузатилиши лозим бўлган тушунчалар



395

Ўттиз тўртинчи
йил чиқиши
Зул-ҳижжа 1440х
Август 2019м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Аср келишуви 3
- Фаластин масаласини йўқ қилиш мақсадида бўлаётган кўплаб халқаро ва регионал конференциялар 12
- Буюк давлатларга асос солишда «халқаро таъсир қуввати» омиллари 19
- Капиталистик ҳазорат яроқсиз бўлиб, у қулаш арафасида (2) 39
- Эй уламолар! Сиздан ҳақни очиқ айтиш, Аллоҳ Субҳанаҳудан ижобат 48
- Мерос борасида тузатилиши лозим бўлган тушунчалар: 66
- **Олам мусулмонлари хабарлари** 72
- **Қуръони Карим суҳбатида** 77
- **Жаннат боғлари:** Ҳаж буюк руқн ҳамда мусулмонлар бирлигининг муҳим кўринишларидандир 81
- **Сўнгги сўз:** Қирол Салмон қиролликда АҚШ кучлари жойлаштирилишига рози бўлмоқда 87
- Гардиан: Борис Жонсон Ислонни ва тарихни билмайди 88

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

«АСР КЕЛИШУВИ»

«Аср келишуви» Фаластин масаласини халқаро кўламда хал этишга қаратилган янги атамадир. Хўш, аслида, у нима ўзи? Унинг мусулмонлар билан «Исроил» ўртасида тинчликка эришишга қаратилган уринишлардан нима фарқи бор? Унинг бандлари хануз очикланмай келаётган экан, ундан қандай сценарий кутилмоқда?

Трамппнинг мусулмонлар билан «Исроил» ўртасидаги тинчлик уриниши янгилик эмас, албатта. Етмишинчи йиллар охирларидаги Картер давридан бошлаб АҚШ бошчилигида минтақа масалаларига сиёсий ечим бериш мафкураси жиддий равишда ўртага чиқа бошлади. Бунинг натижаси ўлароқ, 1978 йил машъум Кэмп-Дэвид тинчлик шартномаси имзоланди. Бугун Трамп Аср келишуви орқали тарихга киришни истаяпти ва ўтган барча АҚШ раҳбарларида ҳам шундай истак бўлган. Трамп бу ниятини Қўшма Штатлар президенти бўлгандан бир неча ой ўтиб, Саудияга қилган расмий сафари чоғида эълон қилди. Шунингдек, исломий давлатлар билан янги коалиция куриш, «Исроил»га ҳам сафар қилиш ниятида эканини ҳам маълум қилди.

У айти нуктаи назардан келиб чиқиб, Саудия сафарини бошлаб, уни тарихий зиёрат, деб атади. Унинг ортидан «Исроил»га сафар қилиб, у ерда қирол Салмон, бутун Форс Кўрфази раҳбарлари билан «Исроил» ўртасида яқин дўстликни ҳис этаётгани тўғрисида баёнот берди. Шу орқали Салмоннинг минтақада тинчлик ўрнатилиши йўлида кўплаб хизматлар кўрсатишга тайёр, деган мазмунда мужда юборди. Ўшанда Нетаньяху унинг сўзини кесиб, «биз ҳам бунга тайёرمىз, бироқ ҳамма нарсани ҳам ахборот воситалари олдида мубоҳаса қилмаслигимиз керак», деди. Унинг сўз бўлиши бежиз бўлмаганди. Чунки Трамп «Исроил» билан биргаликда олиб бориладиган курашнинг асл ҳақиқатини очиб қўйиш билан сиёсий протоколлардан ташқарига чиқиб кетганди. Бироқ аслида Трамп шундай эътиборсиз баёнот беради, чунки унинг сўзлаш услуби ковбойча сўзлашдан бошқа нарса эмас.

Тинчликка эришиш йўлидаги ҳаракат бир кун ҳам мусулмон юртлари ҳукмдорлари томонидан тўсиққа учраган эмас. Балки бу йўлдаги ягона тўсиқ яҳудийларнинг ўзи бўлиб, доим тинчлик учун бўлган ҳаракатларни бузиб келишган. Зеро, улар минтақада озчилик эканликларини, барча мусулмонлар улардан нафратланишларини ва яҳудий вужудининг йўқ бўлишини орзу қилишларини яхши билишади. Билишгани учун ҳам минтақадаги ҳолат ўзгармаслигини, қандай бўлса ўшандай туришини исташади. Чунки улар ҳеч қандай ён беришни исташмайди, мусулмонларга нисбатан ён беришни ишончсиз-хавфли, деб ҳисоблашади. Анави ҳукмдорлардан эса, яҳудийларнинг кўнгиллари тўқ. Чунки улардан бирор реал босимни кўришмаяпти. Шу боис, уларга ҳеч қандай ён беришнинг ҳожати ҳам йўқ. Шунинг учун биз бу яҳудийларнинг доим турли шартлар қўйиб келишаётганини, шу шартлари билан музокара оқимига тўсиқ қўйишаётганини гувоҳи бўляпмиз, масалан, Нетаньяху баёноти каби. Бу баёнотни у иброний тилида чиқадиган «Исраэль хайом» газетасига 2019 йил апрелда берган интервьюси чоғида айтиб, АҚШ президенти томонидан эълон қилиниши кўрилаётган «Аср келишуви» бўйича учта шарт борлигини маълум қилди. «Биринчи шарт: бирорта ҳам манзилгоҳ курган яҳудий кўчирилмасин, иккинчиси: биз Ғарбий Иордан минтақасини назорат қилишда давом этайлик, учинчиси: Қуддус тўлалигича фақат «Исроил»ники бўлиб, ғарбий ва шарқий қисмларга бўлинмасин», деди Нетаньяху. Кейин «Ғарбий Соҳилдаги барча каттаю кичик манзилгоҳлар фақат исроилликлар ҳукмронлиги остида қолиши шарт» эканини таъкидлади.

Табиийки, Трамп бу ишда мусулмонларни мутлақо ўйламайди ва манфаатларини ҳисобга олмайди. Шу орқали яҳудийларни тинмай хотиржам қилиб келяпти. Яъни, у оёқлари остида кўппаклардек унга суркалувчи араб ҳукмдорларини ва оғир иқтисодий босимлардан қийналаётган халқларни тайёрлаб қўйгани билан яҳудийларни тинмай тинчлантириб келяпти. Мана, Бахрайн конференцияси, унинг режасига дебоча бўлди. Унинг яҳудийлар кўнгиллини хотиржам қилаётганига мисоллар кўп. Жумладан, Вашингтон Пост газетаси «Аср келишуви», деб аталаётган тинчлик режасининг муҳим таркибий қисмларидан хабардор манбалардан олиб келтиришича, бу режа фаластинликлар ҳаётини яхшилашни ўз ичига олса-да, аммо, афтидан, мустақил Фаластин давлатини барпо қилишни ўз ичига олмайди. Газетада айтилишича, бу «тинчлик режаси» икки давлат ечимини

кафолатламайди, аксинча, ўтган йигирма йилдан бери оғиз кўпиртилаётган ўша музокаралар, деган нарса қайтарилаверади.

Шу нуқтаи назардан, «WAM» расмий ахборот агентлигида, «минтақага фаровонлик олиб келишга, иқтисодий ўсиш имкониятларини яратишга ҳамда минтақа аҳолиси, хусусан, фаластинлик қардош халқлар бошдан кечираётган оғир шароитларни енгиллаштиришга қаратилган халқаро саъй-ҳаракатлар ортида Амирликлар тургани» айтилади. Амирликларнинг ташқи ишлар вазирлиги эса, «семинарнинг мақсадлари – минтақани фаровон келажак билан таъминлашга, Фаластин халқининг изтиробларини енгиллаштиришга ҳамда уларни барқарор-тинч яшашлари ва фаровон ҳаёт кечиришларига имкон яратиб беришга қаратилган» эканини даъво қилди. Шунингдек, вазирлик Амирликларнинг «фаровонлик йўлида тинчлик» семинарини «олқишлаётганини, пойтахти Шарқий Қуддус бўлган мустақил Фаластин давлати масаласида ўзининг сиёсий позициясини таъкидлаётганини» маълум қилди. Бундан ташқари, Кўрфаз расмийларининг ўнлаб баёноتلари борки, уларда Трампнинг Фаластин халқи ўртасида фаровонликни амалга ошириш сари ташлаган кадамларини кўкларга кўтариб мақтаган.

Бугун Американинг малайлари исломий ва арабий юртлар ҳамда Саудия ҳукмдорларидан иборат. Айниқса, саудиялик ҳукмдорлар бўйнига Америка ўзининг минтақадаги иблисона лойиҳалари харажатларини юкламоқда. Америка бунга Трамп қудратга келган кундан бошлаб қарор қилди. Суриядаги уруш харажатларини ҳам Саудияга юклади. Яқинда яҳудийлар билан тинчлик амалиётлари харажатларини Кўрфаз давлатларига юклайди. Чунки юқорида айтганимиздек, улар Фаластиннинг кучли бир давлат бўлишини исташмайди, балки «Исроил»га тобе бир давлатча бўлишини, ҳатто «Исроил»нинг хавфсизлик харажатларини ҳам тўлашини исташади. Мисол учун, иброний тилда чиқадиган «Исраэль хайом» газетасининг 2019 йил 7 май сешанба кунги сониди, «Исроил» ички ишлар вазирлигининг ички бир ҳужжати ташқарига сизиб чиқди ва бунинг жавобгарлигини ҳеч ким зиммасига олмади. Унда АҚШнинг «Аср келишуви» номли Яқин Шарқ тинчлик режасининг тўлиқ тафсилотлари эълон қилинди. Газета ҳужжатда сизиб чиққан маълумотларнинг қанчалар тўғрилиги борасида ўринли саволни ўртага ташлади. Ҳужжатдаги асосий муҳим маълумот армия билан боғлиқ еттинчи банд бўлиб, унда бундай дейилган: «7-Армия: янги Фаластинга ўзининг мустақил армияси ва кучли қуроллари бўлишига рухсат

берилмайди, бирдан-бир рухсат берилган курул полиция куруллари бўлади. Исроил билан янги Фаластин ўртасида имзоланажак келишувда, янги Фаластинни ҳар қандай ташқи ҳужумдан мудофаа қилиш ваколати Исроилга берилиши, бунга айна мудофаа харажатларини янги Фаластиннинг тўлаши шарт қилиниши айтилади. Исроил билан мўътадил араб давлатлари ўртасида ҳам Исроил армиясининг айна мудофаа учун сарфлаган харажатлар қиймати музокара қилинади». Яъни, Трамп режаси бўйича, демак, мусулмонлар яҳудийларга жия тўлар эканлар... Аллоҳ бу малъуннинг ҳам, зараркунанда ҳукмдорларнинг ҳам мақсадларини пучга чиқарсин, икки дунёда шарманда қилсин.

«Аср келишуви» дея номланган Америка режаси жумбоққа ўхшаган ифлос қадамлар билан кетяпти. Америка минтақада бевосита ёки билвосита барча карталарини ишга солиб келди. Кўрфаз давлатларига айна режасини яқинлаштириб, Эронни олабўжи қилиб кўрсатиш билан уларнинг молларини таламоқда. Айна олабўжини ўзининг омадсиз «Аср келишуви»да ҳам ишга солмоқда ҳамда минтақадаги мусулмонлар билан яҳудийлар ўртасидаги мавжуд кураш табиатини мусулмонлар ўртасида мазҳабпарастлик курашига (араб-Эрон курашига) айлантиришга ҳаракат қияпти. «АҚШ-Эрон ўртасидаги таранглик воқеи» номли саволга жавоб варақамизда бундай дейилган:

«(Америка ва Эрон ўртасидаги кескинликнинг сабабларидан) учинчи сабаб: Бу энг муҳим сабаб бўлиб, шундан иборатки, АҚШ-Араб коалициясини тузиб, кучга кирган пайтда унга яҳудийлар вужудини ҳам қўшиш. (Юқорида биз айтиб ўтган ушбу коалиция ҳақида Трамп икки йил муқаддам, яъни, Саудия билан «Исроил»га сафар қилиш ниятида эканини маълум қилган вақтда эълон қилди.).

Американинг ҳам минтақавий сиёсати, ҳам регионал позициялар ортидаги мақсадларига чуқур назар ташлаш шунини кўрсатадики, уни Эрон билан муносабатларни кескинлаштиришга ундаган сабабларнинг энг муҳими расмий шаклда мана шу коалицияни тузишдир. Яъни, «Исроил»нинг муқаддас Фаластин заминини босиб олишига қарши қаратилган мусулмонлардаги душманликни ҳамда бу вужудни илдизи билан қўпориб ташлаб, Фаластинни қайта Ислом диёрига қўшиш масаласини Эрон билан бўлган минтақадаги мазҳабпарастлик курашига ўзгартиришмоқчи! Бошқача ибора билан айтганда, бу вужудни минтақага қориштирмоқчи. Бу – Америка билан Британия ўнлаб йиллардан бери амалга оширишга ожизлик қилиб келган масала бўлиб,

Америка бугун хоин ҳукмдорлар, хусусан кўрфазлик раҳбарлар ёрдамида уни амалга ошишига умид қияпти. Чунки бу ҳукмдорлар «Эрон хавфи», деган америкача дастак-баҳона остида яҳудийлар вужуди билан муносабатларни нормаллаштиришга жонбозлик кўрсатишяпти».

АҚШнинг ҳозирги маъмурияти мавзуга гўё иқтисодий мавзудек ёндашяпти. Кўпроқ бу Трампнинг хатти-ҳаракатлари экани кўриниб турибди. Чунки у бизнесмен, тадбиркор ва савдо битимларини тузадиган кимса. Бу келишув омадсизликка маҳкум бўлса-да, бироқ у амалда эълон қилинди ва ижроси кучга кирди. Америка ҳалигача бу режасидан ҳеч бир бандни эълон қилгани йўқ. Ҳатто Иордания қироли Вашингтонга сафар қилиб, келишув тафсилотларидан бирор ерини билишга уринди, аммо бирорта ҳам фойдали маълумот ололмади. Бироқ Ҳизб ут-Таҳрир – Иордания матбуот бўлимининг собиқ раиси устоз Мамдуҳ Абу Саво Қатишот бу борада мана бундай чиройли гапни айтиб ўтган: «Аср келишуви» ҳақида айтилганда, уни рамазондан кейин эълон қилинади, дейилди. Ваҳоланки, Ғарб ҳижрий тақвим бўйича юрмайди. Демак, бу шунга далолат қилмоқдаки, уларнинг тил бириктирув столидан рамазон ойи олиб ташланди. Бу ой мусулмонлар учун алоҳида эътиборлидир. Бу ойда муқаддас нарсалар ва юксак исломий туйғуларни таҳқирлаб мусулмонларни қўзғаб қўймаслик учун «Аср келишуви»ни рамазондан кейинга эълон қилишди.

Энди, қочқинлар тақдирига келсак, илгари яҳудийлар билан тинчлик масаласи ва Ливандаги қочқинлар тақдири кўтарилган пайтда, Ғарб давлатларининг кўплаб қочқинларни қабул қилиши мумкинлиги тўғрисида гапирилган бўлса-да, бироқ бу нарсa «Аср келишуви»да йўқ. Чунки энди Ғарбнинг ўз ерларига кўплаб мусулмонларни киритишга тоқати қолмади. Тоқат у ёқда турсин, ҳатто кўплаб Ғарб давлатларидаги экстремистик ўнг қанот партиялар ўз ерларида мусулмонларнинг бўлишига қаттиқ қаршилиқ қилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Демак, қочқинлар масаласининг ягона ечими фаластинликларни қаерда бўлсалар ўша ерда қолдиришдан иборат ва бу «Аср келишуви»дан сизиб чиққан маълумотларда ҳам кўринди, бунинг иқтисодий ташаббусга асосланганлиги маълум бўлди.

Оммавий ахборот воситаларининг яҳудийлар билан тинчлик масаласига ҳамда «Аср келишуви Deal of the century», дейилаётган номни кўп тилга олишаётганига эътибор берган киши курашнинг тафсилотларини, можаронинг барча қирраларини, қатъий

режаларни билиб оламан, деб ўйлайди. Бироқ, аслида, буларнинг барчаси ахборот воситаларининг сариқ чақага арзимайдиган кўпик хабарларидир. Бундан кейин ҳам «Аср келишуви», деган нарсанинг тафсилоти кейинга сурилаверади, фақат режанинг босқичи, яъни, айрим иқтисодий жиҳатларини айтиш билан кифояланаверади. Бундан бирдан-бир мақсад шуки, аслида, бу режа бўйича Фаластинни яҳудийларга сотилмоқчи. Бун «Вашингтон Пост» газетасидаги бир манба очиб қўйди. Унга кўра, АҚШ маъмуриятининг «Аср келишуви», дея аталаётган «Исроил-Фаластин ўртасидаги тинчлик режаси матнида Фаластин давлати барпо этилиши ҳақида якуний фикр мавжуд эмас. Манбанинг айтишича, «Аср келишуви»да фаластинликлар ҳаётининг иқтисодий савиясини кўтариш учун фақат баъзи «амалий таклифлар» айtilган, лекин «Исроил» олдида кичик бир Фаластин давлатини барпо этиш тўғрисида ҳеч нарса айtilмаган. «Вашингтон Пост» Кушнер бошқараётган гуруҳ ҳақида сўз юритган баъзи кишиларга таянган. Уларга кўра, ушбу келишувда арабларнинг «Исроил»ни тан олишлари эвазига уларга иқтисодий имтиёзлар таклиф қилиниши, аммо Фаластиннинг ҳозирги аҳволдан ҳеч нарса ўзгармаслиги, ҳеч қандай суверен давлат бўлмаслиги кўриниб турибди.

Аввалроқ Кушнер «Sky News Arabia»га берган интервьюсида – АҚШ маъмурияти тинчлик ечими бўйича реал ҳаётий таклифлар ва инсонлар ҳаётининг яхшиланишига ёрдам берадиган адолатли ечимларни илгари сурди, деган эди. Бу хабарни ички ишлар вазири олқишлаб, уни «Аср келишуви»нинг Фаластин давлатига алоқаси йўқлиги билан изоҳлади ва жумладан, «агар АҚШ маъмурияти Фаластин давлатини тиклаш учун бирор сабаб қолмади, уни тиклаш фойдасиз ва у учун бирор насиба йўқ, деб тушунадиган бўлса, мана шу муҳим хабар ҳисобланади», деди.

Фаластинда чиқадиган «Қудс» газетаси ҳам АҚШ пойтахтидаги манбалардан «Аср келишуви», дейилаётган режанинг тайёр бўлганини иқтибос келтирди. Газетанинг электрон сайтида нашр қилинган мақолада айтилишича, келажақда бу «Аср келишуви» араб давлатлари учун (газета таъбири билан айтганда) қутилмаган янгилик бўлади. Чунки айни келишув матнида «Фаластин давлати ҳам, унинг пойтахти Қуддус ҳам эътироф этилмаган, балки унда асосан, Ғазо секторига автоном бошқарув берилиши ва бу бошқарувнинг Фаластин ҳукуматига қарашли Ғарбий Соҳил районларидаги автоном бошқарувлар билан сиёсий алоқалар ўрнатиши айtilган. Хавфсизлик келишуви ҳақида эса, «Исроил»

ҳарбий-назорат пунктларининг аксари олиб ташланиб, фаластинликларга иш, мактаб ва касалхоналарга қатнашлари ҳамда Фаластин ерларида эркин савдо-сотик қилишлари кафолатланиши, бироқ хавфсизлик жавобгарлиги, ҳатто Иордан водийси ҳам, тўла «Исроил» қўлида сақланиб қолажаги айтилган. Режада Ақсо масжидини бошқариш ва у ерда намоз ўқувчиларни киришини таъминлаш борасида Иордания-Фаластин-«Исроил» ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳам айтилган. Яхудийларнинг манзилгоҳ қуришларига келсак, асосий блоklar, дея аталаётган қисмлар расман «Исроил»га ўтиши, аммо кенгайтирилмаслиги, тартибсиз манзилгоҳ қуришлар эса, албатта бартараф этилиши айтилади. Исми сир қолишини талаб қилган манбага кўра, «Аср келишуви» режаси ер айирбошлашни ўз ичига олмаган, чунки унда 1967 йилги мустақил Фаластин давлати ерлари ва унинг пойтахти Қуддус, деган гаплар тилга олинмаган, «балки тўғридан-тўғри ернинг эгаси эканликларини исботлаш имкони бўлган фаластинликлар учун катта миқдорда компенсация тўланади».

Фаластинлик қочқинлар мавзусида эса, «Аср келишуви»да уларнинг сони атиги 30 минг билан 60 минг ўртасида экани айтилади (ваҳоланки, ҳақиқий рақам 900 мингга яқин). Агар улар истасалар, Фаластин ёки Ғазо секторидаги автоном районларга қайтишлари таъминланиши мумкинлиги таъкидланади. Фонд ташкил қилиниши ва у билан 1948 йилги уруш пайтида ўз шаҳар ва қишлоқларини қочқин сифатида қайд этилмаган ҳолда ташлаб чиққанларнинг авлодларига компенсация берилиши таъкидланади.

Демакки, «Аср келишуви»га оид режаларнинг умумий таърифида айтилган нарсалар мутлақо йўқ нарсадир, фақат ўз исмига монанд савдо келишуви, холос. Эълон қилинган нарса эса, Фаластинни сотиш учун қўйилган нархдир. Таъкидлаш лозимки, шундай бир хатти-ҳаракатлар ҳам борки, баъзилар бу хатти-ҳаракатларни «Аср келишуви» иши топширилган кишилар томонидан йўл қўйилган тажрибасизлик, дейишяпти. Кўплаб сиёсатчилар, айниқса, ўтган музокаралар жараёнида қатнашган сиёсатчилар бу ҳақда таъкидлашган. Бунга, Баҳрайн конференциясига Фаластин томонининг расман чақирилмагани мисол бўлади. «Гаарец» газетасида бу хатти-ҳаракат ҳақида «Трамп тўй қилиб, келинни тўйга айтишни унутди», сарлавҳали мақола нашр қилинди. Мақолада жумладан бундай дейилади: «Баҳрайн июн ойи охирида «Тинчликдан фаровонликка» номли конференцияга мезбонлик қилиши белгиланган. Аммо афтидан, бу

тўйда келин етишмаётган кўринади. Кичик, бироқ муҳим саналган нарса, никоҳда иккинчи томоннинг ҳам қатнашишидир». Бирок конференцияга Фаластин режимидан вакил сифатида Фаластин томони мавжуд бўлмади, бунинг ўрнига, фаластинлик бизнесменлар таклиф қилинди. Бу ишни баъзилар тажрибасизлик, дейишаётган бўлса-да, бироқ аслида, бу Американинг такаббурлигидан бошқа нарса эмас. Мана, «TRT Arabi» веб-сайти бу тўғрисида нима деди: «Араб минтақаси янги бир хавфсиз воқеликка ҳозирлик кўрмоқдаки, уни «Куч орқали тинчликка эришиш», деб аташ мумкин. Президент Дональд Трампнинг куёви Жаред Кушнер етовидаги бу воқелик Яқин Шарқдаги барча мувозанатни ўзгартириб юборади. Чунки у машҳур бизнесмен Трамп жанобларининг ваъдаларига асосланган бўлиб, ахборот воситаларида «Аср келишуви», дейилмоқда».

Яна бир янгилик, Кнессет ўзини тарқатиб юборишга қарор қилди. Бу Нетаньяхунинг «Исроил» ҳукумати тузишдаги омадсизлиги ортидан юз берди. «Ахбор» газетасида айтилишича, тарихда Кнессетни бунга илк бор мажбур қилган нарса, унинг ўзини ўзи тарқатиш тўғрисида конун чиқаргани бўлди. Шунга асосан, икки марта овоз бериш бўлиб ўтиб, «Исроил» Кнессети аъзоларидан ярмидан кўпи унинг тарқалишига розилик овозини беришди. Шундай қилиб, Манама конференциясида ҳам, бинобарин, Аср келишуви»ни эълон қилиш маросимида ҳам сионистлар вужудининг вакиллик қиладиган расмий томони бўлмайди энди. Кўпроқ эҳтимол шуки, яҳудийлар араб давлатлари билан муносабатлар нормаллаштиришни, аммо ўзлари ҳеч нарса йўқотмасликни исташяпти. Шундай бўлса агар, яҳудийлар истаган нарсаларига эришган бўлишади.

Хўш, у холда, «Аср келишуви»да қандай янгилик бор?

Янгилик оддий, яъни, ҳамма томонлар Фаластинни ёрдамсиз қолдиришади, улкан хиёнат ва арзонгаров савдо амалиёти содир этилади, вассалом. Бундан ўнлаб йиллар муқаддам бошланган музокараларда тинчлик эвазига ер битими, кейин «Исроил»ни тан олиш эвазига ер битими, кейин «Исроил»ни тан олиш эвазига бир қисм ер битими, кейин, мана бугунга қелиб, бутун мусулмонлар заминидан воз кечиш эвазига молиявий товонга рози бўлиш битими ўртага чиқди... Эртага Фаластинни яҳудийларга текинга бериб юбориш ўртага чиқади... Мана сизга келишувдаги янгилик.

Ҳар бир мусулмон яхши биладики, Фаластин масаласи иқтисодий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам буюк масала. Балки у мусулмонлар ён беришлари мумкин бўлмаган ақидавий

масаладир. Шу пайтгача ҳукмдорлар ва оммавий ахборот воситалари бу масалада ён бериб келишди. Лекин

﴿سُبْحَنَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِّنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا الَّذِي بَرَكْنَا حَوْلَهُ﴾

«Бир кеча, Ўз бандаси (Муҳаммад)ни Масжидул ҳаромдан Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидул Ақсога сайр қилдирган зот (Аллоҳ) барча айбу нуқсондан покдир» [Исро 1]

оятини ўқиб, унга имон келтирган киши мусулмонларнинг ушбу заминидан бир қаричидан ҳам воз кечиши мумкин эмас. Аммо воз кечиш талаб қилинаётган нарса бир қарич эмас, бутун бир Ақсо билан унинг атрофидаги ерлар бўлса, буни нима дейиш мумкин?!

Шунинг учун, бир сўз билан айтганда, «Аср келишуви» омадсизликка маҳкумдир! Амалда эса, «Аср келишуви» агар ўлик туғилмаган бўлса, омад кучмайди, деган киши ҳақ-рост айтибди. Яхудийлар ҳам буни билишади. Ҳукмдорлар билан муносабатларни нормаллаштириш зинҳор-базинҳор халқлар билан муносабатларни нормаллаштиришни англатмаслигини ҳам билишади. Бор-йўк истаклари, минтақадаги манфаатларига – «Исроил» давлатини ёмон кўрувчи томон билан ҳеч қандай интеграцияни амалга оширмаган ёки уларнинг ён беришига эришмаган ҳолда – осонгина қўлга киритишдир. Чунки бу томон Қуддуснинг босқинчи вужуднинг ифлосликларидан озод этиладиган кунга интиқ бўлиб турибди.

Аллоҳ Таолога дуо қилиб, бизни Ўз нусрати билан сийлашини сўраймиз, У дуоларни ижобат қилгувчи зотдир. Эй Аллоҳим, Сени айбу нуқсондан пок биламиз, Сенга ҳамд айтамиз, Сендан гуноҳларимизни кечиришингни сўраб, Сенга тавба қиламиз, Сенга имон билан суянамиз ва Сенга барча эзгуликлар билан ҳамд сано айтамиз. □

ФАЛАСТИН МАСАЛАСИНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА БЎЛАЁТГАН КЎПЛАБ ХАЛҚАРО ВА РЕГИОНАЛ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

Ўтган ўнлаб йиллар давомида халқаро ва регионал жиҳатдан Фаластин масаласида тинчлик уринишлари бўлиб, конференциялар ўтказилди. Конференцияларда битимлар имзоланиб, ташаббуслар ўртага ташланди. Уларнинг барчасида мусулмон юртлари ҳукмдорлари ўз хоинликларини намойиш қилишди... Халқаро ва регионал қарорлар қабул қилинди, шу орқали аини масалани қадрсизлантиришга, бора-бора бутунлай йўқ қилишга уринилди. Бироқ Ислом Уммати асл Умматдир, айниқса, муборак Фаластин аҳли. Чунки барча мусулмонлар Фаластин масаласини – бу бизнинг масала, ақидавий масаламиз, деб билдилар. Шаръий ҳукм бўйича, Фаластинни тўлалигича қайтариб олмоғимиз, мусулмон юртларига қўшмоғимиз шарт бўлиб, манфаати унинг аҳлига хос, мулкчилиги бутун мусулмонларга хосдир. Чунки, ўзи эга бўлмаган нарсани ўз тасарруфига олиш ёки уни Аллоҳнинг шариатига зид нарса билан тасарруф қилиш ҳуқуқига ҳеч ким эга эмас. Шунинг учун душмanning ушбу омадсиз уринишларидан келиб чиққан барча хулосаларни мусулмонлар рад этдилар ва рад этмоқдалар, уларга йўқ ҳукмида қарамоқдалар, яъни, бу қарорлар мавжуд эмас, деб билмоқдалар. Мусулмонлар яҳудийларни йўқ қилиб, улардан муборак заминни қайтариб олишимизга мана шу ҳукмдорлар тўсиқ бўляпти, деб билмоқдалар. Бунинг муқобилида, яҳудийлар ҳукмдорлари ҳам бизнинг ҳақиқий душманимиз анави малай ҳукмдорлар эмас, деб билишади. Чунки мусулмон юртларидаги бу малай ҳукмдорларнинг ўз халқларига, динларига ва масалаларига хиёнат қилишганини билишади... чегараларни кўриқлаб, мусулмонларнинг босқинчи яҳудийларга қарши қурашиш ва уларни йўқ қилишларига йўл қўймаётганини кўришяпти. Аксинча, яҳудийлар ўзларининг ҳақиқий душманлари арабу ажам мусулмонлар, бир бутун Уммат эканини тушунишмоқда. Бу ҳақда Мисрнинг вафот этган президенти Муҳаммад Анвар Садатнинг «Исроил»ни зиёрат қилганига қирқ йил тўлиши муносабати билан 2019 йил 21 ноябрда ўтказилган Кнессет йиғинида Нетаньяху бундай деган: «Тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги энг катта тўсиқ атрофимиздаги давлатлар раҳбарлари эмас, балки, араб кўчаларидаги мавжуд жамоатчилик фикридир. Бу

жамоатчилик фикри, узоқ йиллардан бери, Исроил давлати ҳақида нотўғри фикрлар ва қарши тасаввурлар билан заҳарланиб келди».

Қуйида Фаластин масаласини йўқ қилишга уринишларнинг қисқа баёни:

• **Халқаро Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йилда қабул қилган 242-сонли қарори:**

Бу йўлдаги музокараларнинг биринчиси Халқаро Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йилда қабул қилган 242-сонли қарори чиққандан сўнг бўлиб ўтди. Қарорда қуйидагиларга даъват қилинди: «Исроил қуролли кучларининг сўнгги низода босиб олган ерлардан олиб чиқиб кетилсин», «Минтақадаги ҳар қандай давлатнинг суверен бўлиши, тан олиниши, ҳудудий яхлитлиги, сиёсий мустақиллиги ҳамда таҳдидли хатти-ҳаракатлардан холилиги, эътироф этилган чегаралар ичида тинч-тотув яшаш ҳуқуқи ва хавфсизлиги ҳурмат қилинсин». Бу қарор «Тинчлик эвазига ер» тамойилининг тимсоли эди. Аини тамойилнинг маъноси, атрофидаги давлатлар томонидан тинчликка эришиш эвазига «Исроил» 67 йил босиб олган ерларини қайтариб беради. Бу эса, «Исроил» учун ютуқ ҳисобланади. Чунки у шу орқали 67 йилдан олдин босиб олган ерларнинг Фаластинга қарашли бўлмаган ерлар, дея тан олинишига замин тайёрлаб олмоқда, шу билан бирга, бу нарса «Исроил» давлатининг тан олинишига олиб келмоқда. Бу қарорнинг 67 йилда босиб олинган ерлардан чиқиб кетиш, деган инглиз тилидаги ибораси тушунарсиз-мубҳам бўлди. Натижада, бу мубҳамлик яҳудийларга қўл келиб, босим олинган ерлардан баъзиларидан чиқиш назарда тутилган, ҳаммасидан чиқиш назарда тутилмаган, дейишди. Кейин, бу қарор бажарилиш шарт бўлган даражадаги қарор эмас, балки тавсиялар бобидаги қарордир. Табиийки, бугун тинчлик эвазига ер тамойилининг ҳеч қандай кадри қолмади. Чунки «Исроил» ўз атрофидаги давлатлар томонидан бирор хавфсизлик таҳдидини кўрмаяптики, улардан тинчлик талаб қилса. Билъакс, бу босқинчи «давлат»нинг ўзи у давлатларга таҳдид солмоқда. Бу ҳақда қуйида келади.

• **1987 йилдаги Кэмп-Дэвид шартномаси:**

1973 йил октябрда Миср «Исроил»га уруш қилди. Албатта, бу саҳна ўйини эди. У сафарбарлик уруши, деб аталди, озодлик уруши, деб аталмади. Яъни, ундан кўзланган мақсад яҳудийлар уларни рад этиб келаётган тинчлик музокараларини ҳаракатга келтириш эди. Гарчи у саҳна ўйини бўлса-да, бироқ 2010 йил чиқарилган айрим ҳисоботларга кўра, «Исроил» ҳақиқатда титроқ

ва қўрқувда яшар эди. Ўша пайтдаги «Исроил» мудофаа вазири – арабларда «Исроил»ни йўқ қилишга қодир куч бор, деган. Мана шундай муҳит яҳудийларни музокараларга рози бўлишга ундади ва АҚШ президенти Жимми Картер бу вазиятдан фойдаланиб, Миср президенти Анвар Садат билан «Исроил» бор вазири Менахем Бегинни тинчлик сўзлашувлари ўтказишлари учун Вашингтон яқинидаги Кэмп-Дэвид қароргоҳига чақирди. Учрашувда Америка икки келишувга эришди. Биринчи келишувда, Яқин Шарқдаги тинчлик доирасида Миср-«Исроил» тинчлик шартномасини имзолаш зарурлиги қайд этилиб, «Исроил» билан унга қўшни давлатлар ўртасида яна бир шартнома имзолашга даъват қилинди. Бу биринчи келишувда Фаластинда автоном ҳокимият яратиш, аммо Фаластинни тамсил этувчи ҳеч қандай томон бўлмаслиги айтилди. Иккинчи келишувда, «Миср-«Исроил» шартномасининг Кэмп-Дэвид шартномаси асослари»га эришилди. Бу келишув «Исроил»нинг Синайдан чиқиб кетиши ортидан 1979 йил бўлиб ўтиб, унда араб давлатлари томонидан, улар ичида энг каттаси бўлган Миср томонидан биринчи марта «Исроил»ни ҳақли давлат сифатида тан олинди.

• **1991 йил Мадрид конференцияси:**

АҚШ билан собиқ Совет Иттифоқи раҳнамолигида ўтказилган бу Мадрид конференциясидан мақсад, Миср-Исроил ўртасидаги битим-келишувлардан илҳомланган ҳолда, бошқа араб давлатларини «Исроил» билан битимлар имзолашга тарғиб қилиш бўлди. Тарғиб қилинган давлатлар – «Исроил» ва Миср билан бирга, Иордания, Ливан ва Сурия эди. Фаластин айни конференцияда бу сафар Иордания билан ҳамкорликдаги делегация сифатида қатнашди. Оқибатда, Мадрид конференцияси 1994 йилда Иордания билан «Исроил» ўртасида тинчлик битимининг имзоланишига олиб келди. Фаластин делегациясига келсак, у билан яширин сўзлашувлар бўлиб ўтиб, ниҳоят, бу Осло шартномасига имзо чекишга олиб борди.

• **1993 йил Осло шартномаси:**

Бу музокарада аввалги сўзлашувларда йўқ бўлган омилни ҳал қилишга уринилди. Бу «исроилликлар» билан фаластинликлар ўртасида бевосита сўзлашув ўтказиш омили бўлиб, фаластинликлардан бу сафар Фаластин Озодлик ташкилоти вакиллик қилди. Конференция Норвегия раҳнамолиги остида қатъий махфийлик шароитида бўлиб ўтди. Сўнг 1993 йил 13 сентябрда Оқ уйда АҚШ президенти Билл Клинтон ҳузурида икки томон Осло шартномасига имзо чекишди... Фаластин раҳбари Ёсир

Арафот билан «Исроил» бош вазири Исҳоқ Рабин бир-бири билан қўл сиқишишди. Осло шартномаси матнида «Исроил»нинг Ғарбий Сохил ва Ғазодан босқичма-босқич чиқиб кетиши ва беш йил муддатли ўтиш даври босқичи асносида «Фаластин муваққат мухториятини тузиш, муддат охири мувофиқлашув билан тамомланиши айтилди. Бироқ унда Фаластин давлатини барпо қилиш тўғрисида очиқ айтилмади. Очиқ айтилмаса-да, аммо шартномада келажакда «Исроил» билан ёнма-ён Фаластин давлатини қуришни англатувчи яширин маъно бор эди. Амалда Осло яҳудийлар ҳукмронлиги остидаги бир ҳокимият яратишга остона эди.

- **2000 йил Кемп-Девид саммити**

Бу музокаралар, аслида, Осло шартномасини амалга оширишга уриниш бўлди. Шу билан бирга, яҳудийларни Қуддусга ҳукмрон қилишга хизмат қилди ва унда эски Қуддус, деган атамадан фойдаланилди. Эски Қуддус Қуддус шахрининг бир қисми бўлиб, умумий майдоннинг 1 %идан камроғини ташкил қилади. Ҳатто мана шу эски Қуддусни ҳам яҳудийлар тўртга (масихий маҳалла, арманий маҳалла, ғарбий маҳалла, исломий маҳаллага) бўлиб ташлашди. «Исроил» Ғазо секторидан чиқиб кетиш ва Ғарбий Сохилдан катта қисмидан воз кечишни, шунингдек, Негев саҳросидаги ерларни Фаластинга беришни, бунинг эвазига эса, асосий манзилгоҳ қурувчи районлар билан Шарқий Қуддуснинг катта қисмини сақлаб қолиш таклифини киритди.

- **2001 йил Таба саммити:**

Клинтон «Исроил» билан ҳақиқий келишувга эришишга уринишда давом этди. Ўзи Оқ уйни тарк этиш арафасида турган бўлса-да, Вашингтонда, Қоҳирада, кейин Таба (Миср)да қўшимча музокаралар ўтказишга шошилди. Бу музокараларда, шунчаки сафсата сотилиб, охир оқибат, гўё Қуддуснинг ғарбий қисмдаги яҳудийлар босқинчилигини сақлаб қолиш мақсад қилангандек эди. Ушбу музокараларда «Исроил» ва Фаластин томонидан бирорта ҳам юқори лавозимли шахслар қатнашмади.

- **2002 йил Саудия тинчлик ташаббуси:**

Саудия тинчлик ташаббуси яҳудий вужудини тўла тан олишга қаратилди. Юқорида айтганимиздек, музокаралар тинчлик эвазига ер тамойилига асосланди. Яъни, «Исроил» ерлардан қайтариб бериб, бунинг эвазига исломий ва арабий давлатлар унга тинчлик берадиган бўлди. Аммо Саудия ташаббусида эса, музокаралар «Исроил»нинг ер бериши эвазига уни давлат сифатида тан олишдан иборат бўлди. Унинг матнида айтилишича, «Исроил» 67

йилдаги ҳудудлардан чиқиб кетади, Ғарбий Соҳил ва Ғазо секторида Фаластин давлати барпо этилишига ҳамда қочқинлар масаласида «адолатли» ечим чиқарилишига рухсат берилади, бунинг муқобилида, араб давлатлари «Исроил»ни ҳақли давлат сифатида тан олишади. 2007 йил Риёзда яна араб давлатлари саммити бўлиб, унда ҳам Саудиянинг тинчлик ташаббуси таъкидланди.

- **2003 йил Йўл харитаси:**

Йўл харитаси – бу АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи ва БМТ дохил тўртлик комиссияси тайёрлаган тинчлик режасидир. Бу режада «Исроил»-Фаластин ўртасидаги низони якуний ҳал этиш тўғрисида ҳеч қандай тафсилот йўқ. Бирок унда муаммони қандай ҳал этиш ва унга қандай ёндашиш услуби таклиф қилинган. Йўл харитасидан олдин 2002 йил ўша пайтдаги АҚШ президенти кичик Жорж Буш томонидан баёнот чиқарилиб, унда Фаластин давлатини барпо қилишга даъват этилди. Бу АҚШ раҳбари томонидан чиқарилган илк баёнот ҳисобланади. Баёнотда якуний келишувга эришишдан олдин хавфсизликни таъминлашга асосланган босқичма-босқич жадвал таклиф қилинди. Чунки Америка Ироқ ва Афғонистон фронтлари билан банд эди, шу боис Йўл харитасини кечиктирди.

- **2003 йил Женева шартномаси:**

Бу шартномадаги асосий нарсаси, Фаластин томони Ғарбий Соҳилнинг каттароқ қисмига эга бўлиш эвазига «қайтиш ҳуқуқи»дан воз кечадиган бўлди. Шунингдек, айтилган шартномада ер айирбошлаш, деб аталган янги принцип пайдо бўлди. Яъни, «Исроил» ўзининг ичкарасидан фаластинликларга ер беради, бунинг эвазига, Ғарбий Соҳилдаги бошқа ерларни сақлаб қолади. Булардан ташқари, шартномада фаластинликларга Шарқий Қуддусда ўз истиқболли давлатлари пойтахти ўрнатишлари, бунинг эвазига, «исроилликлар» эски Қуддус ғарбидаги деворларга эгалик қилишлари ҳам айтилди.

- **2007 йил Аннаполис шартномаси:**

АҚШ президенти Буш иккинчи бор президентлиги даврида «Исроил»-Фаластин ўртасида тинчлик жараёнини қайта бошлаш учун Мэриленде штатидаги Аннаполис денгиз базасида конференция ўтказди. Конференцияда «Исроил» бош вазири Эхуд Ольмерт билан Фаластин режими раҳбари Маҳмуд Аббос учрашиб, сўзлашув ўтказишди. Шунингдек, сўзлашувда Йўл харитасини тайёрлаган тўртлик комиссиясидан расмийлар ҳамда Саудия ва Сурия каби араб давлатларидан вакиллар ҳам қатнашди.

Сурия ўзининг конференцияда қатнашишини, Американинг Жўлон масаласини кун тартибига киритишга рози бўлгани билан оқлади. Маълумки, Америка ҳар доим корреляцион (йўналишларни ўзаро боғлаш) тамойилни талаб қилиб келади, яъни, ечимнинг бир вақтда барча халқа давлатларини ўз ичига олишини истайди. Саудия ўзининг конференцияда қатнашишини араб давлатлари иттифоқига қарши чиқмаслик билан оқлади. Ваҳоланки, у «Исроилни тан олган ва у билан муносабатларни нормаллаштирган давлатларнинг олди ҳисобланади, чунки 2002 йил Байрутда араб давлатлари ташаббусига ундаган мана шу Саудия. Бу Аннаполис шартномаси араб давлатларининг «Исроил»ни расман тан олишларининг очилиши бўлди. Ундаги хулосалар умумий муносабатлар конференцияси каби чиқарилиб, кейинги музокаралар учун муҳит ҳозирлашга қаратилди. Америка бу конференция орқали ўзининг Ироқ ва Афғонистонда ботган ботқоғидан бир оз бўлса ҳам қутулиб олишни истади. 2003 йилда Араб давлатлари Лигасида 2002 йилда таклиф қилинган тинчлик ташаббуси шартларига ўзгартиш киритилди. Бу ўзгартишлар «исроилликлар» билан фаластинликлар ўртасида ер айирбошлаш бўйича бўлди. Бу билан эса, тан олиш эвазига бир парча ер берилди. Бу вақт ичида Трамп Америкасининг янги уринишлари, таклиф қилишга эмас, зўрлаб ўтказишга, тинчликка эмас, балки Фаластин аҳлини яҳудийларга таслим қилишга ва масалаларини «Аср келишуви» орқали бутунлай йўқ қилишга қаратилди.

Инша Аллоҳ, уларнинг бундай гумони тескари чиқиб, зиён кўрувчилардан бўлишади. Чунки бу ерда фақат бир сўз бор, холос: Фаластин мусулмон заминидир, яҳудийлар уни фақат Усманийлар замонидаги Халифалик давлати ағдарилгандан кейингина ўзлаштириб олишди, Аллоҳнинг мадади ила, бу сохта «давлат»ни йўқ қилиш ҳам, бизга Росулulloҳ ﷺ башорат қилган ушбу Халифалик давлатини қайта барпо қилиш билангина амалга ошади. Уни йўқ қилиш йўлига эса, Аллоҳ, Росули ва мўминлар хоинларини тахтларидан ағдариш билан етиб борилади. Бу Аллоҳнинг изни ила, албатта амалга ошажак. Зеро, бу Росули акрам ﷺ нинг бизга берган ушбу хушхабарининг тасдиқидир:

«تَكُونُ النَّبُوَّةُ فِيكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَى مِنْهَاجِ النَّبُوَّةِ، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا، ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصًا فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا، ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَزِيَّةً فَتَكُونُ

مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ تُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا، تُمْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَى مِنْهَاجِ النَّبُوَّةِ. تُمْ سَكَّتْ»

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар». (Имом Абу Довуд ривояти). Яна ушбу сўзларининг ҳам тасдиқидир:

«تُفَاتِلُكُمُ الْيَهُودُ فَتُسَلِّطُونَ عَلَيْهِمْ، تُمْ يَقُولُ الْحَجَرُ: يَا مُسْلِمُ هَذَا يَهُودِيٌّ وَرَائِي، فَاقْتُلْهُ»

«Сизларга қарши яҳудийлар жанг қилишади. Сизлар уларни мағлуб қиласиз. Шунда хатто тошлар ҳам тилга кириб, эй мусулмон, мана яҳудий ортимга яшириниб турибди, кел уни ўлдир, дейди». (Имом Бухорий ривояти).

Бугунги кунда мусулмонлар яшаётган золим ҳукмдорлар воқелиги охирлаб қолгани кўринмоқда... Мусулмонлар интилаётган Халифалик, уларнинг яҳудийларни йўқ қилишга мушток бўлиши, буларнинг барчаси – Аллоҳ изни ила – яқинлашиб қолгани намоён бўлмоқда.

﴿وَيَوْمَئِذٍ يَفْرَحُ الْمُؤْمِنُونَ ۖ بِنَصْرِ اللَّهِ يَنْصُرُ مَنْ يَشَاءُ ۖ وَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ﴾

«Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар. Зеро, (Аллоҳ) истаган бандаларига нусрат берур ва У кучли, раҳимлидир» [Рум 4-5] □

БУЮК ДАВЛАТЛАРГА АСОС СОЛИШДА «ХАЛҚАРО ТАЪСИР ҚУВВАТИ» ОМИЛЛАРИ

Асьад Мансур

Дунё микёсида давлатнинг қуввати ва буюклиги унинг бошқа давлатларга таъсир ўтказа олиши билан ўлчанади. Шунинг учун дунёда таъсир ўтказа олувчи давлатга қарам давлатлар, унинг таъсири остида бўлган давлатлар, унга дўст ёки иттифоқчи ёхуд ҳамкор бўлган давлатлар бўлади. Бу билан таъсир кўрсата олувчи давлат халқаро майдонда фаол роль ўйнай олади. Эҳтимол, бундай давлат халқаро майдонга ҳукмронлик қилиши ва у дунёда биринчи давлат бўлиши ҳам мумкин. Биз ўзимиз тикламоқчи бўлган давлатнинг халқаро майдонда таъсир кучига эга бўлган давлат бўлишини, қолаверса дунёнинг ҳар тарафида яхшилиқни ёйишга ҳаракат қилишини ҳамда бутун дунё бу яхшилиқдан, хавфсизлик ва адолатдан баҳраманд бўлиши учун дунё бўйлаб бу яхшилиқнинг кенгайишини истаймиз. Шунинг учун биз давлатнинг таъсир қуввати омилларини ўрганишимиз лозим... Бу омиллар аввал давлат ичкарасида бошланиб, кейин ташқарига кенгайди. Биз эътиборимизни Аллоҳнинг изни ила тикланиши кутилаётган Халифалик давлатига қаратамизда, сўнг бошқа давлатларнинг қувват омилларини кўриш учун лозим қадар уларнинг воқеига тўхталиб ўтамиз.

Бу омиллар қуйидагилардир:

1 – Давлат мабдага ёки ўзи бутун оламга кўтариб чиқадиған рисолатга эга бўлмоғи лозим. Акс ҳолда у бошқа давлатлардан фарқ қилмай қолади ва доимий шаклда бошқа давлатларга таъсир ўтказа олмайди. Рисолат соҳиби бўлган давлат коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги фикрларга эга бўлади. У бу фикрларни – одамлар уларни қабул қилиши учун – уларга таклиф қилади ва уларни шу фикрлар билан бошқаради ҳамда уларга муаммоларнинг ечим ва муолажаларини тақдим этади. Шунингдек, ушбу фикрлар шарофати ҳамда ушбу ечим ва муолажалар татбиқ этилиши билан Ислом давлати ютуққа эришиб буюк давлатга айланганини одамларга баён қилиб беради. Ислом инсон фарзандларига оламий рисолатни мана шунинг учун олиб келган.

﴿قُلْ يٰٓاَيُّهَا النَّاسُ اِنِّى رَسُوْلُ اللّٰهِ اِلَيْكُمْ جَمِيعًا﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад): Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ (юборган) элчиман»

[Аъроф 158]

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ﴾

«(Эй Муҳаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни Аллоҳнинг раҳмати-жаннатига етаклагувчи) қилиб юбордик» [Анбиё 107]

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ﴾

«(Эй Уммати Муҳаммад), одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз» [Оли Имрон 110]

Мусулмонларни ўз давлатлари билан бирга оламга чиқишга ва мабда йўлида ҳар қанча бўлса ҳам қурбон беришга айнаи шу рисолат ундади. Ўз худудидан ва шу худудни мудофаа қилишдан бошқасини билмаган арабларни барча инсонларга қарши уруш қилишга, оламни фатҳ қилишга шу рисолат ундади. Шунинг учун Робиъ ибн Омир форс қўмондони Рустам олдида салобатли позицияда турди. Рустам ундан: сизларни бизга нима олиб келди – деб сўраганида Робиъ унга жавобан шундай деди: «Аллоҳ бизни ўзи истаган кишиларни бандаларга ибодат қилишдан Аллоҳга ибодат қилишга, дунё торлигидан охират кенглигига ва динлар зулмидан Ислом адолатига олиб чиқишимиз учун юборди. Аллоҳнинг махлуқотларини унинг динига чақиришимиз учун бизни ўзининг дини билан юборди. Ким буни қабул қилса, биз ундан бу ишини қабул қиламиз ва ортга қайтамиз. Ким бош тортса Аллоҳнинг ваъдасига етгунимизга қадар унга қарши доим жанг қиламиз». Шунинг учун Ислом давлати оламда биринчи давлатга айланди ва қарийб ўн уч аср давомида буюк давлат бўлиб келди.

Бугунги кунда оламда биринчи давлат бўлган Америка гарчи мабда соҳиби бўлса ҳам унинг мабдаси ботил мабдадир. Гарчи у ўз рисолатини оламга кўтариб чиқса ҳам унинг рисолати инсонни бахтсизликка учратадиган ёлғон рисолатдир. Американинг ўз мабдасини ёйиш учун танлаган йўли мустамлакачиликдир. Қолаверса, унинг мақсади халқларни мустамлака қилиб конини сўриш ва жирканч услублар билан бойликларини талашдир. Бу мабданинг сохталиги одамларга тез орада фош бўлади. Шунда улар Американи рад этиб, унга қарши чиқа бошлайдилар. Одамлар Американинг мутакаббирлигини, зулмини, инсофсизлигини ва гарчи ўзи учун манфаатли томон ноҳақ бўлса ҳам ўша томонга ўтиб олишини кўрдилар. Америка ўзини жавобгарликдан устун деб билади. У дунё полицияси бўлиб, ўзи истаган нарсани қилади ва бирортаси қилган жинойтлари учун уни тергай олмайди. Америка ўз манфаати йўлида барча шартнома ва битимларни

бузади. Чунки у агар шартнома ва битимлар унинг мустамлакачилик манфаатларига қарама-қарши келса ҳеч қандай шартнома ёки битимга риоя қилмайди. Бу билан у одамлар олдида ишончини йўқотди ва одамлар уни ёмон кўрадиган бўлиб қолди. Бугунги кунда Американинг аҳволи мана шундайдир. У яҳудий вужуди ёки ўзи учун манфаатли бўлган ҳар қандай давлат ҳар қанча қилмиш қилса ҳам улар томонга ўтиб олади. Бу эса, айти зулмининг ўзидир. Унинг жиноятчи ҳукмдорлар ва тоғут малайлар томонига очиқчасига ўтиб олганига бутун дунё гувоҳ. У одамларни озод қилиш учун эмас, балки ҳукмронлик ва мустамлака қилиш учун тажовузкор урушларни очмоқда. Шунинг учун унинг ҳукмронлиги асло давом этмайди. Ҳатто унинг халқи Ислонни очиқ суратда кўрган пайтида ботил капиталистик мабдадан ва сохта илмоний демократиядан воз кечиб, Ислоннинг ҳақ мабдасини қабул қилади ва унинг соф рисолатини кўтариб чиқади. Бошқа буюк давлатларнинг аҳволи ҳам Американинг аҳволидан яхши эмас.

2 – Давлат ичкарида муваффақиятли бўлиши, яъни том маънода давлат бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, давлат халқи қабул қилган фикрга асосланиб пайдо бўлади. Чунки давлат одамлар қабул қилган тушунча, ўлчов ва қаноатларни ижро қилувчи органдир. Ушбу тушунча, ўлчов ва қаноатлар фикрдан келиб чиқади. Сўнг давлат қоим бўлиб уларни одамлар устида ижро қилади ва ушбу фикрдан келиб чиққан муолажаларни қабул қилади. Бу муолажалар қонунга айланиб одамлар бу қонунларга ишончдан келиб чиқиб ихтиёран риоя қиладилар. Давлат уларнинг ишларини бошқаради ва манфаатларини рўёбга чиқариб беради. Бу билан одамларда ўз давлатларига бўлган ишонч пайдо бўлади. Шунинг учун одамлар давлатни ўзларидаги энг бебаҳо нарсаларини сарфлаб ҳимоя қиладилар ва уни ҳақиқий ғамхўр она ўрнида кўрадилар. Чунки ғамхўр она ўз фарзандларини қаттиқ яхши кўрганлигидан уларнинг устида бедор бўлади, ўзи тўйишидан олдин уларни тўйдиради ва ўзи киймаган энг яхши кийимларни уларга кийдиради. Агар улардан бирортаси оғриқдан азият чекса унинг ёнида бедор бўлади ва шифо топгунига қадар унга даво излайди. Чунки у меҳрибон ва раҳмли онадир... Мана шунда ҳар бир киши бу давлатни ўзининг давлати деб билиб унга ишончли посбон бўлади. Ислоний давлатга мусулмонлар мана шундай муносабатда бўлганлар. Улар бу давлатнинг доимий сақланиб қолишини, гуллаб-яшнашини истаганлари учун унга ишончли посбон бўлганлар. Ҳукмдорлари уларга хиёнат қилмаган

ва уларни душманга топшириб қўймаган. Чунки бу ҳукмдорлар билар эдики, бошқарув бир омонатдир ва у қиёмат кунда надоматдир. Негаки, бошқарув уларнинг ақидасига, Аллоҳ ва унинг Росулига бўлган имонга таянган. Бошқарув мана шу имонга боғлиқ бўлган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تُؤَدُّوا الْأَمَانَاتِ إِلَىٰ أَهْلِهَا وَإِذَا حَكَمْتُمْ بَيْنَ النَّاسِ أَنْ تَحْكُمُوا بِالْعَدْلِ إِنَّ اللَّهَ نِعِمَّا يَعِظُكُمْ بِهِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ سَمِيعًا بَصِيرًا﴾ ﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِيَ الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ۚ ذَٰلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا﴾

«Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларини ўз эгаларига топширишга ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради. Албатта, Аллоҳ сизларга энг яхши панд-насиҳатлар қилур. Албатта, Аллоҳ эшитгувчи, кўргувчи бўлган зотдир. Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайгамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган иш эгаларига бўйсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, – агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳга ва пайгамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» [Нисо 58-59]

Америкага келсак, гарчи у бутун дунёга моддий жиҳатдан муваффақиятли ва юксалган бўлиб кўринсада одамларга бойликларни тақсимлашда, хизмат ўринларини таъминлашда ҳамда одамлар орасида адолат, хотиржамлик ва омонликни рўёбга чиқариб беришда муваффақиятсизликка учради. Чунки бойлар билан камбағаллар ўртасида жарлик кенгайиб, юртда иркий дискриминация ҳукмрон бўлди ва барча турдаги жиноятлар кенг тарқалди. Одамлар доим ўз ҳаётларидан, моллари ва ор-номусидан хавотирланиб яшайдилар. Агар одамлар ташвишли ички вазиятни эшитсалар уларнинг унга ишончи сусаяди, унинг одамларга таъсири озаяди ва у одамларга ёмон кўриниб қолади. Американинг бугунги аҳволи мана шундай. Бу аҳвол Америка иккинчи жаҳон урушидан кейин оламга чиққанидан кейинги аҳволдан фарк қилади. Одамлар хануз унинг бу аҳволини англаб етмадилар. Чунки унинг кўриниши ялтироқ эди. Бугунга келиб одамлар унинг аҳволини англаб ета бошладилар. Чунки унинг бугунги кўриниши қорадир. Бошқа буюк давлатларнинг аҳволи ҳам бундан яхши

эмас. Улар ҳам Америкага ўхшайди ва уларнинг халқлари ҳам тарқоқ бўлиб, альтернатив излашмоқда. Дунё халқлари уларга ишонмайди. Чунки улар мустамлакачилик ва зулмда узун тарихга эга.

3 – Давлат ўз мабдасидан келиб чиққан қонун ва низомларни яхши татбиқ қилиши лозим. Бунинг учун у низомларни татбиқ қилишда одамларнинг шароитини, яъни камбағаллик ёки фаровонликда ҳаёт кечиришини эътиборга олиши лозим. Давлат қачон ва кимга мурувват кўрсатишни, қачон ва кимга қаттиққўллик қилишни ҳамда одамларга инсоф қилиб уларнинг ўртасида ғаразғўйлик қилмасдан адолат қилишни билиши керак. Давлатнинг фуқарога шундай муносабатда бўлиши ташқарида акс этади ва бошқа одамлар давлат ичкарасидаги адолатини ҳамда ютуғини кўришгач бу уларга таъсир қилади. Одамларнинг ўз давлатларига бўлган ишончи, итоатда бўлиши ва уларнинг ўзаро бирдамлиги бошқаларнинг шу давлатга бўлган эҳтиромини пайдо қилади. Бу билан бошқалар бу давлатни юксак баҳолаб, ўзлари учун уни намуна қилиб оладилар. Давлат бошқа халқларни қутқариш учун ҳаракатга келган пайтида бошқалар бу давлатнинг рисолатини қаршиликсиз қабул қилдилар. Шунинг учун, агар Исломий давлат бирор юртни фатҳ қилса ёки бирор юртга кирса юрт аҳолиси ҳеч бир мажбурликсиз ихтиёран Исломни қабул қилишган. Зеро, Ислом мажбур қилишни ҳаром қилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ﴾

«Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир» [Бақара 256]

Шунинг учун фатҳ қилинган юрт аҳолиси фотиҳ жангчилар сафига қўшилиб, янги фатҳларни давом эттирган ва марказдан қўшин келишига эҳтиёж бўлмаган. Усмон عليه السلام даврида Ироқ ва Шом фатҳ қилиниб уларнинг аҳолиси Исломга кириши биланоқ Озарбайжон ва Арманистон фатҳини давом эттириш учун исломий қўшинга қўшилишган. Шимолий Африка юртлари фатҳ қилинганида ҳам бу юртлар аҳолиси Андалусия фатҳида иштирок этган ва қўшин қўмондони яқинда фатҳ қилинган юрт аҳолисидан бўлган. Барча мусулмон халқлар ҳеч бир мажбурликсиз ихтиёран Исломга кирган. Шунинг учун Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ ۖ وَرَأَيْتَ النَّاسَ يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا ۖ فَسَبِّحْ

بِحَمْدِ رَبِّكَ وَاسْتَغْفِرْهُ ۚ إِنَّهُ كَانَ تَوَّابًا﴾

«(Эй Муҳаммад), қачон Аллоҳнинг нусрати ва галаба келса ва одамлар тўн-тўн бўлиб, Аллоҳнинг дини (Ислом)га қираётганларини кўрсангиз, Дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У зотни ҳар қандай «шерик»лардан) покланг ва У зотдан мағфират сўранг! Зеро У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган зотдир» [Наср 1-3]

Аммо Американинг бугунги урушларига бир қаранг. У марказдан қўшин олиб келади ва бу қўшин бирор юртга кириши биланоқ унинг тажовузига учраган юрт аҳолиси унга қарши қўзғалади. Юрт аҳолиси Американи ёмон кўради, унинг қўшинига ва қадриятларига, яъни мутакаббирлик, лаззатларни яхши кўриш ва очкўзликни ифода этган қадриятларга қарши чиқади. Шунингдек, бу юртда Американи қувиб чиқиш учун қаршилиқ ҳаракатлари бошланади. Америкаликларнинг тажовузига учраган барча халқлар уларни ёмон кўради ва худди унинг европалик мустамлакачи ўтмишдошларини қувиб чиққанидек америкаликларни ҳам қувиб чиқишга ҳаракат қилади.

4 – Салтанат Умнатнинг қўлида бўлиб қолишига диққат билан эътибор берилиши лозим. Яъни, ҳукмдорлар ҳокимиятга мажбурлаш ёки ҳийла-найранг ишлатиш орқали эмас, балки одамларнинг уларни сайлаши ҳамда уларга розилик ва ихтиёр билан байъат беришлари орқали келиши керак. Маълумки, шариат байъатнинг мажбурлаш билан эмас, балки розилик ва ихтиёр билан олинишини фарз қилган. Гарчи давлатимиз тарихида унинг вужудини сақлаб қолиш учун баъзи ўзгаришлар юз берган бўлсада, давлат вужуди кучли бўлиб бутун дунёда таъсири кучли давлат бўлиб қолаверди. Мусулмонларнинг динларига бўлган имони, динни татбиқ қиладиган давлат ҳақидаги кўз-қарашлари ҳамда мабда рисолатини етказишга диққат билан эътибор беришлари уларни ўз давлатларини сақлаб қоладиган қилди. Тўғри узоқ асрлар давомида баъзи ўзгаришларни ҳам амалга оширишди. Бироқ бу ўзгаришлар – модомики давлат Парвардигор шариатини татбиқ қилиб, Ислом даъватини оламга кўтариб чиқар ва одамларнинг ишларини бошқарар экан – диннинг моҳиятига зид эмас, деб билганлари учун амалга оширилди.

Капиталистик давлатларда, айниқса Америкада салтанат халқнинг қўлида эмас, балки сармоядорлар қўлида. Улар қонун чиқарувчилардир ҳамда ҳокимларни ҳокимиятга олиб келадиган ва уларни қўлатадиган ҳам улардир. Сайловлар ҳам сармоядорлар кўрсатган номзодлар ўртасида бўлади. Уларга кўра, бу номзодлар биринчи навбатда сармоядорлар манфаатига хизмат қилиши керак.

Бу ҳолат одамларга фoш бўла бошлади. Америкада одамлар давлат сармоядорлар қўлида эканини англай бошлашди. Шунинг учун сармоядорлар маркази ҳисобланган Уолл Стритга қарши 2011 йили катта оломон намоишга чиқди. Давлат бу намоишларни куч билан бостирди. Шундай қилиб америкаликларнинг ўз давлатларига ҳамда сайлов системасига ишончи сўнди. Дарҳақиқат, Трампнинг сайланишига доир шубҳалар кучайди ва у ҳануз тортишувлар ўрни бўлиб қолмоқда. Бу эса, Американинг халқаро обрўсига таъсир қилди. Бундай ҳолат гарчи бошқачарoқ кўринишда бўлса ҳам Британия, Франция ва Россия каби капиталистик давлатларда ҳам юз бермоқда.

5 – Умматнинг барча аъзоларига фикр билдириш, муҳосаба қилиш, шикоят қилиш, танқид қилиш ҳамда Уммат қабул қилган тушунча, ўлчов ва қаноатларга мувофиқ фикрий уюшмаларни, сиёсий ташкилотларни тузиш имкони берилиши керак. Булар кўп давлатлар амалга ошираётганидек шароитга қараб белгиланадиган чоралар эмас, балки шаръий аҳкомлардир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَتَكُن مِّنكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْعُرْفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَٰئِكَ هُمُ

الْمُفْلِحُونَ﴾

«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, ибодат-итоатга буюрадиган ва исён-гуноҳдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир»

[Оли Имрон 104]

Бу билан бошқа халқлар ушбу ажойиб воқеликка гувоҳ бўлиб, ундан таъсирланадилар ва унинг ортидан эргашишни истайдилар ҳамда бу давлатни халоскор ўрнида кўрадилар. Шундай қилиб, давлат бошқа халқлар ва давлатларга таъсир ўтказадиган бўлади. Натижада ушбу халқлар орасида даъватни ёйиш ва уларга рисолатни етказиш осон кечади. Барча соҳаларда ҳукмдорларнинг шаръий аҳкомларга мувофиқ муҳосаба қилинишига, улар билан мунозара қилинишига шароит яратиш, одамларнинг фикр билдиришга ҳамда Уммат фикрига асосланган уюшма ва ташкилотлар ташкил қилинишига имкон бериш бу давлатнинг ғамхўр, адолатли эканига далилдир. Яъни, бу давлат золим ва мустабид, оғизларни ёпувчи давлат эмас, балки юқорида айтиб ўтилган тушунчаларга эга бўлган киши омонда бўладиган давлатдир. Бундай муҳит ичкарида одамларнинг давлатга бўлган ишончини пайдо қиладиган ва ташқарига таъсир ўтказади. Чунки бошқа халқлар бу мамлакатда одамларнинг эркин эканига ҳамда

низомнинг диктаторликка ёки истибдодга асосланган низом эмаслигига гувоҳ бўладилар. Чунки одамлар давлатнинг мустабидлик билан ҳукм юритадиган, оғизларни ёпувчи давлат эканини кўрсалар яширинча унга қарши ҳаракат қиладилар ва бу ҳолат душманларнинг бу давлатга қарши ташвиқот юргизишига қулай имконият бўлади. Бу билан бошқа халқлар бу давлатга ишонишмайди, уни қабул қилиб унга иқбол қилишмайди ҳамда у билан ҳамкорлик қилишни ва унинг фикрини қабул қилишни исташмайди. Натижада ундан хавфсирашади ва ундан узоқлашишади. Бу билан давлатнинг уларга таъсири озаяди. Шунинг учун Исломиёв давлат ўзининг адолати ва халқини яхши бошқариши билан барча халқларга тирик намуна бўлган... Америка ўзининг ҳақиқий башарасини яширган пайтида дунё халқлари маълум вақтгача унга ишонишган ва уни эркинлик машъалини кўтарувчи деб билишган. Чунки бошқа давлатларда мустабидлик ҳукмрон бўлган. Лекин унинг ҳақиқий башараси очилиб юзидан парда тушгач, унинг мутакаббирлиги, мустамлакачилиги ва бошқа халқларга ноҳақ тажовуз қилиши кўриниб қолди. Унинг қотил, мустабид ва жиноятчи давлат экани кўринди. Дунёдаги кўп давлатлар уни ёмон кўрадиган, барча унга қарши ҳайкириб уни рад этадиган ва унинг завола топишини орзу қиладиган бўлиб қолди. Чунки у биринчи даражали мустамлакачи давлат бўлиб, мустамлакачиликда Ғарб давлатларидан фарқ қилмайди ва қолаверса у Ғарб давлатларидан кўп жиҳатдан устундир.

6 – Давлатда давлат арбоби сифатига эга бўлган кишилардан ҳамда онгли, зийрак ва мумтоз етакчилик сифатига эга бўлган сиёсатчилардан ташкил топган сиёсий доира бўлиши лозим. Шу билан бирга барча соҳаларда ижодкор муфаккирлар ҳам бўлиши керак. Умнатнинг сафида бундай кишиларнинг бўлиши Умнатнинг тирикчилигига ҳамда тупроғи бундай арбобларни етиштириб берадиган даражада серҳосиллигига далолат қилади. Чунки, бу билан давлат душманлар кўли унга ета олмайдиган даражада мустаҳкам ва кучли бўлиб кўринади. Агар бундай арбоблар сафида ўлим ҳолатлари юз бериб турса ҳам давлатда бўшлиқни тўлдирадиган кўплаб арбоблар етишиб чиқаверади ва уларнинг сафи камаймасдан кўпайиб бораверади. Давлатдаги бундай сиёсатчи арбоблар давлатнинг бир бўлаги сифатида халқаро сиёсатга таъсир ўтказадилар. Уларнинг сўзлари ва

мақолалари бутун дунёда тилдан-тилга кўча бошлайди ҳамда далил сифатида келтириладиган бўлиб қолади. Росулulloҳ ﷺнинг асҳоблари мана шундай ижодкор сиёсий муфаккирлар эди. У зот ўзининг бундай асҳобларини шундай сифатлайдилар:

«أَصْحَابِي كَالنُّجُومِ، بَأَيِّهِمْ أَقْتَدَيْتُمْ إِهْتَدَيْتُمْ»

«Менинг асҳобларим йўлчи юлдузга ўхшайди, уларнинг қайси бирига эргашсангиз ҳам ҳидоят топасиз». Қуръони Каримнинг бир неча оятларида саҳобаларнинг «Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар» дея макталишининг ўзи етарлидир. Шундай қилиб, давлат бундай сиёсатчи арбоблар билан халқаро сиёсатга таъсир ўтказди.

Дарҳақиқат, Америкада ҳам сиёсатчилар ва муфаккирлар бор, лекин уларнинг фикрлари ботил ва назариялари бузук (яроқсиздир). Масалан, глобаллаштириш, бозор иқтисоди ва тарих нияси каби назариялар, шунингдек инсонни бахтсиз қиладиган эркинлик ва демократия каби фикрлар башариятга яхшилик олиб келмайди, аксинча ёмонлик олиб келади. Кейин, янги назария ва фикрларга эга бўлган муфаккирлар пайдо бўлди ва уларнинг фикр ҳамда назариялари бошидаёқ тугаб битди. Бу билан уларнинг иши янада ёмонлашди. Бундай ҳолат Британия ва Францияда, шунингдек фикрлари тоабат йўқ бўлиб кетган коммунистларда ҳам юз берди.

7 – Мамлакатда илмий юксалишга ҳамда саноат ва технологиянинг ривожланишига таянган моддий юксалиш бўлиши лозим. Маълумки, агар бундай юксалиш рўй берадиган бўлса бу юксалиш барча соҳаларга таъсир ўтказди ҳамда барча ҳарбий ва фуқаровий соҳаларда инқилоб юз беради. Мамлакатнинг ўзи мустақил равишда юксалиши мамлакатда уйғониш мавжудлигига далолат қиладди ва бу бошқаларга таъсир қиладди. Чунки бу билан давлат асосланган фикрнинг ютуғи кўринадди ва халқаро майдонда давлатнинг таъсир қуввати вужудга келади. Бунинг натижасида давлатнинг мактаблари, институт ва университетлари дунё талабалари қибласига айланиб, ер юзининг ҳар тарафидан талабаларни ўзига жалб қиладди. Талабалар мезбон юртнинг тили, сақофати, фикрлари ва яшаш тарзини ўрганиб, улардан кўпчилиги бундан таъсирланадилар ҳамда ушбу давлат, унинг халқи, яшаш тарзи ва мабдаси ҳақида яхши таассуротларни олиб, ўз юртларига қайтадилар. Бунинг натижасида бу талабалардан баъзилари

бундан қаноатланиб, даъватни етказувчига айланади. Шунинг учун исломий давлат бутун дунё учун илм машъали бўлган ва унинг университетлари ҳам бутун дунё талабаларининг қибласига айланган. Исломий давлат университетлари таърифлаб бўлмайдиган даражада шухрат қозонган. Бу тасодиф эмас, балки ақиданинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолатдир. Аллоҳ ва унинг Росули кўплаб оят ва ҳадисларда илмни мадҳ этган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ﴾

«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур»

[Мужодала 11]

Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«طَلَبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ»

«Илм излаш ҳар бир мусулмонга фарздир». Инсон Аллоҳнинг ваҳдониятини билиб олиши учун барча махлуқотлар ҳақида фикрлашга ундалган. Шунингдек, ҳаётида ўзига тегишли бўлган кўп нарсаларни кашф қилишга ундалган. Бу билан инсон нарсаларнинг табиатини ва унинг қонунларини идрок этиб, уларни ўзига бўйсундиради. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَسَخَّرَ لَكُم مَّا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْاَرْضِ جَمِيعًا مِّنْهُ ۚ اِنَّ فِيْ ذٰلِكَ لَآيٰتٍ لِّقَوْمٍ

يَتَفَكَّرُوْنَ﴾

«У Ўз томонидан (яъни Ўз хоҳиш-иродаси билан) сизларга осмонлардаги ва ердаги барча нарсаларни бўйсундирди. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят ибратлар бордир»

[Жосия 13]

Инсон еру осмонни бўйсундириш ва ундаги нарсалардан фойдаланиш учун улар ҳақида изланиш олиб боради. Илк асрларда мусулмонларда илмий юксалиш ва моддий тараққиётни рўёбга чиқарган нарса айни мана шудир.

Биз бугун кўряпмизки, Америка саноат, технология ва илмий жиҳатдан энг юксалган давлатдир. У бу соҳада одамларни ўзига энг кўп жалб қилиб, уларга таъсир ўтказиб келмоқда. Ер юзининг ҳар тарафидан талабалар Америкага бориб, унинг тушунча ва қадриятларидан таъсирланиб ўз юртларига

қайтадилар. Бу талабалардан баъзилари Америкага боғланиб қолади. Шунинг учун талабалари Америкадан таъсирланиб қайтган юртга – айниқса бу талабалар қарор марказларида бўлишса – Американинг ўз нуфузини ёйиши осон кечади. Бироқ, Американинг ҳақиқий башараси фош бўлиб қолгани сабабли бу талабалар халқларга таъсир ўтказиша олмайди. Чунки уларга Американинг малайи сифатида қаралади ва халқлар уларни ҳақорат қилиб лаънатлайди. Лекин Исломий давлатга нисбатан вазият бошқача бўлади. Чунки Исломий давлатдан қайтган талабалар Исломнинг адолатини, қадриятлари юксаклигини, фикрлари ва ҳазорати буюклигини кўрадилар. Бунинг натижасида улар ўз халқларига даъватни етказадилар. Чунки давлат халқларга таъсир ўтказувчи бўлади ёки талабалар ўз халқларига давлатнинг таъсир ўтказишига восита бўладилар.

8 – Давлатда бошқаларни кўрқитадиган ҳарбий қувват бўлиши лозим. Чунки бу қувват давлатнинг бошқа давлатларга таъсирини пайдо қилади ва давлатнинг ҳарбий қуввати ошгани сари таъсири ҳамда бу қувватни ишлатиш қобилияти ҳам ошади. Қолаверса, вақти-вақти билан бу қувватни ишга солиши давлатга бошқаларга таъсир ўтказиш ва у билан рақобатлашмоқчи бўлган тоғут давлатлар қаршисида тура олиш имконини беради. Шунингдек, адолат ва яхши бошқаруви билан халқаро майдонда ўз фикрларини ёйиши осон кечади... Айни пайтда ҳарбий қувват ички исёнлар юз бериши олдида тўсик бўлади. Чунки ичкарида пайт пойлаётган кофир ва мунофиқлар, ўзининг шахсий манфаатлари учун ташқи давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр турган кимсалар ёки қалбига имон кириб бормаган, қалби мараз кимсалар, шунингдек давлатни парчалашга, жамиятни вайрон қилишга ҳаракат қиладиганлар ҳам бўлади. Бундай кимсаларни давлатнинг ҳарбий қуввати кўрқувга солади ва давлатга қарши ҳаракатга келишдан тийиб қўяди. Шунинг учун Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهِبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ

وَعَدُوَّكُمْ وَآخَرِينَ مِنْ دُونِهِمْ لَا تَعْلَمُونَهُمُ اللَّهُ يَعْلَمُهُمْ ۚ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ شَيْءٍ فِي

سَبِيلِ اللَّهِ يُوفَّ إِلَيْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تُظْلَمُونَ﴾

«(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган – Аллоҳ биладиган бошқа бировларни ҳам қўрқувга солурсизлар. Аллоҳ йўлида нимани сарф қилсангиз, сизларга зулм қилинмаган ҳолда комил қилиб қайтарилур» [Анфол 60]

9 – Давлатда оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, тарғибот ишлари кучли ва бир неча турли бўлиши лозим. Буларнинг кўплиги, кучли ва турли-туман бўлиши билан халқаро доирада давлатнинг ҳамда давлат мабдасининг акс садоси кучли бўлади. Бу билан у одамларга ва уларнинг давлатларига таъсир ўтказиш учун уларга етиб бора олади. Видео, аудио, нашриёт ва электрон воситалар давлатнинг бошқаларга таъсир ўтказишига, рисолатни етказиши ва унга ташвиқот қилишига восита бўлади. Айниқса, Исломда бу воситалар орқали ҳақ баён қилинади. Бу эса, одамларнинг давлатга бўлган ишончини кучайтиради ва давлат учун фатҳ йўлини енгиллаштиради. Мақсадга етиш учун қўшинларга қулай йўлни ҳозирлашдаги энг муҳим омил оммавий ахборот воситаларининг яхши ва пухта ишга солинишидир. Қолаверса, оммавий ахборот воситалари баъзи ҳолатларда мақсадни рўёбга чиқариш учун кўп сонли қўшинлардан беҳожат қилади.

Шундай қилиб, рошид Халифалик давлатида оммавий ахборот воситалари одамларни чалғитмайди. Балки улар ҳақ ва ҳақиқатга ёрдам кўрсатиш учун ишга солинади. Америка ва бошқа буюк давлатлар имкони борича одамларни чалғитиш, ҳақиқатларни яшириш, ботил ва сохта фикрларни тарқатиш, жамиятлар ва ёшларни бузиш ҳамда одамлар орасида разолатларни ёйиш учун оммавий ахборот воситаларини ишга солишади. Улар бу ишлар орқали Исломнинг ҳокимиятга келиши ва буюк Ислом давлатининг тикланиши олдида тўсик қўя оламиз, деган гумон билан барча жирканч услубларни ишга солиб Исломга қарши уруш қилишмоқда ҳамда одамларни Исломдан ва унинг даъватини етказувчилардан нафратлантириш учун ушбу соф диннинг суратини бузиб кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда.

10 – Давлат мабдани оламий рисолат сифатида кўтариб чиқиши, бунинг учун халқаро даражада ташвиқот ишларини

олиб бориши ва маданий тадбирларни ўтказиши лозим. Чунки мабдани куч билан кўтариб чиққан давлат бошқаларни курашга чорлайди ва уларнинг фикрларига ҳужум қилади, шунингдек ўзининг фикрларини шарҳлайди. Бу билан давлат таъсир соҳиби бўлади ва барча одамларга етиб бориш учун олдидаги тўсиқларни бузиб ўтади. Давлат турли йўл, восита ва услубларни ишга солиш орқали даъватни ёяди ва рисолатни етказди. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари, китоблар ҳамда аудио, видео, ёзма ва электрон нашриёт воситалари ишга солинади. Шунингдек, даъват турли тилларда, хусусан асосий (халқаро) тилларда ҳамда даъватчиларни жўнатиш орқали етказилади. Давлат талабалар, савдогарлар, саёҳатчилар ва булардан бошқа давлат ташқарисига чиқаётган Умнат вакиллари даъватни етказувчи қилиб тайёрлайди. Дунё миқёсида конференция ва йиғинларни ўтказди ҳамда барча муфаккирларни мунозарага чақиради. Шу билан бирга бошқа давлатлар билан шаръий аҳкомларга зид бўлмаган маданий иттифоқларни тузади ва Исломни ёйиш учун ташқарида маданий марказларни очди. Айниқса, савдо-сотиқ муносабатларини ўрнатиш орқали фатҳ қилиш мумкин бўлган давлатлар билан савдо алоқаларини кучайтиради. Шунингдек, дипломатик муносабатлар ўрнатилган давлатлардаги элчихоналар ва консулликлар орқали ҳам даъватни етказди. Қуръони Карим Росулulloҳ ﷺ дан одамларни мунозарага чақиришни ҳамда фикр ва мунозарада уларни курашга чорлашни талаб қилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ يٰٓأَهْلَ ٱلْكِتٰبِ تَعٰلَوْٓا۟ اِلٰى كَلِمَةٍ سَوَآءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ اَلَّا نَعْبُدَ اِلَّا ٱللّٰهَ وَلَا نَشْرِكَ

بِهٖ شَيْئًا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا اَرْبَابًا مِّنْ دُونِ ٱللّٰهِ ۚ فَاِن تَوَلَّوْا۟ فَقُوْلُوْا۟ اَشْهَدُوْا۟ بِاَنَّا

مُسْلِمُوْنَ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад): «Эй аҳли китоб (яъни яҳудий ва насронийлар), бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз — ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-бировларимизни Аллоҳдан ўзга худо қилиб олмайлик»» [Оли Имрон 64]

11 – Давлат барча халқаро масалалар ҳақида ўз фойдасига жамоатчилик фикрини вужудга келиштириши лозим. Чунки

жамоатчилик фикрининг таъсир қуввати катта бўлади. Давлат қайсидир давлатга ёки қандайдир фикрга қарши туришни, бирор сиёсатни ижро қилишни ёки бирор муаммога ечим беришни истаган пайтида бу ҳақида жамоатчилик фикрини вужудга келтиради. Бу билан одамлар бу сиёсатни қабул қиладилар, ечимни олиб уни татбиқ қиладилар. Ҳатто бирор давлатни фатҳ қилиш учун тайёргарлик кўрилишидан олдин ўша давлатга қарши жамоатчилик фикри вужудга келтирилади. Бунинг учун ўша давлатнинг фасодга тўлгани, фикр ва низомларининг яроқсизлиги, унинг зулми ҳамда бу зулмдан одамларни кутқариш зарурлиги баён қилинади. Росулulloҳ ﷺ ҳудайбия сулҳини тузиш имконига эга бўлишлари учун жамоатчилик фикрини вужудга келтирдилар. Қурайшнинг мусулмонларни қувғин қилиш, динидан қайтариш ва юридан чиқариб юбориш ишларида олиб борган сиёсатларига қарши жамоатчилик фикрини пайдо қилдилар. Мусулмонларга буни ўргатадиган оят нозил бўлди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَسْأَلُونَكَ عَنِ الشَّهْرِ الْحَرَامِ قِتَالٍ فِيهِ ۖ قُلْ قِتَالٌ فِيهِ كَبِيرٌ ۖ وَصَدُّ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ وَكَفْرٌ
بِهِ ۖ وَالْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَإِخْرَاجِ أَهْلِهِ مِنْهُ أَكْبَرُ عِنْدَ اللَّهِ ۚ وَالْفِتْنَةُ أَكْبَرُ مِنَ الْقَتْلِ وَلَا
يَزَالُونَ يُقْتَلُونَكُمْ حَتَّى يَرُدُّوكُمْ عَنْ دِينِكُمْ إِنِ اسْتَطَعُوا ۚ وَمَنْ يَرْتَدِدْ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ
فَيَمُتْ وَهُوَ كَافِرٌ فَأُولَٰئِكَ حَبِطَتْ أَعْمَلُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ ۚ وَأُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ
هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

«Сиздан «шаҳри ҳаром» — уруш ҳаром бўлган ойда жанг қилиш ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У ойда жанг қилиш катта гуноҳдир. Аллоҳнинг йўлидан тўсиш, Унга ишонмаслик ва Масжидул-ҳаромдан (яъни Маккадан) тўсиш ва ундан аҳллари қувиб, чиқариш. Аллоҳ наздида улугроқ гуноҳдир. Фитна (алдаш) ўлдиришдан-да каттароқ гуноҳдир. Улар (кофирлар) қўлларидан келса то динингиздан қайтаргунларича сизлар билан уришаверадилар. Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, динсиз ҳолда ўлса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари дунёю охирада беҳуда кетур. Улар дўзах эгаларидир ва унда абадий қолажаклар» [Бақара 217]

Америка жамоатчилиқ фикрини чалғитади. У ўзи қасд қилган ҳар қандай давлатга қарши жамоатчилиқ фикрини пайдо қилади ҳамда ёлғон, чалғитиш ва барча жирканч услубларни ишга солади. Чунки у «ғоя воситани оқлайди», деган маталга ишонади. Унинг қадриятлар, эркинлик, халқларни озод қилиш, тинчлик ва хавфсизлик ҳақида гапириши бир услуб бўлиб, бу услубни – худди Ироққа нисбатан «оммавий қирғин қуроли» деган ёлғонни ишга солганидек – ўзининг шафқатсизлигини яшириш ҳамда мустамлакачилик мақсадларига эришиш учун ишга солади. Шунинг учун унинг ёлғони ва чалғитувлари бутун дунёга очилиб қолди. Шунинг учун дунё унга ишонмайди. У бирор давлатга қарши ташвиқот ишларини бошлаши биланок, одамлар бу ерда ёлғон бор ва у ўйин қилмоқчи, деган хулосага келадилар. Америка ўзи қасд қилган юртларнинг бойлиқларини талашни ва улар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишни мақсад қилади. Шунинг учун Американинг сохта ҳақиқати ҳақида дунё халқларида жамоатчилиқ фикри пайдо бўлди. У Обама даврида буни тузата олмади. Энди буни тасдиқлаш ва вазиятни янада чигаллаштириш учун Трамп келди.

Лекин Халифалик давлати давлатларни ўзига хизматкор қилиб олиш, уларнинг бойлиқларини талаб эгаллаб олиш мақсадида мустамлакачилик урушларини очмайди. Балки, Халифалик давлати фатҳ қилиш орқали халқларни динлар ва ҳукмдорлар зулмидан, юртлар бойлиқларини сармоядорлар эгаллаб олишидан қутқариш учун соф рисолатни ва раҳматни етказди... Халифалик давлати бойликни юрт аҳолисига қайтаради ва бойлик юрт эгалари қўлида бўлади. Шунинг учун Ислоҳ ёйган яхшилик ва адолатдан фатҳ қилинган юртлар билан фотиҳлар тенг баҳраманд бўладилар.

12 – Сиёсий ва дипломатик фаолиятнинг қуввати. Давлат халқаро масалаларнинг ечим ва муолажаларини беради, мустамлакачи давлатларни ҳамда уларнинг режа ва тил бириктирувларини фош қилади, режаларига зарба беради. Бошқа давлатларни мустамлакачи давлатларнинг ечим ва лойиҳаларини қабул қилмасликка ҳамда уларнинг аралашувини рад этиб уларга қарши курашишга ундаш учун улар билан тезда алоқа ўрнатади. Шунингдек, давлат душманларини мағлуб қилиш учун сиёсий манёврларни қўллайди. Зеро, Росулulloҳ ﷺнинг ишларида аввало фикрий ва сиёсий фаолиятга

қаратилган ҳамда иш жангсиз тамомига етишига жиддий эътибор берилган... Шунинг учун фатҳ пайтида жанг охирги танлов бўлиб, ундан олдин даъват бўлади. Агар улар Исломга кирсалар уларга қарши жанг қилинмайди ва улар бизнинг биродарларимизга айланадилар. Чунки мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Агар аҳли китоблар Исломга киришмаса ўз динларида қоладилар ва мусулмонлар орасида уларнинг ҳимоясида яшайдилар. Мусулмонларнинг ишлари шаръий ҳукмларга мувофиқ бошқарилганидек, уларнинг ишлари ҳам шаръий ҳукмларга мувофиқ бошқарилади. Агар уни ҳам, буни ҳам қабул қилишмаса уларга қарши жанг қилинади. Яъни охирги танлов қўлланади. Бу Росулulloҳ ﷺнинг фатҳ олдидан кўшинга, шунингдек Рошид халифаларга қилган васиятларида очик кўриниб турибди. Муслим ўз саҳиҳида Сулаймон ибн Бурайдадан, у отасидан ривоят қилган ҳадисда Бурайданинг отаси айтади:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِذَا أَمَرَ أَمِيرًا عَلَى جَيْشٍ أَوْ سَرِيَّةٍ أَوْصَاهُ فِي خَاصَّتِهِ بِتَقْوَى اللَّهِ وَمَنْ مَعَهُ مِنَ الْمُسْلِمِينَ خَيْرًا، ثُمَّ قَالَ: اغْزُوا بِاسْمِ اللَّهِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، قَاتِلُوا مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ، اغْزُوا وَلَا تَغْلُوا وَلَا تَغْدِرُوا وَلَا تَمْتَلُوا وَلَا تَقْتُلُوا وَلِيدًا، وَإِذَا لَقِيتَ عَدُوَّكَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ فَادْعُهُمْ إِلَى ثَلَاثِ خِصَالٍ أَوْ خِلَالٍ، فَأَيُّهُمْ مَا أَجَابُوكَ فَأَقْبَلْ مِنْهُمْ وَكُفَّ عَنْهُمْ، ثُمَّ ادْعُهُمْ إِلَى الْإِسْلَامِ، فَإِنْ أَجَابُوكَ فَأَقْبَلْ مِنْهُمْ وَكُفَّ عَنْهُمْ... فَإِنْ هُمْ أَبَوْا فَسَلِّهُمْ الْجَزِيَّةَ، فَإِنْ هُمْ أَجَابُوكَ فَأَقْبَلْ مِنْهُمْ وَكُفَّ عَنْهُمْ، فَإِنْ هُمْ أَبَوْا فَاسْتَعِنَ بِاللَّهِ وَقَاتِلْهُمْ...»

«Агар Росулulloҳ ﷺ кўшин тайёрласалар ёки кўшиндан бир қисмини юборсалар унга амир тайин этардилар ва амирнинг шахсан ўзига Аллоҳдан тақво қилишни ва у билан бирга бўлган мусулмонларга яхшилик қилишни васият қилардилар. Сўнг айтардилар: Аллоҳнинг номи билан ва Аллоҳ йўлида ғазот қилинглар, Аллоҳга куфр келтирганларга қарши жанг қилинглар. Алдаманглар, ҳаддан ошманглар, хоинлик қилманглар, ҳеч кимни бурун-қулоғини кесманглар ва ёш болани ўлдирманглар. Агар мушриклардан бўлган душманингизга йўлиқсангиз, уларни уч нарсага чакиринг. Бу уч нарсадан қай бирига рози бўлсалар, уларни қабул қилинг ва улардан тийилинг. Уларни Исломга даъват қилинг, агар даъватингизни қабул

килишса, улардан тийилинг... Агар улар бош тортсалар, улардан жия сўранг. Агар жияга рози бўлишса, улардан жия олишга рози бўлиб, улардан тийилинг. Бироқ жия тўлашдан ҳам бош тортишса, Аллоҳдан мадад сўранг-да, уларга қарши жанг қилинг...». Ислонинг тинчлик ва уруши шундай бўлган. Ўз душманларига танлов имконини берган уммат камдан-кам топилади... Лекин Ислон ҳақ дин ва адолатлидир.

13 – Давлат бошқа давлатлар билан тузилган иттифок ва шартномаларга риоя қилмоғи ҳамда агар иккинчи тараф уларни бузмаса давлат уларни асло бузмаслиги лозим. Чунки бу давлатга бўлган ишончни оширади. Бу билан давлат халқаро таъсир қувватига эга бўлади ва одамлар унга ҳамда унинг мабдасига иқбол қиладилар, қолаверса ҳукм сўраб унга мурожаат қиладилар. Аллоҳ Таоло аҳдларга вафо қилишни талаб қилиб шундай дейди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَوْفُوا بِالْعُقُودِ﴾

«Эй мўминлар, ақдларга (ўзаро келишган битимларга) вафо қилингиз!» [Моиди 1]

Яна айтади:

﴿وَأَوْفُوا بِالْعَهْدِ إِنَّ الْعَهْدَ كَاتَبٌ مَسْئُولٌ﴾

«Аҳдга вафо қилинглар. Зеро, аҳд-наймон (Қиёмат куни) масъул бўлинадиган ишдир» [Исро 34]

Аҳдларга вафо қилишда Ислоний давлат Росулulloҳ ﷺнинг давридан бошлаб намуна бўлиб келган.

Америкага ўхшаб иттифок ва шартномаларни бузадиган давлатларга келсак, уларнинг умри қисқа бўлади. Бугунги кунда Американинг биринчи давлат сифатида эгаллаб турган ўрнини талашадиган рақобатчи давлат йўқ. Шунинг учун у бошқа буюк давлатлар ҳамда бутун дунё давлатлари билан ҳисоблашмасдан истаганидек иш тутмоқда. Дунё давлатлари Америкадан кўп соҳаларда кучсиз бўлиб, улар унга қарши чиқиша олмайди ва у бу давлатларга истаган нарсасини юклайди. Шунинг учун уни мағрурлик чулғаб олган ва у одамлар айтаётган гапларга парво қилмайди. Бу билан у вақт ўтгани сари барча нарсани йўқотади. Агар Халифалик давлати тикланса Американи эгаллаган мавқеидан қулатиши ва нуфузи остидаги минтакалардан қувиб

чиқиши осон кечади. Биз кўряпмизки, Америка ўзи имзолаган иттифоқ ва шартномаларни бузган пайтида бутун дунё ундан ғазабланыпти. У ўзини яхши иш қиялман, деб хаёл қилиб фақат ўткинчи манфаатларини ўйлаяпти. Бу шуни тасдиқлайдики, унинг вазияти ёмонлашапти ва ишончини йўқотаяпти. Бу эса катта қулаш белгиларидандир.

14 – Давлат бошқа давлатларни ўз атрофига жамлашга, ўз тарафига тортишга ҳамда уларни ўзининг ортидан ёки байроғи остида юришини таъмин этишга қодир бўлмоғи лозим. Бу давлатнинг таъсири кучлигига далолат қилади. Шунинг учун Халифалик давлати таъсир қувватига эга бўлиш учун мана шундай иш тутаяди. Халифалик давлати буюк давлатлар, хоссатан Америка уларни қўллаб келаётган БМТга ўхшаган халқаро ташкилотларни парчалайди ва уларнинг альтернативларини таклиф қилади ҳамда ўзи таклиф қилган нарсага дунё давлатларини жалб қилади. Халифалик давлати урфи омга асосланган ташкилотларни ташкил этади. Шунингдек, халқаро муаммоларни муолажа қилиш учун барча соҳада халқаро конференция ва йиғинларни ўтказаяди. Халифалик давлати халқаро ташкилотларни тузиб, уларни барча соҳада Ислом аҳкомларига мувофиқ бошқаради, дунё давлатларини тажовузкор мустамлакачи давлатларга қарши чиқишга чақиради ва мазлумларга ёрдам беради. Росулulloҳ ﷺ фазилатли (мурувватли) иттифоқ ҳақида

«لَوْ دُعِيتُ بِهِ فِي الْإِسْلَامِ لَأَجَبْتُ»

«Агар Исломда бунга чақирилсам албатта уни қабул қилардим», деб айтадилар.

15 – Иқтисодий қувват. Давлат иқтисодий қувват билан бошқа давлатларга таъсир ўтказаяди. Давлатнинг иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли экани унинг ривожланганлигини ва фикрлари юксаклигини кўрсатади. Бу билан бутун оламдаги иқтисодий ривожланиш иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли бўлган давлатнинг қабул қилиб, татбиқ қилган фикрлари шарофати билан бўлганига гувоҳ бўладилар. Айниқса, давлат ичкаридаги муаммоларини муолажа қилса, қашшоқлик ва қолоқлик кўринишларини тугатишга эришса ҳамда юртда молиявий тўкин-сочинликни пайдо қила олса одамларга унинг иқтисодий қуввати кўринади. Бу билан давлат одамлар унга қараб интиладиган намунавий давлатга айланади ва бунинг

натижасида у таъсир қувватига эга бўлади. Бугунги кунда давлатларни энг кўп қийнаётган соҳа иқтисодий соҳадир. Чунки мол ҳаётнинг асаб системасидир. Агар давлат иқтисодий муаммоларини муолажа қилмаса, бу кескинликлар ва исён ҳаракатлари юз беришининг сабабларидан бири бўлиб қолади. Исломий давлат бу масалани муолажа қилишга жиддий эътибор қаратиб, одамларнинг эҳтиёжларини қондириб келган, уларга молларни етарли қилиб бериб, иқтисодий жиҳатдан юксалган ва иқтисодий жиҳатдан бутун дунёда энг кучли давлатга айланган. Буларнинг барчаси Ислом ҳукмлари татбиқ қилиниши шарофати билан бўлган. Давлатнинг бундай ютуғи дунёдаги давлатлар ва халқларни Исломга, уни қабул қилишга мойил қилади. Қуръон Каримда бир қанча оятлар борки, бу оятларда ушбу муолажалар ҳақида келади. Бу муолажалар – жамиятда иқтисодий мувозанатни вужудга келтириш, одамларга бойликларни тақсимлаш, қашшоқликни муолажа қилиш, ожизларга ёрдам кўрсатиш, ишсизликни тугатиш учун иш ўринларини таъмин этиш, одамлар муҳтож бўладиган нарсаларни улар уни ортиғи билан тўлай оладиган нархда етказиб бериш каби муолажалардир. Одамлар камолий эҳтиёжларга қулайлик билан эришишлари учун давлат одамларга барча имкониятларни яратиб беради. Буларнинг барчаси жамият асосланган Ислом аҳкомларига мувофиқ бўлади.

16 – Тижорий қувват давлатни халқаро таъсир қувватига эга бўлган давлатга айлантиради. Чунки давлат дунё давлатларини кўпчилиги билан савдо алоқаларини ўрнатиб, бутун дунёга бозорларимизни очиб берганимиздек бизнинг тижоратимиз олдида дунё бозорларини очишга ҳаракат қилади. Бу билан дунё давлатлари тижоратда бизга ишонадиган бўладилар. Бу эса ушбу давлатларга таъсир қилади ва уларни ўз товарларини экспорт қилишга ҳамда ўзларида бўлмаган янги товарларни биздан олишга муҳтож қилиб қўяди. Ушбу давлатлар бизнинг сиёсатимизни қўллаб-қувватлаши ёки биз томонда туриши учун, шунингдек уларни Исломга мойил қилиш учун савдо орқали уларга таъсир ўтказа оламиз. Улар савдодаги яхши муомаладан таъсирланадилар ва бунинг натижасида давлат мабдасига мойил бўладилар. Шунинг учун ўтмишда Исломни қабул қилган кўп халқлар савдо орқали Исломга кирганлар.

Америка кўп давлатларни жиловлаб олиш, уларни таъсири остига олиш ёки мустамлака қилиш, шунингдек ўз қадриятлари ва бузуқ фикрларини ёйиш учун уларга савдо орқали таъсир ўтказишга ҳаракат қилди. У кўп давлатларни савдо орқали ўзига боғлаб олди. Лекин у мутакаббир бўлгани, тажовузор урушларни очгани учун дунё халқлари уни ва унинг фикрини қабул қилмади. Америка оғир иқтисодий кризисга учраган пайтида «дунё мендан фойдаланяпти» деган фикрга келди. Натижада, ўзи билан бошқа давлатлар ўртасидаги савдо дефицитини ўзгартириш учун ўтган йилдан бошлаб дўсту душманга савдо урушини эълон қилди. Бу эса, унинг кучсизлигига ва емирила бошлаганига далолат қилади. Чунки у савдо алоқаларини талабдагидек давом эттира олмай солиқ солиш услубига ўтиб кетди. Бу билан одамларни ўзидан йироқлаштирди ва халқларга таъсир ўтказиши озайди.

Булар халқаро таъсир қуввати омилларининг энг муҳимларидир. Энди ушбу оғир масъулиятни бажариш учун Умнат фарзандларини тайёрлаш қолди. Бу нарса давлатнинг вазифаси бўлиб, давлат тикланган пайтида мактабларда, университетларда ва оммавий ахборот воситаларида ушбу вазифани бажаради. Бугун эса, бу вазифа сиёсий ҳизблар ва исломий жамоаларнинг вазифасидир. Сиёсий ҳизб ва исломий жамоалар ушбу буюк давлатни барпо қилиш учун даъватни етказадилар ҳамда Умнатда жамоатчилик фикрини вужудга келтиришга ҳаракат қиладилар. Токи Умнат фарзандларининг ҳар бири ўзининг қобиляти ва мойиллигига қараб ушбу вазифани бажаришни ўз зиммасига олсин. Бу билан Аллоҳнинг изни ила яқинда тикланажак Халифалик давлати халқаро майдонда таъсир қувватига эга бўлган давлатга айланади. Бошқа давлатлар ундан пастда бўлади, балки улар таъсир ўтказиш харитасидан ўчирилиб таъсирланадиган давлатга айланиши ҳам мумкин. Шунда бу давлатлар ўзларига Ислом етиб боришини кутишади ва ўзларини мудофаа қилиш билан кифояланиб Халифалик давлатига бўйсунушади.

﴿وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Аллоҳ Ўз ишида голибдир (яъни, Уни Ўзи хоҳлаган ишни қилишдан ҳеч ким ман қила олмайди), лекин одамларнинг кўплари (бунини) билмайдилар» [Юсуф 21] □

КАПИТАЛИСТИК ҲАЗОРАТ ЯРОҚСИЗ БЎЛИБ, У ҚУЛАШ АРАФАСИДА (2)

Сорисий Макдисий

Капиталистик ҳазоратнинг ҳатто ўз аҳли наздида ҳам яроқсизлиги тан олинган ишдир. Лекин у ўзидан ўзи қуламайди. Шунинг учун у бошқа ҳазоратга алмаштирилиши керак. Унинг ўрнига келадиган ҳазорат ё капиталистик ҳазорат эгаларининг ўзи томонидан ривожлантирилиши (бу рўй бериши мумкин бўлмаган иш) ёки бу ҳазорат аҳли Исломга ўхшаган бошқа юксак ҳазоратни қабул қилиши (бу уларнинг наздида номақбулдир) ёки у бошқа ҳазорат билан тўқнашиб, унинг ўрнига ўша бошқа ҳазорат келиши керак (бундай ҳолат ҳозир мавжуд эмас). Олам капиталистик ҳазорат билан тўқнашиб уни қулатсагина унинг бузғунчилиги ва ёмонлигидан халос бўлади. Лекин бу ишга фақат Ислом аҳлигина номзоддир. Чунки Аллоҳнинг халқлар устида жорий қилган қонуни шуни тақозо этади. Қачон Ислом давлати ўз ҳазоратини ушбу халқларга ихтиёрий ва мажбурий тарзда татбиқ қилса, унинг бузғунчилиги якунига етади.

1 – Капиталистик ҳазоратнинг қулаши муқаррарми?

Киссенжер, Жозеф Най ва Бжезинский каби америкалик сиёсатчилар Америка давлати ҳамда унинг ҳазорати «тарихий» эмас ва унга тарих қонунлари тўғри келмайди, деган фикрни олға суришади. Лекин ҳазоратларнинг қулашига алоқадор қонун ва сабаблар капиталистик ҳазоратга қўлланилса, уни яқин кунларда заволга юз тутишини топамиз. Чунки унинг бузуқлиги ва ҳатто ўз аҳлини ҳам саодатли қилишга ҳазорий жиҳатдан ярамаслиги аён бўлди. Лекин капиталистлар ўз ҳазоратларини социализм билан ямаши ва бу ҳазорат доим воқе билан мослашиши унинг қулашини ортга тортяпти. Чунки капитализмнинг табиати шуки, у ҳаётга қараб ўзгарадиган ақида ва ҳаёт низомидир. Бу ҳазорат бир лаҳзада ўзгаради, агар қийинчиликлар кўпайиб кетса, барча назарияларга қарши ўзгаради ва ўзининг аввалги ҳолатига қайтади. Бу нарса кучли иқтисодий емирилиш даврида яққол кўзга ташланади. Чунки бундай ҳолатда давлат ман қилинган бўлишига қарамай бозорга аралашади. Вазият ўз изига қайтгач, бозор давлат ҳукмронлигидан чиқиб, эркин ҳолатига қайтади.

Бу ерда яна партиялар ўртасида демократик бошқарувнинг турли шакллари бўлиб, у капиталистик низомнинг сиёсий ва иқтисодий бузуқлигини яшириб туради. Шунингдек суд олдида барча инсонлар тенглиги, шахсларга илмий ва моддий имконият берилиши капитализмнинг зулмини камайтирди ва халқнинг унга бўлган нафратини озайтирди. Бундан ташқари, капиталистларда прагматик фикрлаш ғолиб бўлиб, бу нарса ушбу ҳазоратнинг «чўзилиш»ига ва хусусан иқтисодий инқирозларни енгитиш воситаларини ихтиро қилишга куч беради ҳамда ушбу ҳазорат аҳлига инқирозларни идора қилиш ва ботқоқдан чиқиш учун куч бағишлайди. Лекин улар бу ишни ўша инқирозларни мустамлака ва эксплуатация қилиш воситасида ҳамда уларга қарши курашаётганларга куч ишлатиш билан қўрқитиш орқали оламга экспорт қилиш билан амалга оширадilar.

Агар мустамлака қилиш бўлмаганда капиталистик давлатлар сиёсий жиҳатдан сабот билан тура олмаган ва бирор иқтисодий тараққиётни амалга ошира олмаган бўлар эди. Америка бир неча асрлардан бери Жанубий Американи мустамлака қилиб келаётганидек капиталистик давлатлар Африка ва Осиёнинг катта қисмини талон-торож қилишди. Бу нарса давлатларга улкан бойлик олиб келди ва халқларига фаровон яшашни ато этди. Натижада, бу халқлар қайсидир даражада капиталистик низомдан рози бўлишди. Шунингдек капиталистик ҳазоратнинг умри мазлум ва мустамлака қилинган халқлар эвазига узайди.

Капиталистик ҳазоратнинг бузуқлиги ҳатто ўз аҳлининг наздида ҳам муқаррардир. Шундай экан, бу халқлар капиталистик ҳазоратни ўзгартиришга ҳаракат қилиши бугун Ғарбда рўй бериши мумкинми? Жавоб: Йўқ албатта, чунки бу ҳазорат аҳли ундан каттиқ азоб чеккани сабабли уни социализмга алмаштириш учун ҳаракат қилган эди. Лекин социалистик мабда муваффақиятсизликка юз тутди ва инсоний муаммоларни ечишга яроқсиз бўлиб қолди. Натижада, у заволга юз тутди. Шунга кўра, Ғарб оламида янги фикрий мабда пайдо қилиш учун жиддий ҳаракат бўлаётгани ҳақида бирор ишора мавжуд эмас. Лекин айрим академик, ихтисослашган ва тадқиқот доираларида шу ҳақда турли гап сўзлар бор. Шунингдек, капиталистик низомни ямаш ва уни кўпроқ адолатли қилиш учун «социалистик» ўзгартиришни амалга оширишни қўллаб-қувватлаётган айрим сиёсатчилар бор.

Аммо иккинчи танлов, яъни капиталистик ҳазоратни бошқасига алмаштириш масаласига келсак, бугун капиталистик ҳазоратга альтернатив ҳазорат йўқ. Шунингдек, капиталистлар Исломни ёки бошқа ҳазоратни ихтиёрий шаклда қабул қилиши мумкинлиги борасида бирор ишора мавжуд эмас.

Аммо учинчи танлов, яъни капиталистларга куч билан бошқа ҳазоратни қабул қилдириш масаласига келсак, бу мумкин эмас. Чунки бугун капитализмга рақиб бўла оладиган бошқа ҳазорат билан ҳазорий кураш мавжуд эмас. Эслатиб ўтиш жоизки, муфаккир Хентингтон ўзининг (Ҳазоратлар кураши) номли китобида оламга юзланиб, Исломдан бошқа капитализмга альтернатив бўлишга ярайдиган ҳазорат топа олмаган. Шунингдек, у Ислом ҳазоратидаги яширинган хатардан огоҳлантирган. Лекин мусулмонлар капитализмни йўқ қилиш учун у билан ҳақиқий ҳазорий курашга киришмаяптилар. Чунки капитализмга альтернатив намунани шакллантирадиган ва Ислом ҳазоратини даъват ва жиҳод билан ёядиган Ислом давлати мавжуд эмас. Лекин Америка етакчилигидаги капиталистик давлатлар ҳазорат ва яшаш тариқати бўлган Ислом хатарини ҳис қилмоқдалар. Шунинг учун улар Ислом уларнинг ҳазоратини сиқиб чиқаришини олдини олиш мақсадида унга қарши турли урушлар қилмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтишимизки, капиталистик ҳазорат бузуқлиги ва қисилиб қолганига қарамай қуламайди. Шунингдек, у яқин келажакда Ғарб ҳазорати бўлиб қолаверади ҳамда ихтиёрий турда ўрнини бошқа ҳазоратга бўшатиб бермайди. Бундан ташқари оламда Ғарб ҳазоратини сиқиб чиқарадиган ва инсониятга альтернатив бўла оладиган ҳазорат мавжуд эмас. Шунинг учун бугун капиталистик ҳазоратга Исломдан бошқа (у ҳам назарий жиҳатдан) ҳақиқий хатар туғдирадиган ҳазорат мавжуд эмас.

2 – Келажакда капиталистик ҳазоратнинг тақдири нима бўлади?

Капиталистик ҳазорат бузуқ бўлса ва инсоният бахтсизлигига сабаб бўлса, нима учун у ҳануз давом этмоқда ва коммунизм қулаганидек қуламайпти? Капиталистик ҳазорат Ғарбни илмий ва саноат жиҳатидан оёққа турғизган ҳамда уларни ҳаётнинг тўкин-сочин моддий шакллари билан таъминлаган бўлса, нима учун уни бузуқ ҳазорат дейилади?

Капитализм ўз йиртиқларини социализм ва ижтимоий адолат билан ямади ва воқега мослашишда давом этмоқда. Капитализм соясида илм, саноат, технология, қурол саноати ва бошқа маданий ишлар ривожланди. Бу нарса одамларга ушбу ҳазорат инсониятга мос келади деган тасаввурни берди. Лекин капиталистик низом қачонгача мослашиш, ямаш ва инкирозларни идора қилишга қодир бўла олади?

Шу нарса аниқ ва равшанки, капиталистик элита жамият муаммоларини ҳал қилиш учун бор ижодий фикрларни ишга солиб кўрди. Улар ўзлари билан беллашаётган ҳазорат қулаганидан кейин ўз ҳазоратларининг кучига суянган эдилар. Лекин бу ҳазорат секин-аста тубанлашади ҳамда уни ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммолар қийнай бошлайди. Шунингдек, иқтисодий инкироз кўлами кенгаяди. Ана ўшанда бу низом инкироз ва муаммоларни мустамлака, эксплуатация ва ваҳшийлик қилиш орқали бошқаларга экспорт қилади. Лекин бу нарса ичкарида ижтимоий ва иқтисодий тартибсизликларни келтириб чиқаради. Америкадаги «Уолл стритни босиб олинг» ҳодисаси ва Франциядаги «Сариқ нимчалилар» ҳаракати бунга яққол мисолдир. Бу нарса баъзида Америкага ўхшаган айрим давлатларнинг бўлиниб кетиши ёки заифлашишига олиб боради. Баъзида эса капитализмнинг очкўзлиги ва бойлик устида талашиши натижасида ушбу ҳазорат аҳли ўртасида урушлар келиб чиқади. Хорижий майдонда эса, оламнинг капитализмга бўлган нафрати янада ортади ва турли жойларда ушбу ҳазоратнинг мустамлакасига қарши турли шаклдаги қаршилиқ ҳаракатлари бошланади. Баъзида халқаро урушлар келиб чиқади. Лекин оламни ушбу бузук капиталистик ҳазоратдан қутқарадиган альтернатив йўқ.

Капиталистик ҳазорат гарчи бузук ҳазорат бўлсада, ўзидан-ўзи қуламайди. Чунки бўшлиқ (яъни ҳеч қандай ҳазорат қолмаслиги) ҳаёт қонунларига зиддир. Демак у бошқа ҳазоратга алмашиши керак. Шундай экан, ушбу ҳазоратнинг келажаги ва тақдири нима бўлади?

Биз мусулмон бўлганимиз ва Аллоҳнинг суннатини ҳамда ҳазоратлар ва умматларнинг заволга юз тутиш сабабларини билганимиз туфайли ушбу ҳазорат бузук эканини ва инсониятни бахтли қила олмаслигини биламиз. Инсониятни бахтли қила олмаслиги сабаблари унинг бузук ақидасидан келиб чиқади. Бу

ҳазорат моддий манфаатдан бошқасини билмайди, бундан ташқари у бошқа халқларга зулм ва тажовуз қилади. У яна инсонлар ўртасида қулчилик, мустамлака ва қонли курашларни пайдо қилди. Бундан ташқари миллий ва ҳудудий урушлари орқали ўз аҳлининг бахтсизлигига сабаб бўлди. Шунингдек йигирманчи асрда иккинчи жаҳон урушини пайдо қилди ҳамда олам ва Европа бўйлаб юз миллионлаган одамларни ўлдирди.

Аллоҳнинг суннатлари умматлар орасида доим фаолдир. Бу қонунлар бошқа ҳазоратларга нима қилган бўлса, капитализмга ҳам шуни қилади. Чунки Аллоҳ Таоло ҳар бир умматнинг ажалини белгилаб қўйган, бу капиталист халқлар ва давлатларга ҳам мос келади. Лекин бу ўзидан-ўзи рўй бермайди, балки бу бузук ҳазорат ташқи сабаблар орқали ва бошқа умматларнинг ушбу бузукликни тўхтатишга ҳаракат қилиши орқали ўз ниҳоясига етади. Аллоҳ Таоло фасод тарқатувчиларни ҳалок қилиш учун муҳлат бериш, маишатпарастларни ўлдириш ва айлантириб туриш қонуни каби қонунларни жорий қилган. Аллоҳ белгилаган қонунларнинг охиригиси солиҳ ва тақводор шахсларга ерни мерос қилиб беришидир. Ана маишатпарастларнинг етакчиси Трамп капиталистик давлатларнинг энг каттасини бошқарар экан, ўз юрти ва бутун оламда фиску-фужур тарқатяпти. Аллоҳнинг сўзи ва суннати унга жорий бўлади ҳамда Америка ва капитализм ҳазоратини тарқатаётганларни вайрон қилади. Чунки бу ҳазорат маишатпарастларнинг шаънини кўтаряпти, бойлиги ва маишатини кўпайтиряпти ҳамда уларни фиску-фужур, исён ва туғён қилишига имконият яратиб беряпти.

Давлат ва шаҳарларни бутунлай вайрон қилиш қонуни Росулulloҳ ﷺ Пайғамбар бўлмасдан олдин бўлган. Лекин у киши пайғамбар қилиб юборилганидан кейин ўз пайғамбарларини ёлғонга чиқарган собиқ қавмларда рўй берган барчани ҳалок қилиш бўлмайди. Балки Аллоҳ Таоло улар қилаётган жиноятларига қараб уларни турли азоблар билан азоблайди ёки уларнинг устига мўмин бандаларини ҳукмрон қилиб қўяди. Натижада, мўмин бандалар фасод ва зулм аҳлини зулмлари билан қўшиб йўқ қиладилар. Аллоҳ Таоло уларни супуриб юбориш учун ўз бандасини улар устидан ҳукмрон қилиб қўяди. Сўнгра маишатпараст ва бузукларни ҳалок қилади, шунда уларнинг давлати заволга юз тутиб, бошқаларнинг

давлати юксалади. Шундай экан, уларнинг фасодини даф қилиш учун номзод халқлар кимлар?

Биз биламизки, бу иш Аллоҳнинг хоҳиши билан капитализмдан кейин ерни мерос қилиб олган солиҳ ва тақводор кишилар орқали бўлади ва улар мусулмонлардир. Ислом ҳазорати ўзгача ҳазорат бўлгани ва Аллоҳнинг суннатидан бўлгани учун заволга юз тутмайди. Балки Исломни оламга олиб чиқадиган давлатда янгидан гавдаланади. Сўнгра соф ҳазорат билан бузуқ ҳазорат ўртасидаги кураш ва тўқнашиш орқали Аллоҳнинг ваъдасини рўёбга чиқаради ва бузуқ ҳазорат устидан ғалаба қилади.

Ана ўшанда мусулмонлар атрофдаги халқаро вазият ўз ҳазоратларини ёйиш учун қулай бўлиб қолганини кўради. Шунингдек олдинги аجدодлари бўлмиш саҳобалар Ироқ, Шом ва Мисрни фатҳ қилган пайтда ўша халқлар томонидан қўллаб-қувватловга эришгани каби капитализмдан зулм кўрган ва қийналган олам халқлари томонидан қўллаб-қувватловга эришадилар. Сўнгра одамлар тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг динига кирадилар ва Ислом Уммати Аллоҳ Таоло Муҳаммад ﷺ га ерни жамлаб кўрсатган жойигача эгалик қилади.

3 – Муфаккир ва сиёсатчиларнинг капитализм қулашидан кўрқиши:

Ғарб ҳазоратининг қулаши ва капитализм ҳазорати етакчиси бўлган Америка раҳбарлигидаги капитализмнинг емирилишини нафақат айрим мусулмон муфаккирлар кутмоқда. Балки Ғарблик муфаккир ва сиёсатчиларнинг ўзлари ҳам шу нарса ҳақида айтишмоқда. Чунки улар тарихни ўрганиш орқали билишадики, ҳазорат зоҳирда кучли бўлиб кўринсада, жамиятни жар ёқасига олиб бориб қўядиган заиф нуқталари бўлади.

Масалан Америкалик машҳур муфаккир Пол Кеннеди 1978 йил (Буюк кучларнинг юксалиши ва қулаши) номли китобни чоп этган. Муаллиф унда ёзишича, Америка олдинги империяларни қулатган қулаш симптомларига эга ва бу симптомлар (белгилар) тарихий иборани қўллаб айтганда Америка империясининг қулашидан дарак беради. Яъни ички омиллар натижасида унинг кучи заифлашиб, ўрнига Хитой каби рақиб куч чиқади. Агар буюк давлатнинг стратегик мажбуриятлари иқтисодий имкониятларидан ортиб кетса, у давлат қулайди. Бу ҳар қандай императорликнинг муқаррар тақдиридир.

Освальд Шпенглер эса, бу борада унга тескари фикр билдирган. У айтадики, ҳар бир ҳазорат мустақил вужуддир. Ҳазорат ноёб ҳодисадир, унинг бўғинлари қуриydi ва ўтинга айланади сўнг қулайди. Шпенглер «Ғарбнинг сўниши» номли китобида Ғарб ҳазорати келаётган асрларда ўз ниҳоясига етишини айтган. Шпенглер ҳазоратнинг қулашига олиб борадиган икки асосий омил мавжуд дейди. Улардан биринчиси ҳазоратдан кучлироқ бошқа ҳазорат бўлиши ва иккинчиси ушбу ҳазоратнинг ўз ниҳоясига етиши.

Сиёсий ва иқтисодий мутахассис Биньямин Фридман эса, Ғарб жамиятини велосипедга ўхшатади. Айтадики, унинг ғилдиракларини иқтисодий ривожланиш айлантиради. Агар уни олдида итарувчи ҳаракат секинлашиб қолса ёки тўхтаб қолса, демократия, шахсий эркинликлар, бардошлилик ва ўзгалар фикрини қабул қилиш каби жамиятнинг устунлари титрайди. Агар шунда ҳаракатни тезлаштирмасак жамиятнинг барчаси қулайди.

Сиёсий муфаккир Жорж Бекернинг даъво қилишича, Американинг ортга кетишига сабаб тенгликнинг йўқлигида. У айтадики: «Тенгсизлик жамиятни табақачилик низомига айлантириб қўяди. Шунингдек фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишончни бузади ва катта жамой муаммоларни ечишга бўлган рағбатни сўндиради... Бу эса, демократияни хароб қилади».

Нил Фергюсоннинг фикрича, оламда марказий ўринни эгаллаб турган Американинг ортга қайтиши секин кечмайди. У айтадики: «... Америка империяси ўзини бошқарадиган бошқа низомлар каби номаълум вақтгача ўз-ўзини бошқара олади, сўнг тўсатдан, огоҳлантиришсиз қулайди».

Рандерс айтади: «2050 йилга бориб АҚШ жамияти икки синфга бўлиниб кетади. Чунки бир сиқим бойлар роҳат ва фароғатда яшаётган бўлса, кўпчиликнинг яшаш шароити тубан аҳволда. Сўнгра ижтимоий адолат ҳам қулайди».

Аммо Ульрич Шифер 2010 йилда чоп этилган Капитализмнинг қулаши китобида шундай дейди: Келажак жамиятга ҳукмрон этиканинг ўзгариши ҳамда одамлар ижтимоий масъулият эркин бозордан аҳамияти кам эмаслигини қанчалик идрок этишларига боғлиқдир. Агар ушбу ҳақиқатлар эътиборсиз ташлаб қўйилса, капитализм низомининг тақдири социализм тақдири билан бир хил бўлади. Яъни капитализм қулаб, бутунлай йўқ бўлади.

Аммо Америкалик тарихчи Уильям Дюрант ҳазоратнинг кулашига сабаб бўладиган энг аввалги омиллар ахлоқий, диний ва қадриятга оид емирилишдир деб ҳисоблаган. Шунингдек, буюк ҳазоратлар фақат ичкаридан емирилади деб айтган.

4 – Мусулмонларнинг оёққа туриши ва ҳазоратининг қайта тикланиши борасидаги кўрсаткичлар:

Европада саноат инқилоби рўй бергач, мусулмонлар Ғарб ҳазоратидан таъсирланишди. Бу нарсa ўз вақтида мусулмонлар капиталистик фикрларга тўла қаноат ҳосил қилмасаларда, уларнинг аксариятида ўз ҳазоратларига бўлган ишончига путур етказди. Сўнгра Халифалик кулатилди, ортидан исломий мабда ва ҳазорат халқаро майдондан суриб чиқарилди. Мусулмон жамиятларга капиталистик фикрлар мажбур киргизилди. Шунингдек хусусан иқтисод ва бошқарувда капиталистик низом татбиқ қилинди.

Лекин мусулмонларда рўй берган тебранишлардан кейин, Уммат ичида уйғонишга чақирадиган ҳаракатлар пайдо бўлди. Шунингдек, мусулмонлар капиталистик ҳазоратнинг жиноятлари ва Ғарбнинг мусулмонларнинг динига нисбатан душманона позициясини кўрдилар. Ушбу омиллар зиёлилар, муфаккирлар ва умуман мусулмонларни Ғарб ҳазоратидан таъсирланишини камайтирди. Натижада мусулмонларда ўз ҳазорати ҳақида ва ўша ҳазоратга қайтиш зарурлиги ҳақида ишонч пайдо бўлди.

Капиталистик низомда иқтисод борасида силкиниш пайдо бўлгач, ҳамда айрим Ғарбликлар рибодан холи исломий иқтисоддан фойдаланишга чақиргач, аксар мусулмонларда исломий иқтисод ҳукмларига бўлган ишонч қайта уйғонди. Шунингдек, мусулмонларда Ислom сиёсат ва бошқарувда амалий ва яроқли альтернатив деган ишонч қайта уйғонди. Натижада, уларнинг дини, ҳазорати, тарихи ва чуқур меросининг бир қисми бўлган шариат ва Халифаликни татбиқ қилишни қўлловчи жамоатчилик фикри пайдо бўлди.

Зулмга қарши кўзғолонда араб баҳори кўзғолонлари тажрибаси Уммат ҳазорий жиҳатдан тирилаётгани ва ташаббус тизгинини ушлаганининг аломати бўлди. Чунки Уммат шахсий салтанати тортиб олингандан кейин, эркин ва мустақил иродага интиладиган бўлди. Натижада Ғарбга малайлик қилаётган режимларни ўзгартиришни хоҳлади. Лекин у шахсий ҳазорий альтернатив

билан қуролланмади ёки қўзғолон борасида ҳокимларнинг зулми, қўшни давлатлардан олаётган ёрдамнинг тўхтаб қолиши ва оммавий ахборот воситаларининг унга қарши ҳаракатга келишидан қўрқди. Мана шу ишлар уни исломий ҳазоратни ёрқин шаклда альтернатив сифатида қабул қилишдан тўсди.

Бундай кўрсаткичлардан билиш мумкинки, мусулмонлар уйғонди ҳамда Ислом ва унинг фикрлари, ҳукмларига бўлган ишончини қайта тиклади. Албатта бу ҳолат Аллоҳнинг давлат ва ҳазоратларга доир қонунига мувофиқ Ислом салтанатининг қайта тикланишини ҳамда Ислом ҳазоратининг давлат томонидан амалда қайта татбиқ қилинишини келтириб чиқариши лозим. Бу ўринда хулоса чиқаришда ушбу кўрсаткичлар аҳамиятли ва ишончли манбадир. Биз учун энг муҳими, Аллоҳга таяниш ҳамда У Зотнинг Американи бутун бузғунчиликлари билан бирга қўшиб ўзининг ички омиллари орқали вайрон қилишини кутишдир.

Хотима

Биз ҳазоратлар қонунидан биламизки, капиталистик бузук ҳазорат яқинда ёки келажақда мусулмонлар билан бўладиган тўқнашувда қулайди. Бундан ташқари келажақ Исломники бўлиши, Аллоҳ мусулмонларни ерда халифа қилиши, Муҳаммад ﷺнинг Уммати кеча ва кундуз етиб борган жойгача эгалик қилиши ва Ислом ер юзининг барча жойига азизнинг азизлиги ва хорнинг хорлиги билан етиб бориши тўғрисида Қуръон ва Суннатда ҳаддан ташқари кўп башоратлар мавжуд.

Лекин бу иш қачон, қандай қилиб ва қаерда содир бўлади? Биз бу ҳақида аниқ жавоб бера олмаймиз.

Бу ердаги аҳамиятли ва жиддий иш шуки, биз мусулмонлар ушбу Халифаликка лойиқ бўлишимиз лозим. Шунингдек, биз ўзимиздаги чуқур фикр билан ушбу ўзгариш ва ҳазорий алмашишга тайёр бўлишимиз, ҳазорий фикр ҳамда ақидамиз ва мабдамиздан келиб чиққан низомларни қабул қилиш, унга ишонишимиз ва Ислом ҳазоратини бошқа бузук инсоний ҳазоратлар билан аралаштириб юбормаслигимиз керак.

Биз Аллоҳдан ушбу кунни, яъни унда Америка, Европа ва уларнинг капиталистик ҳазоратини йўқ қиладиган кунни тезлатишини ҳамда уларни мусулмонлар қўли билан даф қилиши ҳамда фасодларини йўқ қилиши ва унинг ўрнига Ислом ҳазоратини олиб келишини сўраб дуо қиламиз. □

ЭЙ УЛАМОЛАР! СИЗДАН ҲАҚНИ ОЧИҚ АЙТИШ, АЛЛОҲ СУБҲАНАҲУДАН ИЖОБАТ

Доктор Ғода Муҳаммадҳамдий – Хартум

Тунис, Миср, Сурия, Ливия, Яман, кейин Судан ва Жазоирда қўзғолон аланга олганда, бу нарса буюк Ислом Уммати оёққа тураётганининг, мусулмон юртларидаги мавжуд режимларни ағдаришни талаб қилиш сари уйқудан уйғонаётганининг хабари бўлди. Бу ҳолат мусулмонларнинг Ислом ақидасига асосланган давлат тикланишини ва шариат қайта татбиқ этилишини истаётганини кўрсатди. Бу воқеалар манзарасида Умнат фарзандларининг диққати энг биринчи навбатда уламоларга қаради. Уламоларни Роббул оламин омонатини етказувчилар ва Росулulloҳ ﷺнинг минҳожларида барқарор юрувчилар, деган эътиборда, уларнинг шарафли позиция эгаллашларини кутишди. Ҳа, одамлар бу бузуқ воқеликни ўзгартириш ишида уламолар ва масжид имомлари биринчи сафда туришади, деб кутишди. Мусулмонлар уламоларни ўзларининг етакчилари деб ҳисоблаганлари учун ҳаракатлар, намойишлар ва юришларга уламолар йўл кўрсатишини, мусулмонларни кўлидан тутиб зулму фасоддан халос бўлиш сари етаклашини ишташди. Чунки уламолар маъруфга буюриб, мункардан қайтарувчи зотлар бўлиб, одамларга ҳалол ва ҳаромни ўргатмоқлари керак ҳамда ҳукмдорлар халққа Аллоҳнинг шариатини татбиқ қилишмагани учун улардан зулм устида ҳисоб сўрамоқлари даркор.

Бутун дунёда мусулмон фарзандлари уламолар ва саллали имомлар билан албатта кўришишади. Намозларда, масжидлардаги дарсларда, ёки ўқув юртларида кўришмай қолмайдилар ва албатта улардан таълим ва зиё олишади, уларга ўз муаммоларини рўпара қилишади, ҳаётий ишларидаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги саволлари билан уларга мурожаат қилиб, шаръий аҳкомларни сўраб билишади. Одамлар ҳар қандай золим султон қаршисида ҳақ сўзни айтади деб, кўзларини биринчи бўлиб уламоларга тикадилар. Чунки уламолар аҳли Қуръон бўлиб, зулмкорлик, мунофиқлик ва фосиқликка қарши ўз илмларини ишга солмоқлари даркор. Зеро, ҳукмдорларни тийиб, Ислом билан ҳукм юритишга эгиб қўювчи шулардир. Бошқарув низоми адолат асоси бўлиб, бошқа барча ҳаётий низомлар шу низом билан тартиблашади. Ислом низомини татбиқ қилиш билан ҳақ-ҳуқуқлар қайта тикланади, Ислом ақидаси муҳофаза қилинади, фуқаро муаммолари Аллоҳ

Азза ва Жалла рози бўладиган тарзда ҳал этилади. Уламолар эса, Аллоҳнинг бу дунё ва охиратда рози бўлишидан умид қилган ҳолда, шаръий аҳкомларнинг одил раббоний қонунлар орқали мусулмон ва ғайримусулмонларга татбиқ этилаётганини таъкидлаб-текширмоқлари лозим. Зеро, зикр аҳли мана шу уламолардир. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿فَسَلُّواْ اَهْلَ الْذِكْرِ اِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْمَوْنَ﴾

«Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр аҳлидан сўранг» [Наҳл 43]

Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло исломий шахсия билан безанган, фикрлари, тушунчалари ва туйғулари Ислом билан бошқарилган мусулмонга маъруфга буюриб, мункардан қайтариш «салтанати»ни, ваколатини ато этди. Шаръий илмларни ўзлаштиришга, динда тафаккуҳ қилишга, ўз илмлари ёрдамида мусулмонларга зиё бериб, ўзларини ҳукмдорлардан ҳисоб сўрашга бағишлаган уламоларга эса, Аллоҳ Таоло алоҳида-хос юкори даража берди. Улардан бутун инсонларга, хусусан, уламоларга Исломни ёритиб бериш ва уни ичларига яширмаслик ваъдасини олди. Чунки уламолар шундай иш эгаларидирларки, Аллоҳ Таоло одамларни шуларга мурожаат қилишга ва уларнинг сўзига амал қилишга буюрган. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَإِذَا جَاءَهُمْ أَمْرٌ مِّنَ الْأَمْنِ أَوْ الْخَوْفِ أَذَاعُواْ بِهِۦ وَلَوْ رَدُّوْهُ إِلَى الرَّسُولِ وَإِلَىٰ أُولَى الْأَمْرِ مِنْهُمْ لَعَلِمَهُ الَّذِينَ يَسْتَنْبِطُونَهُ مِنْهُمْ ۗ وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ لَاتَّبَعْتُمُ الشَّيْطَانَ إِلَّا قَلِيلًا﴾

«Қачон уларга тинчлик ёки хавф-хатар хабари келса, уни ёйиб юборадилар. Агар пайғамбарга ва ўзларидан бўлган иш эгаларигагина етказганларида эди, уни (яъни мана шу хабарнинг ҳақиқатини) билмоқчи бўлган кишилар ўшалардан билган бўлар эдилар. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаса эди, айрим кишилардан ташқари ҳаммангиз шайтонга эргашиб кетар эдингиз» [Нисо 83]

Аллоҳ Таоло мусулмонларни Раббоний уламолар сифатига етаклаб, бундай деди:

﴿وَمِنَ النَّاسِ وَالْدَّوَابِّ وَالْأَنْعَامِ مُخْتَلِفٌ أَلْوَنُهُ كَذَلِكَ إِنَّمَا تَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ
الْعَلَمَتُونَ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ غَفُورٌ ﴿٣٠﴾﴾ إِنَّ الَّذِينَ يَتْلُونَ كِتَابَ اللَّهِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَأَنْفَقُوا
مِمَّا رَزَقْنَاهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً يَرْجُونَ تَجَرَّةً لَّنْ نَّبُورَ ﴿٣١﴾ لِيُؤْفِقَهُمُ أَجُورَهُمْ وَيَزِيدَهُم مِّن
فَضْلِهِ إِنَّهُ غَفُورٌ شَكُورٌ﴾

«Одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам ранг-баранглари бордир. Аллоҳдан бандалари орасидаги уламоларгина кўркурлар. Шубҳасиз, Аллоҳ қудратли, магфиратлидир. Албатта Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ-эхсон қиладиган зотлар ҳаргиз касод бўлмайдиган олди-сотдидан (Аллоҳнинг ажридан) умидвордирлар. Зеро (Аллоҳ) уларнинг ажрларини комил қилиб берур ва Ўз фазлу-карамидан уларга яна зиёда (мукофотлар) ҳам берур. Албатта У магфиратли ва ғоят шукр қилгувчидир (яъни озгина яхши амал учун кўп мукофот ато қилгувчидир)» [Фотир 28-30]

Али ибн Абу Талҳа айтади: Аллоҳ Таолонинг

﴿إِنَّمَا تَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعَلَمَتُونَ﴾

«Аллоҳдан бандалари орасидаги уламоларгина кўркурлар»

[Фотир 28-30]

деган каломи ҳақида Ибн Аббос «улар Аллоҳнинг ҳар ишга қодир эканини ўз илмлари билан биладилар», дея тафсир қилди.

Ибн Ҳайъа Абу Умрадан, у Икримадан ривоят қиладики, Ибн Аббос бундай деган: «Раҳмоннинг олими, дегани шундай кишидирки, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайди, У ҳалол, деган нарсани ҳалол, ҳаром деган нарсани ҳаром деб, буйруғига бўйсунади, Унга йўлиқиш ва Унга ҳисоб беришга чуқур ишонади».

Саид ибн Жубайр бундай деди: «Аллоҳдан кўркув, сиз билан Аллоҳ Азза ва Жаллага осий бўлиш ўртасини тўсувчидир».

Ҳасан Басрий «Олим – Раҳмондан ғойибона кўрққан, Аллоҳга ёқадиган нарсани ёқтирган ва Аллоҳни дарғазаб қиладиган нарсадан ўзини тийган кишидир», деди, сўнг إنما يخش الله من عباده العلماء оятини ўқиди.

Ибн Масъуд رضي الله عنهнинг бундай дегани ривоят қилинади: «Илм кўп сўзлашдан эмасдир, балки илм (Аллоҳдан) кўп кўркишдандир».

Суфёни Саврий Абу Ҳиён (Тамимий)дан ривоят қиладики, бир киши бундай деган экан. «Айтиладики, уламолар уч тоифа бўлади: Аллоҳни ва унинг амрларини биладиган олим, иккинчиси, Аллоҳни биладиган, лекин Унинг амрларини билмайдиган олим, учинчиси, Аллоҳнинг амрларини биладиган, лекин Унинг Ўзини билмайдиган олим. Бас, Аллоҳни ва Унинг амрларини биладиган олим Аллоҳдан кўрқади, ҳадларни ва фарзларни билади. Аллоҳни биладиган, лекин Унинг амрини билмайдиган олим эса, Аллоҳдан кўрқади, аммо ҳадларни ва фарзларни билмайди. Аллоҳнинг амрларини биладиган, аммо Унинг Ўзини билмайдиган олим эса, ҳадларни ва фарзларни билади, аммо Аллоҳ Азза ва Жалладан кўркмайди».

Абу Дардо – мен Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини эшитгандим дейди:

«مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَطْلُبُ فِيهِ عِلْمًا سَلَكَ اللَّهُ بِهِ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ، وَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ لَتَتَّصِعُ أَجْنَاحَهَا رِضًا لِطَالِبِ الْعِلْمِ، وَإِنَّ الْعَالَمَ لَيَسْتَغْفِرُ لَهُ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ وَالْحَيَّاتِ فِي جَوْفِ الْمَاءِ، وَإِنَّ فَضْلَ الْعَالَمِ عَلَى الْعَابِدِ كَفَضْلِ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ عَلَى سَائِرِ الْكَوَاكِبِ، وَإِنَّ الْعُلَمَاءَ وَرَثَةُ الْأَنْبِيَاءِ، وَإِنَّ الْأَنْبِيَاءَ لَمْ يُورَثُوا دِينَارًا وَلَا دِرْهَمًا، إِنَّمَا وَرَثُوا الْعِلْمَ، فَمَنْ أَخَذَهُ أَخَذَ بِحِطِّ وَافِرٍ»

«Ким илм излаш йўлидан юрса, Аллоҳ уни жаннатга олиб борувчи йўллардан бирига йўллаб қўяди ва малоикалар ушбу толиби илмни ўз қанотлари остига олиб турурлар. Чунки олимнинг гуноҳини самовоту ердаги жонзотлар ва сув қаъридаги китлар ҳам Аллоҳдан кечиришини сўраб туради. Олимнинг обиддан афзаллиги тўлин ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир. Дарҳақиқат, олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор ҳам, дирҳам ҳам мерос қолдирмаган, улар фақат илмни мерос қолдиришган. Ким улар мерос қилиб қолдирган илмни олган бўлса, катта бахтни қўлга киритибди». Хотим ибн Ҳиббон رحمته الله бундай деди: «Ушбу ҳадис шуни очик баён қилмоқдаки, юқорида айтиб ўтилган афзалликка эга бўлган уламолар бошқа илмни билмасалар ҳам, аммо Набий ﷺнинг

илмини биладиган уламолардир. Ахир, кўриб турибсиз, **«Уламолар пайғамбарларнинг меросхўрларидир»**, демоқда. Пайғамбарлар илмдан бошқа ҳеч нарса мерос қолдирмайдилар. Пайғамбаримизнинг илми ул зотнинг суннатларидир. Бас, ким ушбу суннатни билишдан мосуво қолган бўлса, у пайғамбарларнинг меросхўри эмас». Роҳимахуллоҳ айтдилар: Росулulloҳ ﷺнинг «إِنَّ الْعُلَمَاءَ وَرَثَةُ الْأَنْبِيَاءِ», деган сўзлари, илм аҳли учун илмнинг энг юксак чўққиларидандир. Чунки пайғамбарлар, Аллоҳнинг сара бандалари бўлиб, улар ҳам ўзларидан кейинги сара бандаларга мерос қолдирадилар. Мудом, ҳар бир меросчи ўзидан кейин меросни меросхўрга кўчираш экан ҳамда пайғамбарлардан кейин уларнинг рисоаларини етказишда ўринларини босувчи фақат уламолар экан, демак, уламолар пайғамбарларга меросхўр бўлишга энг ҳақли инсонлардир. Шунга эътибор бермоқ лозимки, уламолар пайғамбарларга энг яқин инсон ҳамдирлар. Динор ва дирҳам мерос қолдирилгани каби пайғамбарлик ҳам мерос қолдирилади ва Аллоҳ бу марҳаматини истаган бандасига хос қилиб беради. Бу ерда ҳам Умматга уламоларга итоат қилиш, ҳурматлаш, эҳтиромлаш, иззатлаб, улуғлашга буюрилмоқда. Чунки уламолар пайғамбарларнинг Уммат устидаги баъзи ҳақлари борасида ҳам меросхўр ва издошдирлар.

Энди, раббоний аҳли илмларга келсак, улар ўзларидан кейин илм нофе қолдирувчи бўлганликлари учун ажру мукофотлари бир неча баробар кўп бўлади, агар холис уламолардан бўлсалар. Абу Ҳурайра رضي الله عنه Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини ривоят қилади:

«إِذَا مَاتَ الْإِنْسَانُ انْقَطَعَ عَنْهُ عَمَلُهُ إِلَّا مِنْ ثَلَاثَةٍ: إِلَّا مِنْ صَدَقَةٍ جَارِيَةٍ، أَوْ عِلْمٍ يُنْتَفَعُ بِهِ، أَوْ وَلَدٍ صَالِحٍ يَدْعُو لَهُ»

«Инсон дунёдан ўтганида унинг барча амаллари тўхтайтиди, аммо уч амали борки, улар ҳаргиз тўхтамайди. Бу амаллар – садақан жория, манфаатли илм, ҳамда унинг ҳаққига дуо қиладиган солиҳ фарзанд». Раббоний аҳли илмларнинг яна бир фазилатлари, уларнинг инсонлар ичида Аллоҳдан энг кўрқувчи зотлар, дея Аллоҳ томонидан гувоҳлик берилганидир. Ҳадиси шарифда бундай келади:

«مَنْ يُرِدِ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقِّهْهُ فِي الدِّينِ»

«Аллоҳ кимга яхшилиқни ирода қилган бўлса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди». (Бухорий ва Муслим ривояти)» тамом.

Шаръий аҳкомлардан таълим олган мусулмон кишининг, хусусан, бошқалар билмаган илмларни билувчи уламолардан бўлишни елкасига ортган кишиларнинг илми яширишлари шаръан ножоиздир. Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ كَتَمَ شَهَادَةً عِنْدَهُ مِنَ اللَّهِ وَمَا اللَّهُ بِغَفِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ﴾

«Ўзи биладиган гувоҳликни Аллоҳдан яширган кимсадан ҳам золимроқ одам борми? Аллоҳ қилаётган ишларингдан гофил эмас» [Бақара 140]

Абу Ҳурайра رضي الله عنه Набий ﷺнинг бундай деганларини ривоят қиладилар:

﴿مَنْ سُئِلَ عَنْ عِلْمٍ فَلَمْ يَعْلَمْهُ فَكَتَمَهُ جَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَلَيْهِ لِحَامٌ مِنْ نَارٍ﴾

«Ким билган илми ҳақида сўралса-ю, уни яширса, қиёмат куни олов билан тизгинланади». (Имом Аҳмад ривояти).

Росулulloҳ ёмонлик уламоларидан огоҳлантирганлар ва буни олимнинг султон билан дўстлашишига ўхшатганлар ҳамда ундайларга эргашиш ва ишонишдан, улардан динни ўрганишдан қайтарганлар. Ул зот марҳамат қиладилар:

﴿الْعُلَمَاءُ أُمَنَاءُ الرُّسُلِ عَلَى عِبَادِ اللَّهِ مَا لَمْ يُخَالِطُوا السُّلْطَانَ، فَإِذَا خَالَطُوا السُّلْطَانَ فَقَدْ خَانُوا الرُّسُلَ فَاحْذَرُوهُمْ وَاعْتَرِ لَوْهُمْ﴾

«Олимлар – модомики султонга аралашмаган эканлар – пайғамбарларнинг Аллоҳнинг бандалари борасидаги ишонган кишиларидир. Аммо султонга аралашсалар, пайғамбарларга хиёнат қилган бўладилар. Бас, ундайлардан эҳтиёт бўлинг ва улардан узоқ юринг». Яна бундай дедилар:

﴿مَا مِنْ عَالِمٍ أَتَى صَاحِبَ سُلْطَانٍ طَوْعًا، إِلَّا كَانَ شَرِيكُهُ فِي كُلِّ لَوْنٍ يُعَذَّبُ بِهِ فِي نَارِ جَهَنَّمَ﴾

«Қайси олим ўз ихтиёри ила салтанат соҳибига яқин борса, албатта унинг ҳар қилмишига шерик ҳисобланади ва бу билан жаҳаннам оловида азобланади».

Яна бундай дедилар:

﴿إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْأُمَرَءَ إِذَا خَالَطُوا الْعُلَمَاءَ، وَيَمُتُّ الْعُلَمَاءَ إِذَا خَالَطُوا الْأُمَرَءَ؛ لِأَنَّ الْعُلَمَاءَ إِذَا خَالَطُوا الْأُمَرَءَ رَغَبُوا فِي الدُّنْيَا، وَالْأُمَرَءَ إِذَا خَالَطُوا الْعُلَمَاءَ رَغَبُوا فِي الْآخِرَةِ﴾

«Аллоҳ Таоло уламолар билан аралашиб юрган амирларни яхши кўради. Амирларга аралашиб юрган уламоларни эса, ёмон кўради. Чунки уламолар амирларга аралашиб юрганда, дунёга қизиқиб қоладилар. Агар амирлар уламолар билан аралашиб юрсалар, охиратга қизиқадилар». Яна бундай дедилар:

«لَا تَزَالُ هَذِهِ الْأُمَّةُ تَحْتَ يَدِ اللَّهِ وَكَفَنِهِ، مَا لَمْ يَمَارِ قُرَاؤُهَا أَمْرَاءَهَا»

«Модомики, қорилари амирларга яқинлашмаган эканлар, бу Уммат Аллоҳнинг қўл-остида ва қўллаб-қувватловида бардавом бўлади». Ҳоким Абдуллоҳ ибн Ҳорис رحمتهдан ушбу ривоятни ишлаб чиқди, у Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини эшитган экан:

«سَيَكُونُ بَعْدِي سَلَاطِينٌ، الْفِتْنُ عَلَى أُنْوَاهِمُ كَمَبَارِكِ الْإِبِلِ، لَا يُعْطُونَ أَحَدًا شَيْئًا، إِلَّا أَخَذُوا مِنْ دِينِهِ مِثْلَهُ»

«Мендан кейин шундай султонлар бўладики, саройлари фитнага тўлиб кетади, одамларга ҳеч нарса беришмайди. Бирор нарса берса ҳам, уларнинг динларидан ўшанча нарсани юлиб олишади».

Ибн Асокир ушбуни Ибн Аббос رحمتهдан ишлаб чиққан: Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«سَيَكُونُ قَوْمٌ بَعْدِي مِنْ أُمَّتِي، يَفْرُوُونَ الْقُرْآنَ، وَيَتَفَقَّهُوْنَ فِي الدِّينِ، يَأْتِيهِمُ الشَّيْطَانُ، فَيَقُولُ لَوْ أَتَيْتُمُ السُّلْطَانَ، فَأَصْلَحَ مِنْ دُنْيَاكُمْ، وَاعْتَرَلُوهُمْ بِدِينِكُمْ! وَلَا يَكُونُ ذَلِكَ، كَمَا لَا يُجْتَنَى مِنَ الْفِتَنِ إِلَّا الشُّوْكَ، كَذَلِكَ لَا يُجْتَنَى مِنْ قُرْبِهِمْ إِلَّا الْخَطَايَا»

«Мендан кейин Умматим орасидан Қуръон ўқийдиган ва динда муфакқих бўлган қавм чиқади... Шайтон келиб, уларга султоннинг олдига борсангиз, дунёларингизни яхшилайти, лекин сизлар динингиз борасида улардан узоқ бўласиз, дейди. Афсуски, ундай бўлмайди, чунки янтоқдан фақат тикон олингани каби, султонларга яқин бўлиш билан фақат гуноҳлар олинади, холос». Ибн Асокир Абу Умома Боҳилийдан ривоят қиладики, Набий ﷺ бундай дедилар:

«أَبْعَدُ الْخَلْقِ مِنَ اللَّهِ، رَجُلٌ يُجَالِسُ الْأَمْرَاءَ، فَمَا قَالُوا مِنْ جَوْرِ صَدَقَتُهُمْ عَلَيْهِ»

«Аллоҳдан энг узоқлашган кимса амирлар билан улфат бўлган, улар қандай ноқаҳ сўз сўзласа, тасдиқлайдиган кимсадир».

Имом Ғаззолий роҳимаҳуллоҳнинг «Эҳёу улумид дин» китобида бундай дейилган: «Фуқаронинг бузуклиги подшоҳлар бузуклиги сабаблидир. Подшоҳлар бузуклиги уламолар бузуклиги сабаблидир. Уламолар бузуклиги молу обрўга муҳаббат қўйишгани сабаблидир. Кимга дунё муҳаббати ғолиб келган бўлса, тойилишлардан сақланолмай қолади. Бас, подшоҳлар ва зодагонлар ҳоли қандай кечаркин?!».

Имом Ғаззолий роҳимаҳуллоҳ яна бундай деганлар: «Уламоларнинг сийрат ва одатлари маъруфга буюриб, мункардан қайтариш ҳамда султонларга камроқ яқин бўлиш эди. Чунки уламолар ўзларини сақлашда Аллоҳга таваккул қилганлар ва Аллоҳнинг уларни шаҳидлик билан ризқлантириши ҳукмига рози бўлганлар. Шунинг учун Аллоҳга ниятни холис қилганликлари сабабли уларнинг сўзлари шафқатсиз қалбларга таъсир қилиб, шафқатсизликдан тозалаган».

Юқорида яқин бўлиш огоҳлантирилган султонлардан мурод, Исломни татбиқ қилган ва Аллоҳ нозил қилган нарсалар билан ҳукм юритган ҳукмдорлар эди. Бас, тоғут ва нафс-ҳаво билан ҳукм юритаётган, кофир Ғарбга малайлик ва разиллик билан эргашаётган бугунги ҳукмдорларга яқин бўлишни нима дейиш мумкин?!

Раббоний олим:

Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ﴾

«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур»

[Мужодала 11]

Яна бундай деди:

﴿قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُولُو الْأَلْبَابِ﴾

«Айтинг: биладиган (олим) зотлар билан билмайдиган (жоҳил) кимсалар баробар бўлурми»

[Зумар 9]

Демак, раббоний уламолар Аллоҳ шариатини биладиган ва динида факих бўлган зотлардир. Улар Аллоҳга имон келтириб, «Аллоҳ бундай деди», «Росулуллоҳ бундай дедилар», дейишга қодир зотлардир. Улар мусулмонларни Исломга зид ишлардан огоҳлантирадиган, мусулмонлар ва уларнинг ҳукмдорларини

Исломни татбиқ қилишга ундайдиган кишилардир. Яъни, илмни Ислом ақидаси нуқтаи назаридан келиб чиқиб, эгаллаган холис тақводорлар бўлиб, илм олишдан ҳеч бир хусусий моддий манфаатни кўзламайдилар, шуҳрат ва обрўни билмайдилар. Улар сўз ва амалларига фақат шаръий ҳукмни ўлчов қилиб олган, Ислом Уммати масаласини табанний қилган зотлардир. Чунки улар одамларга узвий эҳтиёж ва ғаризаларини ҳалол йўл билан қондиришни ўргатадилар, жамиятда исломий шахсия курилишини кузатиб борадилар, жамоатчилик фикри билан тўқнаш келадилар, Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмай, эҳтиромли нарсаларнинг топталишига сукут қилмайдилар, керак бўлса, бунинг йўлида жонларини ҳам фидо қиладилар. Улар Исломдан ўз шахсий манфаатларига ҳамда дунёвий нафс-ҳаволарига мос нарсаларни танлаб олмаган уламолардир. Улар шунингдек, ўзларига нозил бўлган ҳар бир нарсага имон келтирган зотлардир, Китобдан ҳукмдорлар истақларига мувофиқ айрим нарсаларга имон келтириш билан кифояланиб, охиратларини бутунлай унутган «уламолар»дан эмасдирлар. Чунки раббоний уламолар мисоли исломий ҳаётнинг қон томиридирлар, исломий ҳаётнинг ақли, юраги ва кўзидирлар. Улар Росули акрам ﷺнинг меросхўрлари, қолдирган нарсаларига лойиқ зотлардирлар. Чунки одамлар ўлададилар, аммо илм аҳли тирик қолаверадиладар.

Улар Аллоҳнинг саволларига жавоб беражакларини, Аллоҳ уларга ҳақ сўзни очик айтиш ва динни барпо этишга буюрганини биладилар. Улар жонзотларнинг сарасидирлар: Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُولُوا الْأَلْبَابِ﴾

«Айтинг: биладиган (олим) зотлар билмайдиган (жоҳил) кимсалар баробар бўлурми» [Зумар 9]

Яна бундай деган:

﴿الَّذِينَ جَعَلُوا الْفُرْعَانَ عِضِينَ﴾

«Ундайлар Қуръонни бўлак-бўлак (нафс-ҳаволарига мос қилиб) олган кимсалардир» [Ҳижр 91]

Ибн Аббос رضي الله عنه «عِضِينَ» сўзини Қуръоннинг айримиға имон келтириб, айримиға кофир бўлган кимсалардир, дея тафсир қилган.

Ҳақни баралла айтиш вақти нафақат келди, балки ўтиб ҳам кетди. Бас, уламолар Аллоҳ Азза ва Жалладан бошқа ҳеч кимдан қўрқмай ҳақни гапирмайдиларми?! Бугун Уммат ўз йўлини таниб, бузук воқеликни тубдан ўзгартириш лойиҳасини белгилаб олди. У Росулulloҳ ﷺнинг тариқатига асосланиб, Исломий Халифалик давлатини барпо қилишни истамоқда. Росул ﷺ бундай дедилар:

«تَكُونُ النَّبُوءُ فِيكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبُوءِ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصًا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبَرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبُوءِ. ثُمَّ سَكَتَ».

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар».

Бугун уламоларга аҳд-паймонни ва бажармоқликлари керак бўлган асосий вазифани эслатиш керак бўлиб қолди. Улар зиммаларида мусулмонларга етказиш лозим бўлган жавобгарлик борлигини англамоқлари зарур. Яъни, мусулмонларга шуларни етказмоқлари керакки, бугун Исломга қарши қаттиқ ҳужум қилинмоқда, бундай муҳитни ўзгартириш керак, бутун олам парвардигори уларга бир нарсани фарз қилди, бу Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифаликни барпо қилиш фарзидир, уни барпо қилишда Росулulloҳ чизиб берган шаръий тариқатгагина амал қилинади. Бу тариқат, бир жамоа билан биргаликда ҳукмдорларни мункарлардан сўз ва амалда қайтариб, ҳақиқий ўзгариш учун Уммат билан фаол кучга айланишдан иборат.

Демак, уламолар елкасида Ислом Умматига нисбатан беҳисоб масъулиятлар, мусулмонларнинг онгини очишда етакчилик вазифалари мавжуд. Онгини очиш Ислом ақидасига оид тушунчаларни тузатиш, ақидани Ғарб сақофати ва фикрий мустамлакачилик уруши туфайли ўрнашиб қолган чанг-ғуборлардан тозалаш ҳамда бугун бутун мусулмон халқларнинг талабига айланган Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифалик давлатида шариатни татбиқ этилишига жамиятни ундаш... кабилардан иборат. Уламолар ушбу вазифани адо этмаётганлари сабабли мусулмонлар вазияти ёмонлашди ва бу бутунлай издан чиқадиган даражага етди.

Уламоларнинг мафкуравий, сиёсий ва ахборот майдонида йўқлиги, мусулмонлар аҳволининг ёмонлашишига катта таъсир кўрсатди. Уламолар бугун аввало ҳукмдорлардан, кейин одамлардан ҳисоб сўраш, ҳаётнинг барча соҳаларида шаръий аҳкомларни татбиқ қилишни тарк этган ҳар бир шахсга бунинг жавобгарлигини юклаш каби шаръий вазифаларидан воз кечишди... Зеро, шаръий аҳкомларнинг татбиқдан тўхтатилиши, Халифалик давлати ағдарилиб, Ислом тузуми ўрнига капиталистик илмоний тузумнинг мажбуран ва мусулмонлар юртларида татбиқ қилинишидан бошланди. Шундан кейин мусулмон ўлкалари кичик давлатчаларга бўлиб ташланиб, инсон ўйлаб топган қонун ва дастурлар билан бошқариладиган бўлди.

Шундай экан, бу уламолар одамларни битта давлатда битта халифа сайлаш ҳақида нега юз йилдан бери жимлар, ахир, бунга Аллоҳ буюрганку?! Мана шундай бир тақдирий шаръий ҳукми неча асрлаб яшириб келишяпти, ваҳоланки, бу фарзларнинг тожи бўлса, Халифалик давлати юзлаб йиллар мобайнида башариятга етакчилик қилган бўлса?! Ҳатто шундай уламолар ҳам борки, улар Ислом фикрлари ва тушунчаларини ҳукмдорлар манфаатига мос равишда ўзгартириб, Қуръони Карим ва Суннати шарифнинг маъно ва мақсадларини тушунмаган ҳолда қўтариб юришади. Бу ҳол худди устига нима юкланганини билмай, юк ташийдиган эшшакнинг ҳолидир! Бундай уламоларнинг аксари Росулulloҳ ﷺ айтган сифатдаги кимсаларга ўхшаб қолишди. Ул зот бундай деганлар:

«أَخَوْفُ مَا أَخَافُ عَلَى أُمَّتِي كُلِّ مُنَافِقٍ عَلَيْهِمُ اللَّسَانُ»

«Мен Умматим учун кўрқаётган нарсаларнинг энг хавфлиси, ҳар хил гапдон мунофиқларнинг бўлишидир». (Табароний «Кабир» китобида ишлаб чиққан).

Ривоят қилинадики, султон Сулаймон Қонуний бирор фармонни фатвосиз ижро этмаган. У фармон ижроси учун ё шайхул Ислом томонидан ёки Усманий давлат уламолари олий ҳайъати томонидан фатво бўлиши шарт деб билган. Вафот этгач эса, мактуб топишади, мактубда ўзи билан қабрига бир сандиқни қўшиб кўмишларини васият қилган бўлади. Уламолар васиятни бажаришдан олдин сандиқни очиб кўришга қарор қилишади, очишиб даҳшатдан қотиб қолишади. Чунки султон сандиқни шу уламолар фатволари билан тўлдириб қўйган бўлади... Шунда аллома Абу Сууд султоннинг бошида туриб, «эй Сулаймон, сиз ўзингизни қутқарибсиз... агар фатволардан адашган бўлсак, бизни қай само соясига олади, қай ер кўтариб туради», дея йиғлайди.

Ислом Умматидаги уламолар, мисоли танадаги ақлдорлар... Улар бузуқ воқени ўзгартириш ва куфр тузумлари фитналаридан тозалаш учун ҳаракат қилишга инсонлар ғайратини кўзғаб турадилар. Улар гўё нур сочиб турувчи шам бўлиб, мусулмонларга зиё берадилар, жинояткорлар одамларнинг ақл ва қалбларини заҳарлаб, динларидан буриб юбормасликлари учун уларни тўғри йўлга бошлаб, зулматдан нурга олиб чиқишга ҳаракат қиладилар.

Аммо бугунги кунда фақиҳ ёки олимлар жамиятга худди Халифалик замонидагидек етарли таъсир ўтказа олмапти. Чунки уларнинг аксари гуноҳга ботиб қолишди, яъни, илмни яшириш гуноҳига. Ваҳоланки, Аллоҳ Азза ва Жалла бандалари орасидан ҳақ сўзни баралла айтилишига сабаб бўладиган уламоларни танлаб олади. Росулulloҳ ﷺ марҳамат қиладилар:

«لَا يَزَالُ اللَّهُ يَغْرِسُ فِي هَذَا الدِّينِ غَرْسًا يَسْتَعْمِلُهُمْ فِي طَاعَتِهِ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ»

«Аллоҳ ушбу динда ҳар доим кўчат ўтқазиб туради, улардан то қиёмат кунигача Ўзига итоат қилишда самара бериб туришларида фойдаланади». Аллоҳ Таоло уламоларнинг бу дунёдаги вазифалари тўғрисида бундай дейди:

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لَتُبَيِّنُنَّهُ لِلنَّاسِ وَلَا تَكْتُمُونَهُ﴾

«Эсланг (эй Муҳаммад), Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан «Албатта у Китобни одамларга очик баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!» — деб аҳд-паймон олган эди» [Оли Имрон 187]

Мана шундай улкан вазифани бажармасликларидан огоҳлантириб, бундай дейди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنزَلْنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَأَهْدَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَّاهُ لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ ۖ أُولَٰئِكَ يَلْعَنُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَنُهُمُ اللَّعْنُونَ﴾

«Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат нарсаларни одамларга Китобда равшан қилиб берганимиздан кейин яширган кимсаларни шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фаришталар ва мўминлар) лаънатлагайлар» [Бақара 159]

Бугунги кунда бузуқ воқеликка қарши кўзғалган Ислом Уммати уламолардан қўллаб-қувватлов топмаяпти. Чунки уламолар Ислом душманларининг ҳақиқий башарасини очиб беришдан сукут қилишяпти. Бу душманларнинг мусулмонларга мўътадил ислом, деган нарсани тўкиб чиқаришганини, Исломни ҳам бошқа адашган динларнинг қаторига қўшиб қўйишганини фош этишмаяпти!

Бугун уламолар роли ўзгариб кетди. Улар пайғамбарларга меросхўрлик қилиш ролини, ҳукмрон тузумга тобелик қилиш ролига ўзгартиришди ва бу ҳолларини сийқаси чиққан сохта «ҳужжат»лар билан оқламоқчи бўлишяпти, фикҳий қоидалар мазмунини ўзгартиришяпти. Алалоқибат, олимнинг мусулмонлар ҳаётидаги роли муҳим бўлмаган оддий ролга айланиб қолди. Уламолардан одамларни кўнгли қолди. Чунки улар аввало, ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Росулulloҳ, дея берган аҳд-паймонларини, кейин эса, шариат илмини яширмасликка берган аҳд-паймонларини бузишди... Уламоларнинг золим ҳукмдорлар тарафини олишгани сабабли, одамлар кўнглидаги Ислом алангаси совуди. Абу Вафо ибн Ақил айтади: «Агар замон аҳлида Исломнинг қанчалар ўринда эканини билмоқ истасангиз, жомеларда бўлиб тошган одамларга ёки уларнинг лаббайка айтувчи овозларига қараманг. Балки шариат душманлари билан қанчалар дўстлашаётганларига боқинг».

Агар Уламолар Ислom буюрганидек ҳаракат қилсалар, Халифалик давлатига кўз билан қовоқча масофа қолади. Зотан, унинг барпо бўлиши Аллоҳ Субҳанаҳунинг ваъдаси ва Росули ﷺнинг башоратларидир. Бугун Ғарб энг қаттиқ кўрқаётган нарса, барпо бўладиган Халифаликнинг муғлуб бўлмаслиги, Ислomнинг кўкка кўтарилиши, Умматнинг қайта ривожланиши, ботил ва куфр давлатларининг мағлуб бўлишидир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْاَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِى ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّنۢ بَعْدِ خَوْفِهِمْ اٰمَنًاۚ يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بى شَيْءًاۚ وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذٰلِكَ فَاُولٰٓئِكَ هُمُ الْفٰسِقُونَ﴾

«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни (ер юзига) халифа қилганидек уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислom) динини голиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар фосиқлардир» [Нур 55]

Ҳозирда уламоларнинг тоғутлар қаршисидаги роли ғоят муҳим. Уларнинг бузилиши билан одамлар бузилади, уларнинг тузалиши билан одамлар тузалади. Ғарбнинг тубан ҳаёт фалсафаси тўфони мусулмон фарзандларни ўз домига тортган бир пайтда, бунга қарши курашда уламолар Ислom ақидасини мудофаа қилиш билан фронтнинг олдинги линиясида турмоқлари керак. Уламолар ўзларига сукутни раво кўришмоқда, чунки бир томондан мафкуравий мағлубият кишанлари, иккинчи томондан моддий манфаатлар кишанлари остида қолишган. Мусулмонлар бундай уламоларга кулоқ солмай қўйдилар, чунки уларнинг оғзидан мавжуд бузук замонни мақтовчи ва ҳукмдорлар истагига мос келувчи фатволар янграмоқда... Ислom Умматининг дунё бўйлаб тақдирий масалаларидан эса, бу уламолар кўзларини чирт юмиб

олишди! Ҳатто, чор атрофга кенг тарқалаётган Ғарбнинг капиталистик демократик либерал тузумига жим қараб туриш билан, мусулмонлар фикрларининг бузилишига сабаб бўлишяпти!!

Уламоларнинг ҳукмдорларга нисбатан ажойиб позицияларидан:

– «Абу Сулаймон Хаттобий, Абдуллоҳ ибн Бакр Саҳмий санадига асосан ушбун ривоят қилади: «Мен баъзи дўстларимизнинг бундай деганларини эшитгандим: Умар ибн Ҳабир – у Ироқ волиси эди – Басра фуқаҳоларидан ҳамда Кўфа фуқаҳоларини чақириб, чопар жўнатди. Келган Басра фуқаҳолари орасида Ҳасан, Кўфа фуқаҳолари орасида Шаббий бор эди. Фуқаҳолар Умар олдига кирганларида уларга «мўминлар амири Язид менга мактубда мана бундай ишларни қил, деб ёзибди, нима қилай фикр билдиринглар?», деди. Шаббий «Аллоҳ амирни ислоҳ қилсин, сиз маъмурсиз, у амр қилувчи амрига итоат қилинг», деди. Умар Ҳасанга қараб, «сиз нима дейсиз? у шундай деди, сиз айтинг», деди. Ҳасан бундай деди: «Эй Умар, Аллоҳдан кўрқинг. Сизнинг қаршингизда гўё мана шу тахтингиздан сизни ағдариши ва кенг қасрингиздан тор қабрингизга киритиб юбориши мумкин бўлган бир подшоҳ турибди. Аллоҳ сизни Язиддан кутқаради, аммо Язид сизни Аллоҳ Субҳанаҳудан кутқаролмайди. Бас, Аллоҳ Таоло ҳузурига осийликлар билан йўлиқишдан эҳтиёт бўлинг. Чунки Холиққа осий бўладиган ишларда бандага итоат қилинмайди». Ҳасан шундай дея ўрнидан кўзгалди, итоат этишга маслаҳат берган киши унинг орқасидан эргашиб, «Амирга нисбатан бундай маслаҳатлар беришга сизни нима мажбур қилди, шайхим?!», деб сўради. Ҳасан «Мени Аллоҳ Таолонинг уламолардан илмлари борасида олган аҳд-паймон мажбур қилди», деди ва ушбу оятни ўқиди:

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لَتُبَيِّنُنَّهُ لِلنَّاسِ وَلَا تَكُونُ لَهُ فِتْنَةٌ وَرَأَىٰ

طُهُورِهِمْ﴾

«Эсланг, Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан «Албатта у Китобни одамларга очик баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!» — деб аҳд-паймон олган эди. Сўнг улар бу аҳд-паймонни ортларига ташладилар» [Оли Имрон 187]

(Хаттобийнинг «Узлат» номли китобидан).

Мана, салафи солиҳ мусулмонларимиз ҳукмдор қаршисида қандай позицияда турмоқ кераклигини қандай тушунганлар.

Яна бир мисол:

– «Ҳишом ибн Абдулмалик Маккага ҳажга борди. Шаҳарга киргач, «менга саҳобалардан бирортасини олиб келинг», деди. «Эй мўминлар амири, унамаяптилар», дейилди. «Тобеинлардан олиб келинг», деди. Товус Яманий келтирилди. Товус унинг олдига кирганда шиппагини унинг гилами четига ечди ва унга мўминлар амири, дея саломлашмади, балки ассалому алайкум, эй Ҳишом, деди ва куняси билан (абу фалончи, деб) чақирмай, рўпарасига ўтирди. «Қандайсан, Ҳишом?», деган эди, Ҳишом қаттиқ ғазабланиб кетди, хатто қатл қилишга буюрмоқчи бўлганди унга «сиз Аллоҳнинг Ҳарамида, Росулининг Ҳарамида турибсиз, бундай қилиш мумкин эмас», дейишди. Ҳишом деди: «Эй Товус, бундай қилишинга сени нима мажбур қилди?!», деди. «Нима қилибман», деди Товус. Ҳишомнинг ғазаби яна кучайиб, «шиппагингни гиламимга ечдинг, қўлимни ўпмадинг, мен билан мўминлар амири, дея сўрашмадинг, кунямни ҳам айтмадинг, изнимсиз қаршимга ўтириб, қандайсан, Ҳишом, деддинг. Товус деди: «Шиппагимни гиламинг четига ечганим сабаби, мен уни ҳар куни Роббул оламин олдида ечаман, аммо У мени айбламайди, ғазаб қилмайди. Қўлимни ўпмадинг, деяпсан... мен мўминлар амири Али ибн Абу Толиб нинг бундай деганини эшитгандим: «Киши бировнинг қўлини ўпмоғи ҳалол эмас, аммо шаҳват билан ва фарзандини раҳмат билан ўпса, майли». Мени мўминлар амири демадинг, деган гапингга келсак, ҳамма одамлар ҳам сенинг амирлигингдан рози эмаслар, уларни ёлғончи қилишни истамадим. Энди сени кунянг билан атамаганимнинг сабаби, Аллоҳ Таоло Ўз анбиё ва авлиёларини ҳам эй Яхё, эй Исо, деди, кунялари билан атамади, душманларини эса, куняси билан атаб,

﴿تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ﴾

«Абу Лаҳабнинг қўллари қурисин – ҳалок бўлсин, у қуриди – ҳалок бўлди ҳам!» [Масад 1]

деди. Қаршимга ўтириб олдинг, деган гапингга келсак, мўминлар амири Али нинг «Агар дўзахи бўлган кимсани кўрмоқ истасангиз, ўзи ўтириб олган ва атрофдагиларни тик

тургизган кимсага боқинг», деганларини эшитганман». («Ихёул улум» китобидан).

Бугунги кундаги уламоларнинг Умнат воқеига эътибор беришмаётгани, Умнатни том маънода хонавайронликка, ҳалокатга олиб келди. Ана, мусулмон ўлкалари, ҳамон фикрий, иқтисодий ва ҳарбий мустамлака остида. Фаластин энг разил халқ томонидан ҳануз босиб олиниб турибди, Ақсо масжиди ҳам ўшалар чангали остида. Муборак икки Ҳарам ихтиёрий-мажбурий равишда АҚШга хизмат қилаётган ҳукумат чангали остида. Уламолар қўлларини қовуштириб туришибди... Бу эса, мусулмон ёшлари ва уларнинг покдомон табиатлари бузилишига олиб келди... Умнат умматларга қарам бўлиб қолди, бойликларига эгалик қилишини, ер юзига Халифалик қилишини қўлдан бой берди.

Бу асрда, бу жобир подшоҳлар замонида Уламоларнинг энг муҳим вазифани тарк этишгани Умнат қўшинларини зое кетказди... Мусулмон юртларидаги армиялар, хавфсизлик ва полиция зобитларию аскарларини мустамлакачи кофир Ғарбга хизматчи қилиб қўйди, улар бир тану бир жон Ислом Умнатини бўлиб ташлаган Сайкс-Пико чегараларининг қўриқчиларига айланишди! Аллоҳ йўлида қўриқчилик қилишмаяпти, Аллоҳ калимасини олий қилиш учун жиҳод бошлашмаяпти!! Ҳеч шубҳа йўкки, мусулмон халқлар билан ҳукмдорлар ўртасидаги қўзғолон маъракасини ҳал этишда армиялар роли юксакдир. Зеро, мусулмонлар орасида Пайғамбарлик минҳож асосидаги рошид Халифаликни эълон этиш учун холис фаолият олиб бораётганларга нусрат беришга мана шу армияларимизгина қодирдир. Зеро, мусулмонларни бирлаштириб, Ислом дахлсизлигини қўриқлайдиган, барча золиму кофирлар тахтини вайрон этадиган рошид Халифаликдир.

Биз Умнат уламоларини заррача қўркмай ва ҳайбатланмай, Умнатларини қутқариш учун отилиб чиқиб, жобир подшоҳлик гумашталарига қарши чиқишга, уларни маъруфга буюриб мункардан қайтаришга даъват қиламиз. Токи, бутун башарият янги тарихий замонга, Пайғамбарлик минҳож асосидаги иккинчи рошид Халифалик замонига кўчиб ўтсин... Уламоларимиз мана шундай позиция билан шаҳидлик даражаларига ноил бўлсинлар.

«سَيِّدُ الشَّهَدَاءِ حَمَزَةُ بْنُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ، وَرَجُلٌ قَامَ إِلَى إِمَامٍ جَائِرٍ فَأَمَرَهُ وَنَهَاةً فَقَتَلَهُ»

«Шаҳидлар саййиди Ҳамза ибн Абдулмуттолибдир ҳамда золим раҳбарга қарши туриб уни маъруфга буюрган ва мункардан қайтарган, оқибатда раҳбар томонидан ўлдирилган кишидир».

Шунингдек, уламоларни бу хору зорлик замониға якун ясашга, куфр, ботил ва уларнинг аҳлларида покланишга, мустамлакачи кофир Ғарбга қарам бўлиш хавфини мусулмонларга англатишга, капиталистик илмоний фикрлар ва тушунчаларни ўрганишдан воз кечишни уларга ўргатишга чақирамиз. Барча мусулмонларни рошид Халифаликни барпо этиш учун Ҳизб ут-Таҳрирнинг холис уламоларига қўшилишга даъват қиламиз. Чунки уламолар ер юзи халифаларидир, Аллоҳ уларнинг даражаларини баланд қилган. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَهُوَ الَّذِي جَعَلَكُمْ خَلَائِفَ الْأَرْضِ وَرَفَعَ بَعْضَكُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَاتٍ لِّيَبْلُوكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ إِنَّ رَبَّكَ سَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

«(Аллоҳ) шундай зотки, сизларни ерда халифалар қилиб қўйди ва Ўзи ато этган неъматлар билан сизларни имтиҳон қилиш учун айримларингизни айримларингиздан юқори даражаларга кўтариб қўйди. Роббингиз албатта тезда жазолагувчидир ва албатта мағфиратли, меҳрибондир» [Анъом 165]

Қудрати улуғ Аллоҳ уламолардан куйидагиларни албатта сўрайди:

Ушбу юксак даражага лойиқ бўлиш учун сизга бурганим ишларни қилдингизми?! Пайғамбарлар меросхўрлари бўлдингизми?! Росулulloҳ минҳожини тутдингизми?! Илмингиз мусулмонларни уйғотишда ва уларга таъсир ўтказишда илми нофе бўлдимми?!

Хўш, ўша Кунда бу уламолар жавоби қандай бўларкин?! □

**МЕРОС БОРАСИДА ТУЗАТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН
ТУШУНЧАЛАР:**

﴿لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثَيَيْنِ﴾

**«Бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни
амр қилур»**

Абу Низор Шомий

Аллоҳнинг китобида шундай оятлар борки, илмонийлар ва дин душманлари кучи етса уларни йўқ қилмагунларича роҳатланмайдилар... Ғаразгўй кимсалар Исломга қарши уйдирма ва ботил найзаларини шу оятлар орқали санчадилар. Ушбу оятлар ичида энг кўзга кўрингани мана шу оятдир.

﴿يُوصِيكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثَيَيْنِ﴾

**«Аллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил
учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур»**

[Нисо 11]

Биз Исломда аёлларга нисбатан адолат йўқ, чунки Ислом меросда аёл киши учун эркакнинг ярим ҳиссасини белгилаган деб уни айблашганини кўп эшитганмиз. Айрим мусулмонлар тинмай такрорланувчи ушбу ёлғон қаршисида, қандай жавоб қилишни билмай ҳайрон бўлиб қоладилар. Агар ушбу тухматчилар аёлнинг Исломдан олдинги ва бугунги Ғарб ҳазорати соясидаги воқесига инсоф билан қарасалар сўнгра уни Ислом аёл киши учун белгилаган мартаба ва қадр қийматга солиштирсалар, бирор нарса дейишдан олдин тилларини кесган бўлар эдилар.

Тунисга ўхшаган айрим араб режимлари Аллоҳнинг очик оятларига қарши чиқиб, меросда аёл ва эркакни тенглаштирадиган қонунни чиқаришга журъат қилишди. Бу воқеа 2018 йил 23 ноябрда рўй берди. Бу содда одамлар бу билан аёлни Исломнинг мерос низоми берган ҳуқуқларнинг катта қисмидан маҳрум қилишганини билишармикин. Чунки бугун Тунисдаги аёл ушбу қонунга кўра, Аллоҳ Таоло у учун белгилаган ҳиссанинг энг оз қисмини олмоқда. Бунини қандай тушунса бўлади? Аёл киши барча ҳолатларда ҳам эркак ҳиссасининг ярмини оладими?

Исломдаги мерос низомини ўқиган киши биладики, бу низом адолат ва яхшиликка қаратилган меъёрларга асосланган. Бу меъёрлар эркак ва аёлни доимий ажратиш принциpidан йироқдир. Чунки Қуръон (Аллоҳ меросларингиз ҳақида бир эркак учун икки аёл ҳиссаси берилур) демади, балки

﴿يُوصِيكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثِيَيْنِ﴾

«Аллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур»

[Нисо 11]

деди. Демак, бу мерос тақсимлашдаги умумий ҳолат эмас. Балки бу ерда мерос тақсимлашда шариат риоя қиладиган бир неча меъёрлар мавжуд.

Биринчиси: Хоҳ эркак ва хоҳ аёл бўлсин, меросхўрлар ва мерос қолдирувчи ўртасида яқинлик даражаси. Қариндошлик алоқаси қанчалик яқин бўлса, меросдаги ҳисса шунча кўп бўлади. Масалан вафот этган шахс аёл бўлса, унинг қизи эридан кўпроқ ҳисса олади. Чунки вафот этган аёлга қизи эридан кўра яқиндир. Ҳолбуки ўша вафот этган аёлнинг қизи аёл киши, эри эса эркак кишидир. Мана шу нарса эркак ва аёллик шариат мерос масаласида суянадиган асл меъёр эмаслигини исботлайди.

Иккинчиси: мерос олувчи авлоднинг авлодлар кетма-кетлигидаги ўрни. Одатда келажак авлодлар ўтган авлодлардан меросда каттароқ насибага эга бўлади. Бунда меросхўрларнинг эркак ёки аёл бўлишининг аҳамияти йўқ. Шунинг учун қиз онадан (ҳолбуки иккиси ҳам аёл) ҳатто отадан кўра каттароқ мерос олади. Ўғил эса, отадан кўра каттароқ мерос олади, ҳолбуки иккиси ҳам эркак.

Учинчиси: Бошқаларни таъминлаши учун шариат меросхўрга юклаган молиявий сарфлар... Мана шу меъёр эркак ва аёл ўртасида тафовутни пайдо қилади.

﴿يُوصِيكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثِيَيْنِ﴾

«Аллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур».

Чунки бу ердаги мерос олувчи эркак яқинлик ва наслдаги даражаси аёл билан тенг бўлса аёлни боқишдан жавобгардир. Айни пайтда мерос олувчи аёл бўлса, уни ўзига яқин эркаклар

боқади. Бундай ажратиш ҳолати мерос ҳолатларининг сонига қиёсланса, камдан-кам учрайдиган ҳолатлар сирасига киради. Мана шу исломий мантиқдан келиб чиққан ҳолда айтамикки, Ислом меросда аёлни эркакдан устун қўйиши эркакка нисбатан зулм эмас. Балки бу аёл учун эркакнинг устига юкланаётган молиявий масъулият бўлиб, у аёлни тасодифий ҳодисалар, фалокатлар ва офатлардан сақлайди.

Ҳозир биз аёл киши соф шариатга кўра мерос оладиган ҳолатларга қисқа муддатли саёҳат қилиб кўрайлик. Шунда аёл киши бўхтончилар тўқиётганидек ўз улуши борасида ҳуқуқлари поймол қилинмоқдами? Ёки адолат билан муомала қилинмоқдами? Мана шуларга жавоб топамиз.

Мулоҳаза қиладиган бўлсак, исломий фикр мерос бобида ўттиз тўрт ҳолатни белгиллаган бўлиб, аёл киши унда турли хил мерос улушига эга бўлади. Масалан аёл киши ўн бир ҳолатда эркак киши билан бир хил насибага эга. Ўн тўрт ҳолатда эса аёл киши эркакдан кўп насиба олади. Беш ҳолатда аёл киши мероснинг барчасини олади. Фақат тўрт ҳолатдагина эркак киши икки аёл ҳиссасини олади.

Аёл ва эркак меросда тенг ҳисса олиш ҳолатлари:

- Ота ва она ҳар бири мероснинг олтидан бир ҳиссасини олиш ҳолати. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا يُوْهِيْ لَكُمْ وَاَحَدٍ مِّنْهُمَا السُّدُسُ مِمَّا تَرَكَ اِنْ كَانَ لَهُ وَلَدٌ﴾

«Агар марҳумнинг фарзанди бўлса, ота-онасининг ҳар бирига қолдирган меросидан олтидан бири тегур» [Нисо 11]

- Мерос қолдираётган кишининг бир ака ёки укаси, ёхуд бир опа ёки синглиси бўлса, мерос эркак ва аёллар ўртасида бир хил тақсимланади.

﴿وَإِنْ كَانَ رَجُلٌ يُورَثُ كَلَالَةً أَوْ امْرَأَةٌ وَلَهُ أَخٌ أَوْ أُخْتُ فَلِكُلِّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا السُّدُسُ

فَإِنْ كَانُوا أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ فَهُمْ شُرَكَاءُ فِي الثَّلَاثِ﴾

«Агар мероси қолаётган эркак ёки аёл ўзи калола бўлса (яъни, на ўғли ва на отаси бўлмаса) ва унинг (она томонидан) бир ака ёки укаси ёхуд бир опа ёки синглиси қолган бўлса, уларнинг икковидан ҳар бирига олтидан бири тегур. Энди агар улар бирдан ортиқ бўлсалар, улар мероснинг учдан бир ҳиссасига тенг шерик бўлурлар» [Нисо 12]

Лекин мерос борасида тенгликни талаб қилиб эътироз билдираётганлардан бирор сўз эшитмаямиз. Ёки улар фақат

﴿لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثِيَيْنِ﴾

(Бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур), оятинигина ёд олганмикин? Мен қатъий айта оламанки, улар албатта мерос низомини билмайдилар. Шунингдек улар аёл киши эркак билан бир хил ҳисса оладиган, ёки эркакдан кўпроқ ҳисса оладиган, ёки мероснинг барчасини оладиган ўттизта ҳолат ҳақида билмайдилар. Уларнинг мақсади Исломни айблашдир.

Аёл киши эркакдан кўпроқ ҳисса оладиган ҳолатлар: Биз айрим ҳолатларда аёл киши эркакдан бир неча баробар ҳисса олганини кўрамыз. Буни Аллоҳ Таолонинг ушбу оятидан билиб оламыз:

﴿فَإِنْ كُنَّ نِسَاءً فَوْقَ اثْنَتَيْنِ فَلَهُنَّ ثُلُثَا مَا تَرَكَ وَإِنْ كَانَتْ وَاحِدَةً فَلَهَا النِّصْفُ وَلِأَبَوَيْهِ لِكُلِّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا الشُّدُسُ مِمَّا تَرَكَ إِنْ كَانَ لَهُ وَلَدٌ﴾

«Агар меросхўрлар иккидан ортиқ аёл бўлса, уларга эр қолдирган нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз бўлса, унга (мероснинг) ярми тегур. Агар марҳумнинг фарзанди бўлса, ота-онасининг ҳар бирига қолдирган меросидан олтидан бири тегур» [Нисо 11]

Бунга мисоллар:

- Бир шахс вафот этди, унинг ортида бир қиз ва ота қолди, шунда ота олтидан бир улуш олади. Бу эса, қиз ёки қизларнинг улушидан анча оздир. Шундай бўлсада, бирор киши меросдаги мана шундай тақсимлаш отанинг ҳурматини пастга уради деб айтмайди.

- Яна бир мисол: Бир шахс вафот этди, ортидан бир қиз ва икки ака-ука қолди. Бундай ҳолатда қиз мероснинг ярмини олади, чунки асабият томонидан унга шерик йўқ. Ака-укалар эса, мероснинг қолганини олади, шунда улар ўртасида тенглик бўлади. Бунда ака-уканинг ҳар бири тўртдан бир улушни олади, демак эркак аёлдан оз улушга эга бўлади.

- Яна бир мисол: Бир шахс вафот этди, ортидан икки қиз ва икки амаки қолди. Бундай ҳолатда икки қиз асабият томонидан бошқа шерик бўлмагани учун мероснинг учдан иккисини

олишади, мероснинг қолган бир қисмини икки амаки бўлишиб олади. Бунда ҳар бир амакининг улуши мероснинг олтидан бирига тўғри келади. Демак эркак аёлдан оз улуш олади.

- Яна бир мисол: Бир аёл вафот этди, ортидан бир қиз ва эри қолди. Бу ҳолатда қиз мероснинг ярмини олади, эр эса тўртдан бирини. Демак, қиз отаси олган улушдан икки баробар кўп улуш олади.

Аёл киши мерос олиб, эркак ҳеч қандай улушга эга бўлмаган ҳолатлар:

- Бир шахс вафот этди ортидан бир ўғил, бир қиз ва икки ака-ука қолди. Бундай ҳолатда ўғил ва қиз мероснинг барчасини

﴿لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثِيَيْنِ﴾

(Бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур), ояти асосида олишади. Лекин ака-укалар меросдан ҳеч нарса олмайдилар. Бунда мерос олувчилар фақат ўғил ва қиз бўлади. Демак аёл мерос олади ва ака-укалар олмайди.

- Яна бир мисол: Бир киши вафот этди, ортида онасининг онаси ва онасининг отаси қолди. Яъни онаси томонидан бўлган бувиси ва буваси қолди. Бундай ҳолатда онасининг онаси барча меросни олади. Бу аёл мерос илмида саҳиҳ буви дейилади, бошқача айтганда у олтидан бирини улуш ўрнида, қолган қисмини рад ўрнида (яъни бошқа меросхўрлар бўлмагани учун) олади. Она томонидан бўлган буваси (онасининг отаси) бувисининг эри меросдан ҳеч нарса олмайди. Ҳолбуки у вафот этган шахс учун бувиси билан бир хил даражада. Бувиси барча меросни олади, чунки у фарз (улуш) соҳибларидан, буваси бўлса қариндошчилик соҳибларидандир. Қариндошчилик соҳиблари фарз соҳиблари билан мерос олмайдилар. Буви ва буванинг мерос олиши қоидаларини ўқир эканмиз, шу нарса аён бўладики, саҳиҳ бува (яъни мерос олувчи бува) мерос қолдирувчига она томонидан уланган бува бўлмаслиги керак. Яъни бундай бува «жаддун фосид» (меросга ҳақли бўлмаган бува) бўлади.

Булар Ислом аёлга адолат билан муомала қилиши ҳақидаги айрим мисоллардир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, қуйидагиларни айтамиз:

1 – Аёл киши умумий 34 ҳолатдан 4 ҳолатда, яъни мерос оладиган ҳолатларнинг 11,76 %ида эркак ҳиссасининг ярмини

олади. Ҳолбуки эркак аёлга нафақа қилиши шарт, аёл эса эркакка нафақа қилиши шарт эмас.

2 – 11 та ҳолатда, яъни мерос ҳолатларининг 32,35 %ида аёл эркак билан тенг мерос олади.

3 – 14 та ҳолат, яъни мерос ҳолатларининг 41,18 %ида аёл эркакдан кўп мерос олади.

4 – 5 та ҳолат, яъни мерос ҳолатларининг 14,71 %ида аёл мерос олади, эркак ҳеч нарсга олмайди.

Ушбу динни буюк қилиб қўйган Аллоҳни барча шериклардан поклайман. Ўз ақли, жони, ва охиратини Ғарбга сотган, натижада дунё-ю охиратда зиён кўрган кишилар бу ҳақиқатлардан ғафлатда қолмоқда.

Тунис ҳокимлари аёл ва кизлари қанчалик зиён кўрганини билишармикин? Улар Исломдан олдин жоҳилият даври ҳокимлари қилганидек аёлнинг моли ва ҳаққини тортиб олганларини билишармикин? Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзи нақадар тўғридир:

﴿الشَّيْطَانُ يَعِدُكُمُ الْفَقْرَ وَيَأْمُرُكُمْ بِالْفَحْشَاءِ ۚ وَاللَّهُ يَعِدُكُم مَّغْفِرَةً مِّنْهُ وَفَضْلًا ۗ وَاللَّهُ

وَسِعٌ عَلِيمٌ﴾

«Шайтон сизларни (агар инфоқ-эҳсон қилсангиз) камбағал бўлиб қолишингиздан қўрқитади ва фаҳш ишларга буюради. Аллоҳ сизларга ўз тарафидан мағфират ва фазлу қарам (бойлик) ваъда қилади. Аллоҳ (фазлу қарам) кенг ва билгувчидир» [Бақара 268]

Исломдан олдин аёл кишининг на мерос олиш ҳуқуқи ва на молиявий мажбурияти бор эди. Аёл кишида ҳатто яшаш ҳуқуқи йўқ эди, у тириклайин кўмилар эди. Ислом келгач, уни азиз қилди, уни ўлдиришдан қайтарди. Ислом аёлни боқиш ва нафақа қилишни эркакка юклади ҳамда унга шундай ҳуқуқларни бердики, улар билан ер юзидаги барча аёллар фахрланади.

Биз Аллоҳдан ёлвориб сўраймизки, Аллоҳ бизни аҳмоқ ҳокимлар ва малайлар бизга ва динимизга қарши содир этаётган ишлардан сақласин. Эй Аллоҳим биз ҳабибинг сўраганидек, бизни динимизда мусибатламаслигини сўраймиз. Бизга ҳаётимизни Халифалик давлати соясида нурли қиладиган юксак шариатингни кўрсат. Давлатки, золимни қўлидан тутди ва барчага ўз ҳаққини беради. Албатта сен эшитувчи ва ижобат қилувчи зотсан. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Баҳрайн Ташқи ишлар вазири: Эроннинг Ҳамасни қўллаб-қувватлаши «Исроил» билан тинчликка эришишни йўққа чиқаради		
Кўрфаз ҳукмдорлари диний мажбуриятлардан воз кечиш ва мусулмонлар масалаларига очикдан—очик хиёнат қилиш деб кўриладиган ишлари билан ўз тахтларини сақлаб қолиш учун мусулмонларга ва уларнинг динига қарши Умнат душманлари билан очик тилбириктирувни давом эттиришмоқда. Мисол учун, Баҳрайн ташқи ишлар вазири Холид ибн Аҳмад Оли Халифа Вашингтонда НАТО кенгаши томонидан ўтказилган мулоқот форумида АҚШ давлат департаменти томонидан ташкиллаштирилган «Диний эркинликни илгари суриш бўйича вазирлар форуми» доирасида юзсизларча бундай баёнот берди: Агар Эрон Ҳамас ҳаракатини ва Ғазони назорат қилаётган жиходчиларни аскар ва маблағ билан қўллаб-қувватламаганда эди, «биз тинчлик бўйича энг яхши имкониятга эришган бўлардик, бироқ Эрон роли доим заҳарли иллат бўлиб, ишларни ғоят чигаллаштириб келмоқда». АҚШнинг тинчлик бўйича махсус вакили Жейсон Гринблатт учрашувни юқори баҳолаб, Вашингтон вазирларнинг мана шундай дўстона суҳбатлашишларини «Исроил»-Баҳрайн-минтақа ўртасидаги ажойиб ютуқ, деб ҳисоблайди, деди. «Мен кеча Баҳрайн ташқи ишлар вазири Холид ибн Аҳмад Оли Халифа бевосита учрашув ўтказдим», деб ёзади Сиёсий-ҳарбий ва разведка масалалари бўйича «Исроил» вазири Исраэль Кац ўзининг твиттер саҳифасида. Сўнг «Мен «Исроил» Бош вазири Биньямин Нетаньяху билан «Исроил»-Кўрфаз давлатлари муносабатларини олдинга босиши йўлида ҳаракатимни албатта давом эттираман», дея қўшимча қилди.		
Ал-Ваъй: Мусулмонлар бу зараркунанда ҳукмдорларнинг очикдан-очик содир этаётган хиёнатларини ҳаргиз ўзлари учун зарар, деб билмасинлар, йўқ, бу улар учун яхшиликдир. Зеро, бу ҳукмдорлар ишнинг бошидан бери хоин эди. Умнат кўзғолонлари уларни қабиҳ юзларини очишга мажбур қилди. Бу билан уларнинг Умнатга қарши Ғарб ҳукмдорлари ва яҳудийлар билан бирга бир сафда тургани очик кўриниб қолди. Улар юзидаги пардози кетказилган фоҳишага ўхшаб қолишди.		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Эрдоган Шинжон масаласида ёрдам кўрсатди		
Хитой ҳукумати ахборот воситаларига кўра, Туркия президенти Ражаб Тойиб Эрдоган «Хитойнинг Шинжон вилояти аҳолиси Хитойнинг тараққиёти ва қўллаб-қувватлови остида бахтли ҳаёт кечирмоқда ва бу ҳақиқатдир», деди. Эрдоган Хитойнинг экстремизмга қарши кураш дастаги остида, Шинжон вилоятида уйғур мусулмонларга қарши баҳс-мунозарага сабаб бўлган дастурни татбиқ қилаётганига ҳамда туркийзабон озчилик уйғурлар яшовчи ушбу вилоятда айни дастак билан касб-хунар ўргатиш марказлари ниқоби остида қамок лагерларини очганига қарамай шундай сўзларни айтди. Хитой телевидениесида Эрдоганнинг мана бу сўзлари келтирилди: «Туркия ҳеч кимнинг Хитой-Туркия муносабатларида диссонанс пайдо қилишига йўл қўймайди. Туркия экстремизмга мутлақо қарши. У Хитой билан ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаш ва хавфсизлик ҳамкорлигини кучайтиришга доим тайёр». Хитой раҳбари ҳам Эрдоганга терроризмга қарши курашда ҳар икки давлатнинг ҳам амалий чоралар кўриши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Эрдоган томонидан берилган қатор баёнотларни Хитой кадрлашини қўшимча қилди. Эрдоган бу баёнотлардан бирида «Туркияда аксилхитой фаолиятлари олиб борилишига асло йўл қўймаслигини, Хитой томонидан терроризмга қарши олиб борилаётган кураш Туркия томонидан албатта қўллаб-қувватланишига алоҳида эътибор қаратишини», урғулаган эди.		
Ал-Ваъй: Кимда-ким Эрдоганнинг бошқарувда содир этаётган хато-камчиликларини кўриб чиқса, уларнинг жуда хавfli ва Аллоҳ Таолони ғазаблантирадиган даражада эканига гувоҳ бўлади. Буларга мисол, у яҳудийлар билан мустаҳкам муносабатлар ўрнатяпти, АҚШ билан унинг Ироқ ва Афғонистонда мусулмонларга қарши курашида ҳамкорлик қияпти, Туркия ичкарасида илмоний куфр конституциясини татбиқ этипти, Туркия ташқарисида руслар, америкаликлар ва эронликлар билан ҳамкорликда Сурияда илмоний конституцияни ўрнатишга ҳаракат қияпти, давлатлараро муносабатларда судхўрлик асосида муомала қияпти, Хавфсизлик Кенгаши ва БМТ каби халқаро ташкилотлар билан		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
алоқа ўрнатиб келяпти, халқаро куфр қонунидан ҳукм сўраяпти... Эрдоганни оқлаётган кишилар мусулмон сифатида у намоён қилган ишларни кўрганлари учун оқлашяпти. У мусулмон сифатида намоз ўқияпти, рўза тутяпти ва Қуръон тиловат қияпти... бироқ ҳокимиятни илмоний-нодиний асосда бошқармоқда, яъни, Аллоҳ нозил қилмаган нарсалар билан ҳукм юритишни ўзига раво кўрмоқда. Бас, бу кимсани оқлаётган кишилар Аллоҳдан кўрксинлар ва уни оқлаётганлари учун қиёматда албатта сўралишга тайёр турсинлар. Аллоҳ Таоло бундай деган: ﴿هَآئِنتُمْ هَآؤِلَآءِ جَدَلْتُمْ عَنَّهُمْ فِي الْحَيَوةِ الدُّنْيَا فَمَن يُجَدِّلُ اللَّهَ عَنَّهُمْ يَوْمَ الْقِيَمَةِ أَم مَّن يَكُونُ عَلَيْهِمْ وَكِيلًا﴾ <i>«Хой сизлар, бу дунёда-ку, уларнинг ёнини олдингиз. Энди қиёмат кунда ким уларни Аллоҳдан ҳимоя қилиб ёнларини олур ёки ким уларнинг устида вакил бўлиб турар?!»</i> [Нисо 109]		
Сўнгги нидо... Ихвон етакчиларидан бири жамоанинг бўлинишига қарши ташаббус билан чиқди		
Ихвонул Муслимин жамоаси етакчиларидан бири Ашраф Абдуғаффор бир неча йиллардан бери жамоаси бошдан кечираётган бўлинишга чек қўйиш ва ундаги ёрикни тузатиш мақсадида «Сўнгги низо», деб аталган ташаббус бошлади. Маълумки, Ихвонул Муслимин 1928 йил ташкил топгандан бери бошдан кечираётган ички ихтилофлар бугун чўққисига чиқди ва уни иккига бўлиб юборди. Ҳар иккисининг алоҳида матбуот котиби, алоҳида матбуот минбарлари қурилди. Абдуғаффорнинг ютуб орқали тасвири равишда тарқатган баёнотида айтишича, унинг «бу ташаббуси чуқур фикрлаб, Уммат олдидаги масъулиятини ҳис этиши ортидан бошланди. У йиллар давомида Исломга хизмат қилиш учун қурилган нарсани вайрон қилиш ёки унга тажовуз этиш ёхуд унинг йўлида ҳаракат қилмаслик дуруст эмаслигини англаб етган». Бу ташаббуснинг узоқ мунозара қилиш ва «қадрли биродарлар»нинг талаби билан бошланганини айтар экан, айти инқирозни баъзи шахслар билан ҳал этажagini таъкидлади, аммо уларнинг исмини айтмади.		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
«Ҳозирда жамоамиз ичкарасида ким ҳақли, ким ноҳақ, дея ихтилофлар ёки мулоқотларни кўтаришнинг ўрни эмас, шу билан бирга, айти ташаббусга олдиндан баҳо беришнинг ҳам ўрни эмас», деди Ашраф Абдуғаффор. Ал-Ваъй: Хоҳ Ихвонул Муслиман жамоасининг бўлиниши бўлсин, хоҳ бошқа жамоанинг бўлиниши бўлсин, бунинг хавфли жиҳати, барчасининг орасига бўлиш қасди билан режим жосусларининг кириб олишидир. Ихвондагиларни мойил қилиб олиш ёки четга чиқариш ниятида жамоага босимлар қаттиқ бўлди. Кўзғолонлардан сўнг сиёсий Исломга бўлган қутурган ҳужумлар кучайгандан-кучайди. Бундан уни йўқ қилиш ва Ғарб билан унинг мусулмон юртларидаги малайлари хавфсизлиги учун унга буткул якун ясаш, мусулмонларнинг Халифалик давлатида бирлашишларини олдини олиш кўзланди.		
Ажралиб чиққан зобит: Ҳафтар ўз тобеларини тиз чўктириш учун сеҳргар ва жинлардан фойдаланяпти		
«Қудсул арабий» газетасидаги хабарда бундай дейилади: «Ливия миллий армияси»дан ажралиб чиққан ва илгари армиянинг матбуот котиби бўлган Муҳаммад Ҳижозий – генерал-лейтенант Халифа Ҳафтар атрофидагиларни ўзига бўйсундириш учун сеҳрдан фойдаланяпти, деди. У Ҳафтарни Чад ва Нигердан сеҳргарлар ёллаганликда айблар экан, Ражма минтақасидаги ҳокимият қароргоҳига кирса, ўзида титроқ сезаётганини, Ҳафтарнинг олдида борса, ўзини йўқотиб қўйиб, унинг ҳамма гапларини маъкуллайдиган бўлиб қолганини айтади. Ҳафтарнинг уларни ўзига оғдириб олиш учун сеҳрдан фойдаланаётганига шубҳа йўқлигини, қўшимча қилди. Унинг таъкидлашича, Ҳафтарнинг атрофидагилар унга сеҳргарлар олиб келишган, улар Ҳафтарнинг бармоғига узук тақишиб қўйгани, узукда эса, жинлар жойлаштирилган бўлиб, улар Ҳафтарнинг атрофидагиларни уни олқишлаб, қарсак чаладиган қилиб туришган эмиш. Айтишларича, Ҳижозий бир неча ерда сеҳргарлар иши ва таъсири тўғрисида гапирган ҳамда телефон орқали суҳбатда «менинг армиядан ажралиб чиқишимга ҳам унинг сеҳргарлари сабабчи бўлган, деди».		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
«Исроил» болалар ҳақ-ҳуқуқини бузувчи давлатлар қора рўйхатидан чиқарилди		
«Қудсул арабий» газетасидаги хабарда айтилишича, БМТ аккредитациясидан ўтган журналистлар БМТ Бош котибининг болалар ва қуролли низолар масаласи бўйича махсус вакиласи Виржиния Гамба атрофини саволлар билан қуршаб олишган. Журналистларнинг вакилага берган саволлари унинг болалар ҳақ-ҳуқуқларини бузилиши бўйича 2018 йил учун тайёрлаган ҳисоботида «Исроил»нинг айна мавзудаги қора рўйхатдан чиқарилиши тўғрисида бўлди. Бироқ ҳисоботда эътироф этилишича, «59 нафар бола ўлдирилган бўлиб, улардан 30 нафари жанговар ўқдан ўлдирилган», ўқ таналарининг юқори қисмига теккан ва гўё улар қасддан ўлдирилган. Бу ўқлар БМТга аъзо бўлган давлатга, яъни «Исроил» давлатига тегишли бўлган. Гамба ҳисоботга қисқача таъриф бериб, 20та шаҳарда болаларга нисбатан қонунбузарлик ҳажмини оммага ошқор этгандан сўнг қатор саволлар бошланиб кетди. БМТ вакиласидан – нега кўп марта уринишингизга қарамай, «Исроил»га киритилмадингиз, деб сўрашганда, «Исроил» ва Фаластин сафарим бекор қилиниши сабабларидан бири ўтган апрел ойида «Исроил»да ўтказилган сайловлар бўлса керак, энди яна қайта сайлов бўлади, деб жавоб берди. Гамба берган матбуот конференцияси роппа-роса бир соат давом этди, аммо журналистларнинг «Исроил»нинг қора рўйхатдан чиқарилмаслиги ҳақидаги саволига жавоб беришдан ўзини олиб қочди. □		

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА



﴿مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أُنْبَتَتْ سَبْعَ سَنَابِلٍ فِي كُلِّ سُنبُلَةٍ مِائَةُ حَبَّةٍ وَاللَّهُ يُضَعِفُ لِمَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ لَا يُتْبِعُونَ مَا أَنْفَقُوا مَنًّا وَلَا أَذًى هُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٢٦١﴾

«261. Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошогиди юзтадан дони бўлган еттига бошоқни ундириб чиқарган бир донга донга ўхшайди. (Яъни, қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда.) Аллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир. 262. Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргаштирмайдиган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида улуг ажр бордир. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар» [Бақара 261-262]

Ҳизб ут-Таҳрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг (у кишини Аллоҳ ҳифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

Қуръони Каримнинг мана шу пораси имон ва куфр мавзуси билан бошланади, дегандик.

﴿فَمِنْهُمْ مَنْ ءَامَنَ وَمِنْهُمْ مَنْ كَفَرَ﴾

Кейин Аллоҳ Таоло Аллоҳ берган ризқдан инфоқ қилишни фарз қилинганини айтганди.

Шундан кейинги оятлар имон, мўминлар ва Аллоҳ Таоло мўминларнинг Дўсти экани, кофирларнинг дўсти эса тоғут

эканини, ундан сўнг эса имонга далолат қилувчи аломатлар, ўликларнинг тирилтирилишини сўзлайди.

Шулардан сўнг мана бу икки муборак оятларда Аллоҳ Таоло инфоқ – сарф-харажат хусусида гапирди. Бу Қуръони Каримнинг бошланишидаги иккинчи мавзу эди.

1 – Аллоҳ Таоло Аллоҳнинг йўлида яъни, жиҳод йўлида инфоқ қилган кимсаларнинг шаънини баён қияпти. Қуръони Каримда Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилиш юқорида айтиб ўтганимиздек, жиҳод йўлида инфоқ қилиш маъносида келади. Аллоҳ Таоло мана шундай инфоқ қилувчиларнинг шаънини баён қияпти. Уларнинг шаъни жуда буюқдир. Уларга қилган инфоқларига нисбатан бир неча баробар қилиб, етти юз мартадан бошлаб, ниҳоясини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган даражада кўп қилиб қайтарилади.

﴿وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾

(Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир).

﴿أَنْتَبَّهْتُ سَبْعَ سَنَائِلَ فِي كُلِّ سُنْبُلَةٍ مِائَةً حَبَّةً﴾ ҳар бир бошогиди

юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган). Бир неча баробарлик тасвирини гавдалантириш. Гўё нақд кўриниб тургандек. Бу ерда маъқулни (ақл билан топиладиган нарсани) маҳсусга (ҳис орқали сезиладиган нарсага) ташбеҳи санъати қўлланыпти. Яъни, савобдаги бир неча баробарлик экиндаги бир неча баробарликка ўхшатиляпти.

(سنيلة) бу сўз экиндаги бошоқ маъносини англатади. Ундаги нун аслий, шунинг учун у рубойи бобидан бўлиб, вазни икки лом билан белгиланади.

Ўстириш феълининг исноди донга берилаётгани мажоздир. Чунки у ўстирувчи эмас, фақат шу ишга бир сабабчидир. Ҳақиқий Ўстирувчи эса Аллоҳ Таолодир. Демак, бу ерда исноднинг донга берилиши мажозийдир.

Юқоридаги инфоқнинг жиҳод йўлидаги инфоқ эканини бир неча саҳобалар томонидан ривоят қилинган мана бу ҳадис ҳам таъкидлайди. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«مَنْ أَرْسَلَ بِنَفَقَةٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأَقَامَ فِي بَيْتِهِ فَلَهُ بِكُلِّ دِرْهَمٍ سَبْعُ مِائَةٍ دِرْهَمٍ وَمَنْ عَزَا بِنَفْسِهِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَأَنْفَقَ فِي وَجْهِ ذَلِكَ فَلَهُ بِكُلِّ دِرْهَمٍ سَبْعُ مِائَةٍ أَلْفٍ دِرْهَمٍ ثُمَّ تَلَا هَذِهِ الْآيَةَ وَاللَّهُ يُضَاعِفُ لِمَنْ يَشَاءُ»

«Аллоҳнинг йўлида нафақа юбориб, ўзи уйида қолган одам учун ҳар бир дирҳамига етти юз дирҳам берилади. Ўзи ҳам Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиб, шу йўлда нафақа ҳам берган киши учун ҳар бир дирҳамига етти юз минг дирҳам берилади».¹

Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир) (وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ)

бандаларига берадиган савоби ва эҳсони кўп. (وَسِعٌ)

(билгувчидир) (وَسِعٌ عَلِيمٌ) инфоқ қилгувчининг ниятини, ихлосини билувчи.

2 – Аллоҳ Таоло ўтган оятда Аллоҳ йўлида инфоқ қилгувчининг савобини айтганди. Ундаги матн умумий маънода келганди.

﴿مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ﴾

(Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиган кишиларнинг мисоли) бу муборак оятда эса ўша олдинги оят хосланиб келяпти. Яъни, ажр, савоб фақат Аллоҳ йўлида инфоқ қиладиганлар, қилган инфоқлари ортидан миннату озорни эргаштирмайдиганлар учундир. Яъни, инфоқлари холис Худо учун бўлганларга улуғ ажрлар, савоблар бордир. Улар ўзларининг келажагидан қўрқмайдилар, қўлдан кетган нарса учун хафа бўлмайдилар. Улар учун бутун амният бордир: Бу дунёда яхши ҳаёт, охиратда эса қилган гуноҳларининг мағфират этилиши билан сийланурлар.

﴿هُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

(1) Ибн Можа: 2751. Дуррул Мансур: 2/37. Сарвари олам 著 шу гапни айтганларидан кейин “Аллоҳ Ўзи истаган кишига янада кўп қилиб бераверади”, оятини тиловат қилдилар.

(Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар).

﴿الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ﴾ *молларини Аллоҳ йўлида сарфлайдиган зотлар*) яъни, жиҳод йўлида.

﴿ثُمَّ لَا يَتَّبِعُونَ مَا أَنْفَقُوا مَنًّا وَلَا أَذًى﴾

(*Сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргаштирмайдиган*) бу сўз аслида кесиш, узиш маъноларини англатади. (حبل منين) манин (миннатли) арқон), дегани заиф, нимжон, узилиб кетай деб турган арқон, деганидир. Бу ерда бу сўз нафақадаги риёдан, фахрланишдан киноя бўлиб келяпти.

(*أذى* *озор*) эса инфоқ қилувчининг ўзи қиладиган бир ёмонликдир. Масалан, инфоқ қилишдан кўзлаган мақсади амалга ошмай қолса, қандайдир акс таъсирланади. Жанг учун бирор жиҳоз ёки қурол-аслаҳа беради-да, давлат шу ишини мужоҳидлар олдида намоиш қилишини истайди. Давлат намоиш қилмай қолса, акс таъсирланиб, ишни бузади, яхшилигини ёмонликка айлантириб юборади.

Муборак оятдаги хослаш

﴿ثُمَّ لَا يَتَّبِعُونَ مَا أَنْفَقُوا مَنًّا وَلَا أَذًى﴾

(*Сўнгра берган нарсаларига миннат ва озорни эргаштирмайдиган*) шундай васф билан келганки, унда Аллоҳнинг йўлидаги нафақада Аллоҳ уни қабул қилиши ва унга ўша айтилган мукофотни бериши учун тўла ихлос бўлиши шартлиги ўз ифодасини топган. Ҳа, нафақа холис Худо учун бўлиши, унга ҳеч қандай миннату озорлар аралашмаслиги лозим.

Ана шунда улар Аллоҳ Ўз дўстларига тайёрлаб қўйган улуғ мукофотга ноил бўлурлар.

﴿إِنِ أَوْلِيَاءُ اللَّهِ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

«*Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг дўстларига (охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар*» [Юнус 52] □

ХАЖ БУЮК РУКН ҲАМДА МУСУЛМОНЛАР БИРЛИГИНИНГ МУҲИМ КЎРИНИШЛАРИДАНДИР

Хаж Исломнинг буюк рукнларидан бўлиб, Аллоҳ Таоло уни адо этишни қодир бўлган мусулмонга фарз қилган.

﴿وَلِلّٰهِ عَلَى النَّاسِ حُجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ اِلَيْهِ سَبِيْلًا وَمَنْ كَفَرَ فَاِنَّ اللّٰهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِيْنَ﴾

«Ва йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳажж-зиёрат қилиш бурчи бордир. Кимда-ким кофир бўлса (яъни Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор қилса), бас, албатта Аллоҳ бутун оламлардан беҳожат бўлган зотдир» [Оли Имрон 97]

Инсонлар Иброҳим ؑ каъбанинг деворларини кўтариб, Роббиси буюрганидек одамларни ҳаж қилиш учун азон айтиб чақиргандан бери ҳаж қиладилар. Ер юзида мўминлар бор экан, ҳаж тўхтамайди.

Хаж Аллоҳга яқинлаштирадиган энг афзал ибодатлардандир. Абу Ҳурайра ؓ ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ дан сўрашди: Энг афзал амал қайси? Росулуллоҳ ﷺ айтдиларки: **Аллоҳ ва Росулига бўлган имон.** Кейинчи? – деб сўрашган эди, Росулуллоҳ ﷺ: **Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш.** Кейинчи? – деб яна сўрашган эди, Росулуллоҳ ﷺ: **Мабрур Ҳаж,** деб жавоб бердилар.

Хаж Аллоҳ йўлидаги жиҳодга тенг бўлиб ва у жиҳодга қодир бўлмаган ва мукаллаф бўлмаган киши учун жиҳоднинг ўрнига ўтади. Оиша ؓ Росулуллоҳ ﷺ дан: Эй Аллоҳнинг Росули биз ҳам сизлар билан бирга жанг қилмаймизми? – деб сўраган эди, Росулуллоҳ ﷺ:

﴿لَكِنَّ أَحْسَنَ الْجِهَادِ وَأَجْمَلُهُ الْحُجُّ، حُجٌّ مَبْرُورٌ﴾

«Энг яхши ва чиройли жиҳод Ҳаж, яъни мабрур Ҳаждир», деб жавоб бердилар. Оиша رضي الله عنها айтади: Росулуллоҳ ﷺ дан ушбу сўзни эшитганимдан бери Ҳажни қолдирмадим. (Бухорий ривояти). Насоий қилган ривоятда эса, Оиша رضي الله عنها: Эй Аллоҳнинг Росули сиз билан бирга жиҳодга чиқмайликми? Чунки мен Аллоҳнинг китобида жиҳоддан афзалроқ амални кўрмайпман деган эди, Росулуллоҳ ﷺ:

«لَا، وَلَكِنَّ أَحْسَنَ الْجِهَادِ وَأَجْمَلُهُ حَجُّ الْبَيْتِ، حَجٌّ مَبْرُورٌ»

«Йўк, энг яхши ва чиройли жиҳод ҳаж, яъни мабрур ҳаж дедилар».

Мабрур ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир. Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«الْعُمْرَةُ إِلَى الْعُمْرَةِ كَفَّارَةٌ لِمَا بَيْنَهُمَا، وَالْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ»

«Умра кейинги умрагача бўлган гуноҳларга каффоратдир. Мабрур ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир». Муттафақун алайҳ ҳадис. Ҳаж гуноҳларнинг кечирилишига сабаб бўлади. Абу Ҳурайра رضي الله عنه айтади: Росулуллоҳ ﷺнинг шундай деганларини эшитганман:

«مَنْ حَجَّ لِلَّهِ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَفْسُقْ رَجَعَ كَيَوْمِ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ»

«Кимки фахш сўзлар сўзламай ва фосиклик қилмай Аллоҳ учун Ҳаж қилса, онадан туғилгандек гуноҳсиз қайтади». Бухорий ривояти.

Ҳаж ва Умрани кўп қилиш қашшоқликни кетказади. Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«تَابِعُوا بَيْنَ الْحَجِّ وَالْعُمْرَةِ، فَإِنَّهُمَا يَنْفِيَانِ الْفَقْرَ وَالذُّنُوبَ، كَمَا يَنْفِي الْكِبَرُ حَبَثَ الْحَدِيدِ»

«Ҳаж ва Умрани мунтазам адо этинг, чунки иккисини бирин-кетин адо этиш ўт темирдаги дошқолни кетказганидек қашшоқлик ва гуноҳларни кетказади». Термизий ва Ибн Можжа ривояти.

Ҳаж қилувчи Аллоҳга элчидир, ким Аллоҳга элчи бўлса, Аллоҳ у кишини ҳурмат қилади. Умар رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«الْعَازِي فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَالْحَاجُّ وَالْمُعْتَمِرُ وَفَدَّ اللَّهُ، دَعَاهُمْ فَأَجَابُوهُ، وَسَأَلُوهُ فَأَعْطَاهُمْ»

«Аллоҳ йўлида жиҳодга чиққан ҳамда ҳаж ва умра қилувчи киши Аллоҳнинг элчисидир. Аллоҳ уларни чақиргач, лаббай деб жавоб қилдилар ва улар Аллоҳдан сўраган эди Аллоҳ сўраганини берди». Ибн Можжа ривояти. Бошқа ривоятда:

«إِنْ دَعَا أَجَابَهُمْ وَإِنْ اسْتَعْفَرُوهُ عَفَرَ لَهُمْ»

«Аллоҳ чақирган эди бордилар, улар Аллоҳдан гуноҳларини кечирिशни сўраган эди Аллоҳ кечирди».

Улкан фитналар рўй бераётган бўлса ҳам, ҳаж ибодати фарзлигича қолади. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«لَيَحْجَنَّ الْبَيْتُ وَلَيَعْتَمِرَنَّ بَعْدَ خُرُوجِ يَأْجُوجَ وَمَأْجُوجَ»

«Яъжуж ва Маъжуж чиққандан кейин ҳам Ҳаж ва Умрани тўхтатманг». Саҳиҳул Жомий. Аллоҳ Таоло охирги замонда мўминларнинг жонини олади ва ер юзида фақат ёмон одамлар қолади. Улар тирик бўлсаларда Ҳаж тўхтайдиган, ана ўшанда қиёмат бўлади. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«لَا تَقُومُ السَّاعَةُ حَتَّى لَا يَحْجَّ الْبَيْتُ»

«Аллоҳнинг йўлида ҳаж ибодати тўхтамагунича қиёмат бўлмайди». Саҳиҳул жомий. Шунинг учун йўлга қодир бўлган ҳар бир мусулмон Ҳаж қилишга шошилиши лозим. Чунки бир кун келиб Ҳаж қилишга ярамай қолиши мумкин. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ أَرَادَ الْحَجَّ فَلْيَتَعَجَّلْ؛ فَإِنَّهُ قَدْ يَمْرُضُ الْمَرِيضُ، وَتَضِلُّ الصَّائِلَةُ، وَتَعْرِضُ الْحَاجَةُ»

«Ким Ҳаж қилишни хоҳласа шошилсин. Чунки одам баъзида касал бўлиб қолиши, моли йўқолиб қолиши ва бошқа бир эҳтиёжи туғилиб қолиши мумкин». Саҳиҳул Жомий.

Росулulloҳ ﷺ Ҳаж қилишдан ожиз бўлган мусулмон учун хушхабар берганлар. Шунинг учун мусулмон киши Ҳожининг савоби баробаридаги савобни ғанимат билиши лозим. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ صَلَّى الْفَجْرَ فِي جَمَاعَةٍ، ثُمَّ قَعَدَ يَذْكُرُ اللَّهَ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ، ثُمَّ صَلَّى رَكَعَتَيْنِ،

كَانَتْ لَهُ كَأَجْرِ حَجَّةٍ، وَعُمْرَةٍ تَامَةٍ، تَامَةٍ، تَامَةٍ»

«Кимки бомдод намозини жамоат билан бирга ўқиса, сўнг куёш чикқунича Аллоҳни эслаб ўтирса, сўнг икки ракат намоз ўқиса, унга Умра ва Ҳаж қилганнинг савоби тўла қилиб берилади». Термизий ривояти.

Ҳаждан келадиган манфаатлар:

Биринчидан Аллоҳнинг уйини улуғлаш, чунки ҳаж Аллоҳнинг шиори ва унда Аллоҳни улуғлаш бор.

﴿إِنَّ أَوَّلَ بَيْتٍ وُضِعَ لِلنَّاسِ لَلَّذِي بِبَكَّةَ مُبَارَكًا وَهُدًى لِّلْعَالَمِينَ ﴿٢٤﴾ فِيهِ ءَايَاتٌ بَيِّنَاتٌ مَّقَامُ إِبْرَاهِيمَ ۖ وَمَنْ دَخَلَهُ كَانَ ءَامِنًا ۚ وَلِلّٰهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا ۚ وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ﴾

«Албатта одамлар ибодат қилишлари учун қурилган биринчи уй Маккадаги муборак ва бутун оламлар учун ҳидоят (маёғи) бўлган Каъбадурки, унда мақоми Иброҳим (яъни Каъбани қуришда Иброҳим алайҳис-салом оёқлари остида бўлган харсанг тош, у тошдан ҳанузгача Иброҳим пайғамбарнинг оёқ излари кетмаган) ва унга кирган одам ҳар қандай хавф-хатардан омон бўлиши (каби) очиқ оят-аломатлар бордир. Ва йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир. Кимда-ким кофир бўлса (яъни Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор қилса), бас, албатта Аллоҳ бутун оламлардан беҳожат бўлган зотдир»

[Оли Имрон 96-97]

﴿ذَٰلِكَ وَمَنْ يُعِظْمَ شَعْبَرٌ أَلَّا يَنْهَاهَا مِنَ تَقْوَى الْقُلُوبِ﴾

«(Иш) шудир. Ким Аллоҳ қонунларини ҳурмат қилса, бас, албатта (бу ҳурмат) дилларнинг тақводорлиги сабабли бўлур»

[Ҳаж 32]

Иккинчидан: Бирдамлик ва дўстликни пайдо қилади. Чунки унда тил ва ранглари турли бўлган мусулмонлар бир жойга йиғилиб, ягона Роббиларига дуо қиладилар. Битта уйга юзланадилар, мақсад ва ғоялари бирлашади ҳамда Уммат ягона бир кишидек бўлиб қолади. Росулulloҳ ﷺ айтади:

«مَثَلُ الْمُؤْمِنِينَ فِي تَوَادِهِمْ وَتَرَاحِمِهِمْ وَتَعَاطُفِهِمْ مَثَلُ الْجَسَدِ إِذَا اشْتَكَى مِنْهُ عُضْوٌ تَدَاعَى لَهُ سَائِرُ الْجَسَدِ بِالسَّهَرِ وَالْحُمَّى»

«Мўминларнинг ўзаро муносабатлари, раҳмдилликлари ва ҳамдардликлари худди бир танага ўхшайди. Агар унинг бирор аъзоси оғриб қолса қолган аъзолар ҳам иситмалаб, бедор бўлиб чиқади». Муслим ривояти.

«الْمُسْلِمُونَ تَتَكَافَأُ دِمَاؤُهُمْ وَيَسْعَى بِذِمَّتِهِمْ أَذْنَاهُمْ وَهُمْ يَدٌ عَلَى مَنْ سِوَاهُمْ»

«Мусулмонлар қони (қасос ва дияда баробардир), Улардан энг қуйи даражадагиси берган омонлик ҳам нуфузлидир, улар душманга қарши бир муштдирлар». Ибн Можжа ривояти. Демак Ҳаж мусулмонларнинг кучи ва шавкатининг муҳим кўриниши, кўшинларининг йиғилиши ва шариатларининг кўринишидир.

Учинчидан: Ҳаж одамлар ханиф (соф) динга эътиқод қилувчилар имоми бўлмиш Иброҳим عليه السلام ва ўғли Исмоил عليه السلام дан мерос қилиб олган нарсасига мос келади. Росулulloҳ ﷺ шунга даъват қилдилар ҳамда ўша жой ва макомларни айтдилар.

﴿وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَاهِيمُ الْقَوَاعِدَ مِنَ الْبَيْتِ وَإِسْمَاعِيلُ رَبَّنَا تَقَبَّلْ مِنَّا إِنَّكَ أَنْتَ

السَّمِيعُ الْعَلِيمُ﴾ (IV) رَبَّنَا وَاجْعَلْنَا مُسْلِمَيْنِ لَكَ وَمِنْ ذُرِّيَّتِنَا أُمَّةً مُسْلِمَةً لَكَ وَأَرِنَا

مَنَاسِكَنَا وَتُبْ عَلَيْنَا إِنَّكَ أَنْتَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ﴾ (V) رَبَّنَا وَابْعَثْ فِيهِمْ رَسُولًا

مِّنْهُمْ يَتْلُوا عَلَيْنَا ءَايَاتِكَ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَيُزَكِّيهِمْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ

الْحَكِيمُ﴾

«Эсланг: Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтариб (дедилар);

«Парвардигоро, биздан (ушбу қилган амалимизни) ўзинг қабул айла. Шубҳасиз, сен эшитгувчи, билгувчисан! Парвардигоро, бизни ўзингга бўйсунгувчилардан қилгин ва зурриётимиздан ҳам ўзингга итоат қиладиган кишилар чиқаргин. Ва бизга (қиладиган) ибодатларимизни ўргатгин

ва тавба-тазарруларимизни қабул эт! Шубҳасиз, сен тавбаларни қабул қилгувчи, раҳмлисан. Парвардигоро, уларнинг орасига ўзларидан бўлган, уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китоб ва ҳикматни (Қуръон ва Ҳадисни) ўргатадиган ва уларни поклайдиган бир пайғамбарни юбор! Шубҳасиз, сен қудрат ва ҳикмат соҳибисан» [Бақара 127-129]

Шунингдек Росулulloҳ ﷺ ҳажжатул вадода шундай деган эдилар:

«قِفُوا عَلَى مَشَاعِرِكُمْ، فَإِنَّكُمْ عَلَىٰ إِرْثٍ مِّنْ إِرْثِ أَبِيكُمْ إِبْرَاهِيمَ»

«Шиорларингизда туринг, чунки сизлар оталарингиз Иброҳимнинг динидасиз». Абу Довуд ривояти. Росулulloҳ ﷺ яна айтдилар:

«خُذُوا عَنِّي مَنَاسِكَكُمْ لَعَلِّي لَا أَلْقَاكُمْ بَعْدَ عَامِي هَذَا»

«Ҳаж ибодатларингизни мендан ўрганинг, чунки ушбу йилингиздан кейин сизлар билан учрашмаслигимиз мумкин». Муслим ривояти.

Тўртинчидан: Ҳажда Аллоҳ Таоло ўз элчиларини у билан юборган тавҳидни эълон қилиш ҳамда уни сўз ва амалда кўрсатиш бор: Чунки ҳаж қилувчи талбия айтганда ушбу сўзларни айтади:

«لَبَّيْكَ اللَّهُمَّ لَبَّيْكَ، لَبَّيْكَ لَا شَرِيكَ لَكَ لَبَّيْكَ؛ إِنَّ الْحَمْدَ وَالنِّعْمَةَ لَكَ وَالْمُلْكَ، لَا شَرِيكَ لَكَ»

«Лаббай, эй Аллоҳ, лаббай. Лаббай, Сенинг шеригинг йўқ лаббай. Ҳамду сано Сенга хос, неъматлару мулкнинг эгаси Ўзингсан, Сенинг шеригинг йўқ». Банда Ҳаж қилар экан, барча жой ва мақомларда Аллоҳнинг бирлигини айтади, у Зотнинг итоатига, шунингдек Росулulloҳ ﷺ га байъат қилишга ўзини бахш этади. Аллоҳ буюрганидек юради ва тўхтади, соч соқолини олади. Аллоҳ буюрганидек қурбонлик қилади ва буларнинг барчасида Росулulloҳ ﷺ га эргашади. □

ҚИРОЛ САЛМОН ҚИРОЛЛИКДА АҚШ КУЧЛАРИ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИГА РОЗИ БЎЛМОҚДА

Ҳукуматнинг расмий SPA агентлиги мудофаа вазирлигидаги расмий манбадан нақл қилиб келтиришича, қирол Салмон ибн Абдулазиз «минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини сақлаш, минтақада тинчликни кафолатлаш йўлида ҳамкорликда ишлаш даражасини кўтариш учун қироллик АҚШ кучларини қабул қилишга рози» дея билдирган... АҚШнинг марказий кўмондонлиги баёнотида «мудофаа вазири қироллик розилиги ва унинг таклифи билан ресурсларни Саудияга кўчиришга ҳамда у ерга кучларни жойлаштиришга рухсат берди», деб келади. Баёнотда билдирилишича, бу қадам Вашингтоннинг ўз кучлари ва минтақадаги манфаатларини ҳимоя қилиш қудратини оширади. АҚШ манбалари Саудиянинг кучлар жойлаштирилиши учун керакли баъзи харажатларни тўлашга рози бўлганига ишора қилишади. (Бу ерда мазкур ҳолатни енгил қилиб кўрсатиш учун «баъзи» ибораси қўлланган... Зеро, Трамп «Қўшма Штатлар учун Ўрта Шарқ минтақасининг стратегик аҳамияти қисқарган ва Кўрфаз давлатлари Вашингтон кўрсатган «ҳимоя» бадалини унга тўлаши керак», дея кўп такрорлаган). Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, АҚШ кучларининг Саудияга қайтиши тўғрисидаги эълон Риёздан олдин аввал Вашингтон томонидан берилган.

Шундай қилиб, ўн олти йиллик узилишдан сўнг АҚШ ҳарбий кучлари пойтахт Риёз шарқидаги Саҳровий минтақада жойлашган Шаҳзода Султон ҳаво базасига қайтмоқда. Бу база Вашингтоннинг минтақадаги стратегиясида асосий ролни ўйнайди. Чунки, бу база баъзан олтимиш мингдан ортиқ АҚШ ҳарбий кучларини ўз ичига олган. АҚШ кучларининг мазкур базадаги ҳозирлиги 2003 йили Саддам Ҳусайн режими тугатилганидан кейин якунига етган. Россия федерацияси ташқи ишлар кўмитаси раҳбари Константин Косачев Кўрфаз минтақасида АҚШ кучлари кучайишига изоҳ берар экан, «Вашингтон ҳарбий ҳозирлигини ошириш учун Хурмуз бўғозидаги кескинликдан фойдаланмоқда», деди. У «Қўшма Штатлар минтақадаги ҳозирлигини кучайтириш учун баҳона кутаётган эди ва ниҳоят баҳона топти, биз бу баҳонани Американинг ўзи пайдо қилди деймиз», дея қўшимча қилди.

Ал-Ваъй: Аниқки, Саудия ҳукмдорларининг АҚШ кучларини ўз ерларига жалб қилишдан кўзлаган мақсади ўзлари билан Қўшма Штатлар ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликни ва бу кучлар қироллик учун муҳим хавфсизлик кафолати эканини ҳамда АҚШ кучлари сауд оиласининг қулаб бораётган тахтини Эрон таҳдидидан ҳимоя қилишга тайёрлигини кўрсатиб қўйишдир... Бу ерда Саудиянинг Қатар билан рақобатлашишига боғлиқ қўшимча мақсад ҳам бор. Яъни, Саудия ўзини Вашингтонга Қатардан кўра яқинроқ иттифоқчи эканини кўрсатиб қўймоқчи. Айниқса, бу базанинг кенгайтириб ривожлантирилиши ва Қўшма Штатларнинг минтақадаги биринчи базасига айлантирилиши кутилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Қатар, Қувайт, Баҳрайн (бешинчи флот қароргоҳи), Амирликлар ва Ўрта Шарқдаги бошқа юртларда Американинг 35 мингдан ортиқ ҳарбийлари жойлашган. Америка у ердаги ҳарбийлари сонини 100мингга ошириши, минтақада халқаро коалиция тузиши ва минтақадаги стратегиялар ижросида улар билан бирга европаликларни ҳам шерик қилиши мумкин. Зоҳиран қараганда, Америка буларни Эронга қарши амалга ошираётган бўлиб кўринсада, аслида у «янги Ўрта Шарқ» номи остида минтақада ўз мустамлакачилигини жорий қилмоқчи. Европаликларни ушбу стратегия қаршисида ҳушёр туришга ва унда иштирок этишни қабул қилмасликка ундаган нарсa мана шудир. □

ГАРДИАН: БОРИС ЖОНСОН ИСЛОМИ ВА ТАРИХНИ БИЛМАЙДИ

Лондондаги Мари Коуен университети профессори Жерри Бруттон Гардиан газетасида берилган мақоласида «Консерваторлар партияси раҳбари, ҳозирги Британия бош вазири Борис Жонсоннинг ёзганлари унинг Исломи ва тарихни ҳайрон қолдирадиган даражада билмаслигини кўрсатади», деб ёзади. Эътиборли томони шундаки, жорий ҳафтада газета Жонсоннинг олдин 2007 йили ёзган мақоласини қайта нашр қилган. У ўз мақоласида исломий олам Ғарбдан бир неча асрга орқада қолганини ёзади. Жонсоннинг фикрича, бу қоқоқликнинг сабаби – унинг таъбирича – таҳликали диний консерватизмга боғлиқ ва исломий оламнинг ҳақиқий муаммоси ислом. У «Босниядан тортиб Фаластин ва Ироққача бўлган ўт ичида ёнаётган минтақалар муаммоси мусулмонларнинг адолатсизлигига бориб тақалади», деб қўшимча қилади. Жонсон ўтган йили берган баёотлари орқали Иломга қилган сўнгги ҳужумида исломий ақидани «ғалати ва ёқимсиз», деб атайди. У бурқа ёпинган муслималарни банк ўғриларига ўхшатади. Жонсон газетасида қайта нашр қилинган мақоласида «Византия императорлиги даврида Константинополда илм ва маърифат гуллаб яшнаган ва Усманийлар бошқаруви даврида илм ва маърифат инқирозга юз тутган», деб даъво қилади. Жонсоннинг фикрича, Усманийлар ўн тўққизинчи аср ўрталаригача шаҳарда босмаҳонани ривожлантиришда муваффақиятсизликка учраган. Муаллиф Жерри Бруттон Жонсонни айни шу гапи учун танқид қилади ва бу гап Жонсоннинг тарихни ҳайрон қоларли даражада билмаслигига далолат қилади, деб ҳисоблайди.

Мақола муаллифи газетасида қуйидаги сўзлар билан раддия билдиради: «Усманийлар бошқаруви Константинополни Византия бошқаруви даврида учраган таназзулдан чиқарди. Чунки Усманийлар шаҳарни дунёнинг ҳар тарафидан уламолар ва санъаткор усталар келадиган ривожланган оламий ҳазорий марказга айлантириш учун уни қайта барпо қилишган. Шаҳарда расман эътироф этилган биринчи босмаҳонани Усманийлар 1727 йили очишган». Мақола муаллифининг айтишича, Жонсон «Ватикандаги Систен ибодатхонаси архитектурасининг исломий оламда тенги йўқ ва у мусулмон меъморларининг меъморчилик қобилиятларидан устун», деб айтган пайтида хато қилган. Муаллифнинг таъкидлашича, черковнинг дизайни усмоний меъмор Саннон томонидан барпо қилинган усмоний масжидлардан илҳомланиб яратилган. Мақола Жонсоннинг ёзганларини танқид қилиш билан якунланади. Якуний хулосада билдирилишича, Жонсон Иломнинг ўрта асрлардаги илмий ва сақофий ютуқларини писанд қилмаган. Муаллифнинг таъкидлашича, Жонсоннинг ёзганлари тарих ҳақиқатларига таянмаган, балки хурофотга ва Иломга нисбатан ғаразгўйлик қилишга таянган. Муаллиф консерваторлар партияси тарафдорларининг Илом ҳақидаги кўз-қарашини шакллантиришда Жонсоннинг фикр ва даъволарининг таъсири борлигига эътиборни тортади. Муаллифга кўра, яқинда ўтказилган сўров натижалари партия аъзоларидан 56 фоизининг Илом британияликлар яшаш тарзига ҳавф солади, деб ишоншини кўрсатган.

Ал-Ваъй: Британия ҳукмдорлари ҳақида «хоин тўқилар», деб айтилган гап энг тўғри гапдир. Улар ваъдада туришмайди, аҳдга вафо қилишмайди ва уларнинг сўзидан бирор нарса олинмайди. Улар ўз улуғлигини халқларни мустамлака қилиш асосида барпо қилишган... Жонсонга қараган киши уни телбалардек иш тутаетганини кўради. Шундай қилиб, сиёсий Иломни тугатиш мақсадида оламий сиёсатни олиб бориш учун Британия телбаси Америка телбасининг ортидан кетмоқда. Лекин бундай қилишга уларни орзулари ундамоқда. Улар ва уларга ўхшаганлар Аллоҳ Таоло изни ила тонг яқинлигини тушуниб етишади. □